

ISSN 2181-9599



DoiJournal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

№9 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна,
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Джураева Нилуфар Далибаевна,
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Ўтмишга назар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal Look to the past
Международный редакционный совет журнала Взгляд в прошлое

- 1. Кебадзе Мадонна** - Доктор исторических наук, Телавский государственный университет (Грузия)
- 2. Бурдиашвили Майя** - Доктор исторических наук, Телавский государственный университет (Грузия)
- 3. Кожакеева Ляззат Темирбековна** - тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети, Қозоғистон Республикаси.
- 4. Сағдуллаев Анатолий Сағдуллаевич** - тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети
- 5. Бобожонова Дилором Бобожоновна** - тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети
- 6. Зияева Доно Ҳамидовна** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
- 7. Аширов Адҳам Азимбоевич** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
- 8. Агзамова Гулчехра Азизовна** - тарих фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА Тарих институти
- 9. Халикова Раҳбар Эргашевна** - тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети
- 10. Ишанходжаева Замира Раимовна** - тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети
- 11. Кобзева Ольга Петровна** - тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети
- 12. Одилов Аброр Анварович** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
- 13. Ерметов Аваз Абдуллаевич** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
- 14. Саипова Камола Давляталиевна** - тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети
- 15. Джоробекова Айнуэр Эшимбековна** - тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси, Қозоғистон Республикаси.

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица
Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА

1. Юлдашев Бахтиёр Эргашевич.

СТЕПАН БАРАНОВСКИЙНИНГ “ҲИНД-ВОЛГА ТЕМИР ЙЎЛИ”НИ ҚУРИШ ҲОЯСИ (бир лойиҳа тарихи).....4

2. Джураева Нилуфар Далибаевна.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX аср мисолида).....11

3. Бабаджанов Хасан Бахтиёрович.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ.....33

4. Боқиев Анвар Аҳмедович.

МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ.....39

5. Мамадалиев Хушнудбек Исломжонович.

ҲАРҲОНА ВОДИЙСИДАГИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ.....56

6. Насиров Бунёд Уралович.

ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТИЗИМИ ТАРИХИГА НАЗАР (совет даври мисолида).....71

7. Ражабова Зухра Саъдуллаевна.

МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ ВА УНИНГ МАЪНАВИЯТНИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ.....81

8. Умаров Сардор Якубович.

ЕВРОПА ИНТЕГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОЛИ.....87

9. Шайдуллаева Гулжаҳон Шапулатовна.

БАҚТРИЯНИНГ ЖАНУБГА – БЕЛУЖИСТОН ВА ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОНГА МАДАНИЙ ТАЪСИРИ.....95

10. Мирзалиева Шаҳодат Мирзаназаровна.

МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИГА ДОИР.....108

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

СТЕПАН БАРАНОВСКИЙНИНГ “ҲИНД-ВОЛГА ТЕМИР ЙЎЛИ”НИ ҚУРИШ ҒОЯСИ (бир лойиҳа тарихи)

Юлдашев Бахтиёр Эргашевич,
Тошкент темир йўл муҳандислари институти
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди

For citation: Yuldashev Baxtiyor. The idea of building the “Indo-Volga railway” by Stepan Baranovsky (the story of one project). Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 4-10.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-9-1>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада амалдаги манбалар ҳамда адабиётлар асосида Степан Барановскийнинг Ҳинд-Волга (Кале ёки Останде - Дрезден - Курск- Саратов-Урал-Уст-юрт-Урганч-Бухоро-Қундуз-Пешавор) темир йўл қуриш ғояси таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Барановский, Ҳинд-Волга темир йўли, Европа, Ҳиндистон, Россия империяси, Ост-Индия, транспорт алоқаси, рус савдогарлари, иқтисодиёт, сиёсат, стратегик мақсад.

ИДЕЯ СТРОИТЕЛЬСТВА «ИНДО-ВОЛЖСКОЙ ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГИ» СТЕПАНА БАРАНОВСКОГО (история одного проекта)

Юлдашев Бахтиёр Эргашевич,
кандидат исторических наук, доцент
Ташкентский институт инженеров
железнодорожных транспортов

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе практических материалов и литературы раскрыта идея Степана Барановского «Строительство Индо-Волжской (Кале или Останде-Дрезден-Курск-Саратов-Урал-Уст-юрт-Урганч-Бухоро-Кундуз-Пешавор) железной дороги.

Ключевые слова: Барановский, Индо-Волжская железная дорога, Европа, Индия, Российская Империя, Ост-Индия, Транспортные коммуникации, Российские купцы, Экономика, Политика, Стратегические цели.

THE IDEA OF BUILDING THE “INDO-VOLGA RAILWAY” BY STEPAN BARANOVSKY (the story of one project)

Yuldashev Baxtiyor,

Associate professor of the Department
of Social and Humanitarian Sciences
Tashkent Railway Engineers Institute

ANNOTATION

In this article, based on practical materials and literature, the idea of Stepan Baranovsky “Building the Indo-Volzhka (Kale or Ostande-Dresden-Kursk-Saratov-Ural-Ust-Yurt-Urganch-Bukhoro-Kunduz-Peshawor) railway is disclosed .

Key words: Baranovsky, Indo-Volga Railway, Europe, India, Russian Empire, East Indies, Transport Communications, Russian Merchants, Economics, Politics, Strategic Goals.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олингандан сўнг ўзбек давлатчилигининг минг йиллик анъаналарига барҳам бериб, 1867 йилнинг 11 июлида Туркистон генерал-губернаторлигини таъсис этди. Чоризмнинг ҳарбий ҳаракатлари туфайли ўз худудларининг муайян қисмидан ажралган Бухоро амирлиги 1868 йили, Хива хонлиги эса 1873 йили Россия империясига қарам бўлган вассал давлатлар даражасига тушиб қолди. Бухоро ва Хивадан фарқли ўлароқ, Қўқон ички сиёсий адоватлар, халқ исёнлари ва кўзғолонлари билан ларзага келган бўлиб, чор қўшинларининг босиб олиши натижасида ўз сиёсий мақомидан батомом маҳрум этилди. Хонлик худудлари “Россия империясининг ажралмас қисми” деб эълон қилинди, 1876 йилдан бошлаб Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилояти номи билан атала бошланди. Ва айнан

шундан сўнг қўлга киритилган Туркистон ўлкасининг барча шаҳар ва қишлоқларда чоризмнинг ҳарбий-маъмурий бошқарув тизими ўрнатилди.

Метрополия билан унинг мустамлакасига хос бўлган муносабатлар ўрнатилгандан сўнг, империя олдида ўлка бойликларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Лекин Туркистон ўлкасини Россиянинг марказий ҳудудлари билан боғлаб турувчи қулай ва арзон “транспорт алоқаларининг йўқлиги, ўлка бозорларининг рус савдогарлари томонидан эгалланмаганлиги” [1,203] кўзланган сиёсатни амалга оширишга тўсқинлик қилар эди. Шунинг учун ҳам янги савдо бозорлари ва хом ашё манбаларига, айниқса пахтага, эҳтиёж сезаётган рус савдо-саноат доиралари империя марказий ҳудудларини Ўрта Осиё билан боғловчи транспорт алоқаларини ривожлантиришни “умумдавлат аҳамиятига молик масала” даражасига кўтариш вақти келганлигини ҳамда Россиянинг “варвар давлатларга Европа-христиан маданияти ва цивилизациясининг барча ютуқларини” [2,245] тарқатувчи “миссия”сини кенг тарғиб эта бошладилар. Айримлар “Оренбург темир йўлини қуриш ва уни Тошкент билан кўнка (от қўшиб юриладиган вагон) орқали боғлашни” [3,49], бошқалар, “Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент ва Қўқонгача рус кемалари қатновини ташкил этиш” [4,50], “...рус товарларининг Ўрта Осиёга кириб келишини энгиллаштириш учун Қора, Азов, Каспий ва Орол денгизларини кема юра оладиган каналлар билан боғлаш зарур”лигини [5,1053-1059], учинчи йўналиш тарафдорлари эса “Каспий денгизининг шимолий қирғоқларидан Орол денгизининг бирорта бир кўрфазига темир йўл ўтказиш ва Амударё трактини очишни” [6,169] таклиф қилар эдилар.

Ана шундай таклифлардан бири Степан Барановскийнинг “Ҳинд-Волга темир йўли”ни қуриш ғоясидир. 1871 йил 30 октябрда Ҳақиқий Статс Маслаҳатчи (Чор Россиясида 5-даражали мартаба) Степан Барановский Саратов-Урал-Тўрғой вилояти- Тошкент-Амударё йўналиши ҳамда Оқмўла-Еттисув-Семипалатинскдан Хитой чегарасигача бўлган масофада темир йўл қурилиши учун қидирув тадқиқот ишларини ўз ҳисобидан амалга оширишда Россия императоридан рухсат олишга амалий ёрдам сўраб Россия темир йўл алоқаси вазири, генерал-майор, граф В.А.Бобринскийга (1869-1871 йй.) илтимоснома билан мурожаат қилди. Унда Оренбург-Тошкент-Самарқанд темир йўлини жанубда Қобул-Пешавор орқали Ҳинд дарёси [7,28], ғарбда эса уни Курск-Дрезден орқали Франциянинг Кале ёки Останде станцияларидан бири билан боғлаш таклифини ҳам илгари сурилган эди

[8,30]. “Ўрта Осиё темир йўл қурилишидан кўзланган мақсад, ўлка (Туркистон)ни жонлантириш ва бу орқали Россиянинг у ерда мавқеини мустҳкамлаш, Ҳиндистон ва Хитой билан савдо алоқаларини янада кучайтириш, Европа ва Осиё давлатлари ўртасидаги транзит алоқаларни бевосита Россия орқали амалга оширишдан иборатдир,” [9,1] деб ёзган эди С. Барановский.

Таклиф қилинаётган “Ҳинд-Волга темир йўли”ни қуриш Россия учун қанчалик иқтисодий, сиёсий ҳамда стратегик нуқтаи назардан аҳамият касб этишини С.Барановский шундай изоҳлайди: “...бир томондан ўарбий Европа, иккинчи томондан Ост-Индия, Австралия, шунингдек Хитой ўртасида кенг кўламда транзит савдо-сотик амалга оширилади, шак-шубҳасиз, унда Россиянинг бевосита иштирок этиши тўлиқ таъминланади,...унинг натижасида нафақат бизнинг (Россия) миллий бойлигимиз ошади, шу билан бир қаторда мавжуд темир йўл тармоқлари даромад келтирадиган соҳага айланади, ватанимиз учун зарур бўлган янги темир йўл тармоқларини қуриш имкониятлари пайдо бўлади. Сиёсий жиҳатдан эса, Турон (Туркистон) темир йўлининг қурилиши бизнинг Ўрта Осиёдаги мулкларимиздаги позициямизни янада мустаҳкамлайди ҳамда у ерда янги ва гавжум савдо йўл бўйлаб рус колониялари, шаҳар ва қишлоқларининг асос солинишига туртки беради” [10,29].

“Россия орқали қурилиши мўлжалланган темир йўл, - деб ёзади С. Барановский,- Екетеринбург, Оренбург ва Саратов йўналиши деб номланиб, агар Екетеринбург йўналиши Тинч океани соҳилларида жойлашган Хитой ва Японияни Сибирь орқали, Оренбург йўналиши эса шимолий-ғарбий Хитойни Ўрта Осиё орқали Россиянинг марказий ҳудудлари билан савдо муносабатларини ўрнатишда қанчалик муҳим аҳамият касб этса, Россиянинг катта қисми ва бутун ўарбий Европани Ост-Индия билан боғловчи Саратов йўналиши ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Ҳатто бу йўналиш юқорида қайд этилган ҳар иккала йўналишга қараганда афзалроқ ва муҳимроқдир. Россия империяси эҳтиёжлари учун муҳим бўлган мазкур йўналишни анча айланма бўлган шарқий йўналишлар билан алмаштириб бўлмайди, чунки Европани Ҳиндистон билан боғловчи мазкур йўл энг қисқа йўл бўлиб, Оренбург йўналишига қараганда 900 верст, Екетеринбург йўналишига қараганда 1400 верст қисқароқдир,...умумий узунлиги 3704 верст бўлган Саратов йўналишининг бошқа йўналишлардан яна бир афзаллиги шундаки, у Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудларидан ўтиб, уларни Россия маркази билан энг яқин йўл билан туташтиришга имкониятлар яратади...Мазкур йўл юртимизнинг (Россия)

савдо-сотиқ соҳасидаги шуҳратини кўкларга кўтаради ва обрўйини оширади. Айни вақтда Англия ва Голландия давлатлари ўз тасарруфидаги, Ҳинд океани атрофида жойлашган ҳудудлар билан савдо алоқаларини яқин, тез, қулай ҳамда хавфсиз бўлган Саратов-Бухоро-Пешавор темир йўл линияси орқали амалга ошириш имкониятларига эга бўладилар...Саратов-Бухоро темир йўл линиясининг сиёсий жиҳатдан муҳимлиги шундаки, у Ўрта Осиёни узил-кесил бўйсундиришга ҳамда у ерда Россия империясининг таъсир кучларини лозим даражада мустақкамлашга хизмат қилади” [11, 1-9].

Россия темир йўл алоқаси вазирлигининг Департаменти 1871 йил 11 ноябрда С. Барановскийга Туркистон ўлкасидан Хитой чегараларига бўлган ҳудудларда қидирув тадқиқот ишларини олиб боришга рухсат берди. Мазкур рухсатномада бир томондан қидирув ишлари ҳаражатлари С. Барановскийнинг шахсий ҳисобидан амалга оширишга алоҳида урғу берилган бўлса, иккинчи томондан изланишлар учун сарфланган ҳаражатлар давлат хазинасидан қайтариб бериш кафолатланмаганлиги таъкидланди, учинчи томондан эса мазкур темир йўлдан фойдаланиш хусусида Россия ҳукуматидан концессия талаб қилмаслик шартлари белгиланди. Ва бу ҳақда 1871 йил 18 ноябрда С.Барановскийга хабар берилди. Албатта, Россия темир йўл алоқаси вазирлигининг Департаменти томонидан қўйилган шартларнинг ўта оғирлиги лойиҳанинг амалга ошмай қолишига туртки берди, холос [12,30]. Аслида эса, Шарқ мамлакатлари масаласида Англия ва Россия ўртасидаги ихтилофлар лойиҳанинг амалга ошмай қолишига тўсқинлик қилди, десак хато қилмаймиз. Агар Россия Ҳиндистонни эгаллаган инглизлар тез орада Афғонистон ҳамда Туркистонга хавф туғдиришдан ташвишланса, ўз вақтида Англия руслар томонидан Ҳиндистонни эгаллашдан хавфсирар эди. Россия Молия вазири М.Х.Рейтерн фикрича, “Шу вақтга қадар, баъзи истисноларни айтмаганда, биз қандай бўлмасин Англия товарларининг тасарруфимиздаги Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келишига тўсқинлик қилдик, ҳатто мазкур ҳудудлардан транзит юк ўтишга ҳам рухсат бермадик”, мабода темир йўл қурилган тақдирда “Ўрта Осиё бозорларини инглиз товарлари эгаллайди,...ўлкада рус товарларини сотиш учун деярли имкон қолмайди, бу эса биз учун ўта хавфлидир,-...чунки саноатимиз учун ўлка ҳудудлари қўлдан бой берилади” [13], “...биз Ўрта Осиё бозорларига Ҳиндистон орқали кириб келадиган Англия товарларининг рақобатидан чўчиймиз, ...ҳудудларимизга улкан миқдордаги мануфактура моллари транзитини жалб этиш мақсадга мувофиқ эмас, қолаверса, Ҳиндистон йўналиши бўйлаб темир йўл қуриш ўта бемаъниликдир” [13].

Хулоса қилиб айтганда Степан Барановскийнинг “Ҳинд-Волга темир йўли”ни қуриш таклифи Россия ҳукуматининг темир йўл қуриш борасидаги режасига мос келмаганлиги учун ҳам амалга ошмай қолди.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Туркестанский сборник. Составляемый В. И. Межковым. О торговых путях в Среднюю Азию. Т. XXVI.— С-Петербург, 1870. — С.203.
2. Ўша жойда, 245-бет.
3. Туркестанский сборник. Составляемый В. И. Межковым. О Среднеазиатской торговле. Т. VIII. — С-Петербург, 1869. — С.49.
4. Гагемейстр Ю. А. Взгляд на промышленность и торговлю России. — С. 50.
5. Черносвитов Р. Мысль об устройстве водяных путей в Среднюю Азию. —Б.1053-1059.
6. Туркестанский сборник. Составляемый В.И.Межковым. Торговая сношения России в Среднюю Азию. Т. XXVI. — С-Петербург, 1870. — С. 169.
7. Железные дороги в Среднюю Азию. Сборник статей и проектов по проведению железных дорог в Среднюю Азию. С 23 марта 1854 г. По 27 мая 1874 года Дело Министерства Путей Сообщения, Департамента Железных Дорог о разрешения Действительному Статскому Советнику Барановскому производства изысканий для железной дороги от г. Саратова, через Уральск, Тургайскую область и Туркестанскую генерал-губернаторство, г. Ташкент до Китайской границы. Началось 2 ноября 1871 года, кончено 23 декабря 1872 г., № 60, Туркестанская Публичная библиотека. — С. 28.
8. Ўша жойда, 30-бет.
9. Железные дороги в Среднюю Азию. Сборник статей и проектов по проведению железных дорог в Среднюю Азию. С 23 марта 1854 г. по 27 мая 1874 года. Индо-Волжская железная дорога. По мысли Степана Барановского. Туркестанская Публичная библиотека. — С.1.
10. Железные дороги в Среднюю Азию. Сборник статей и проектов по проведению железных дорог в Среднюю Азию. С 23 марта 1854 г. По 27 мая 1874 года Дело Министерства Путей Сообщения, Департамента Железных Дорог о разрешения Действительному Статскому Советнику Барановскому производства изысканий для железной дороги от г. Саратова, через Уральск, Тургайскую область и Туркестанскую генерал-губернаторство, г. Ташкент до Китайской границы. Началось 2 ноября 1871 года, кончено 23 декабря 1872 г., № 60, Туркестанская Публичная библиотека. — С.29.

11. Железные дороги в Среднюю Азию. Сборник статей и проектов по проведению железных дорог в Среднюю Азию. С 23 марта 1854 г. По 27 мая 1874 года. Индо-Волжская железная дорога. По мысли Степана Барановского. Туркестанская Публичная библиотека. – С.1-9.

12. Железные дороги в Среднюю Азию. Сборник статей и проектов по проведению железных дорог в Среднюю Азию. С 23 марта 1854 г. По 27 мая 1874 года Дело Министерства Путей Сообщения, Департамента Железных Дорог о разрешения Действительному Статскому Советнику Барановскому производства изысканий для железной дороги от г. Саратова, через Уральск, Тургайскую область и Туркестанскую генерал-губернаторство, г. Ташкент до Китайской границы; началось 2 ноября 1871 года, кончено 23 декабря 1872 г., № 60, Туркестанская Публичная библиотека. – С.30.

13. ЎзР МДА, И-1 жамфарма, 16-рўйхат, 833-иш, 4-6-орқа варақ. Протокол совещания от 3 января 1875 года.

14. Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX- начало XX в.). – Ташкент: Фан, 1987. – С.18-19.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX аср мисолида)

Джураева Нилуфар Далибаевна,
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири

For citation: Djuraeva Nilufar. Study of issues of attitude to the place and role of women of Uzbekistan in society (on the example of the XX century). Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 11-32.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-9-2>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли, ижтимоий мавқеи масалалари илмий таҳлил этилган. Шунингдек, XX аср бошларида Туркистон тараққийпарварларининг мазкур масаладаги қарашлари, совет даврида хотин-қизлар масаласининг ўрганилиши, мустақиллик йилларида аёллар масаласига давлат сиёсати даражасидаги эътибор илмий ёритилган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар, жамият, ижтимоий мавқе, Туркистон, жадиличлик ҳаракати, хотин-қизлар маорифи, совет даври, мустақиллик йиллари, давлат сиёсати.

ИЗУЧЕНИЕ ВОПРОСОВ ОТНОШЕНИЯ К МЕСТУ И РОЛИ ЖЕНЩИН УЗБЕКИСТАНА В ОБЩЕСТВЕ (на примере XX века)

Джураева Нилуфар Далибаевна,
кандидат исторических наук, доцент
Узбекский государственный университет мировых языков
Заведующая кафедры истории Узбекистан

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется место и роль женщин в обществе в XX веке и их социальный статус. В начале XX века с научной точки зрения освещались взгляды туркестанских джадидов по этому вопросу, изучение проблем женщин в советский период и важность государственной политики в отношении женщин в годы независимости.

Ключевые слова: женщины, общество, социальный статус, Туркестан, джадидское движение, образование женщин, советская эпоха, годы независимости, государственная политика.

STUDY OF ISSUES OF ATTITUDE TO THE PLACE AND ROLE OF WOMEN OF UZBEKISTAN IN SOCIETY (on the example of the XX century)

Djuraeva Nilufar,

Uzbek state world languages university

Associate professor, doctor of philosophy (PhD)

ANNOTATION

The article analyzes the place and role of women in society in the twentieth century and their social status. At the beginning of the twentieth century, the views of Turkestan jadids on this issue, the study of women's problems in the Soviet period and the importance of state policy towards women in the years of independence were covered from a scientific point of view.

Key words: women, society, social status, Turkestan, the Jadid movement, the education of women, the Soviet era, the years of independence, state policy.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида ўзбек халқи аёллар ижтимоий фаоллигини оширишда тарихан ўзига хос менталитетга эгадир. Аёлларнинг анъанавий равишда ўз Ватанига ва оиласига содиқлик руҳияти маънавият мезони даражасига кўтарилган. Шунга кўра миллий менталитет тизимида аёлларга бўлган эътибор муайян ўрин эгаллайди.

Президент Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Халқимиз азалдан муқаддас Она зотига, хотин-қизларга доимо юксак эҳтиром кўрса-тиб келади. Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, “Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати

билан белгиланади”, деган ҳикматли сўзларда албатта чуқур маъно бор.

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда”[1].

Аёлларнинг ижтимоий фаоллиги жамият маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва уларнинг тарихий асосга эга бўлган маданий-маърифий соҳадаги иштироки манбаларда ўз ифодасини топган. Бу масала ўрта аср шарқ алломаларининг асарларида ҳам акс этган. Хусусан, Абу Наср Форобий ёзганидек, адолатли раҳбар жамиятни жаҳолатдан, маънавиятсизликдан сақлаб, уни тараққиёт, юксаклик сари етаклайди [2]. Бинобарин ана шундай фазилатга эга бўлган раҳбар, аввало, жамиятда аёллар нуфузини кўтаришга ҳам алоҳида масъулият билан қарайди.

Тарихшунослик хулосаси шуни кўрсатадики, аёлларнинг жамиятдаги ўрни масаласига XX асрнинг бошларида Туркистон маърифатпарварлари ўз муносабатини билдириб, хотин-қизларни илмга жалб этиш орқали уларни жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга даъват этишган, уларни жамият ривожига ҳисса қўшишига шароит яратиш учун курашишган[3]. Туркистон маърифатпарварларининг асарлари ҳақидаги маълумотларни XX аср бошларидаги маҳаллий матбуот саҳифаларида кўриш мумкин [3].

Жадидлар XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида аёлларни рағбатлантириш, уларни зиёли этиб тарбиялаш билангина миллатни қайта тиклаш мумкинлигини англаган ҳолда, аёллар борасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уларни маърифатли қилиш учун кенг тарғибот ишларини олиб боришган. Жадидлар мусулмон хотин-қизларининг ҳуқуқсизлигини, жамиятда уларга нисбатан мавжуд бўлган анъанавий патриархал муносабатларни англаган ҳолда, ўз дастурий фаолиятларида аёллар муаммосини ҳал этиш учун жамиятни ислоҳ қилиш ғояларини илгари сурдилар [3].

Хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш, жамиятда уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, балоғатга етмаган қизларни эрга беришни таъқиқлаш каби ижобий аҳамиятга эга бўлган масалалар даставвал маърифатпарварларимизнинг ҳаракат дастурида ўз ифодасини топган эди. Лекин, бу ғоялар уларнинг бирон-бир махсус ҳужжатларида расмий равишда белгиланмаган. Шундай бўлса-да, айрим ҳужжатлар ва хотираларда жадидларнинг “Шўрои Ислом” ташкилоти мусулмон хотин-қизларининг ҳокимият органла-

рига сайловларда иштироки ҳақидаги масалани биринчилардан бўлиб кўтариб чиққанлиги ҳақида гувоҳлик беради[4].

Хусусан, “Нажот” газетасининг 1917 йил 28 апрелдаги сонидида қайд этилишича, 1917 йилги февраль инқилоби таъсирида анча фаоллашган маҳаллий тараққийпарварлар ва қадимчилар ўртасидаги қизгин баҳсларнинг авж олишига олиб келган қарама-қаршилиқнинг энг ўткир масалаларидан бири-туркистонлик хотин-қизларнинг сайловда иштирок этиши муаммоси бўлган[5].

Қадимчилар хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаолиятда иштироки шариат ва тариқат қоидаларига зид келади деган фикрни ўртага суришди. Улар мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлган Қуръондаги аёлларнинг нотенг аҳволини оқловчи ва ёритувчи бир қатор кўрсатмаларга мурожаат қилиб, улар иккинчи даражали, ижтимоий-сиёсий фаолиятда иштирок этишга ноқобил мавжудот деб исботлашга ҳаракат қилишди. Уларнинг фикрича, хотин-қизларнинг асосий вазифаси ва ҳаётининг мазмуни-эрига итоаткорлик билан хизмат қилишдир, зотан “эрлар хотинларидан юқори туради, чунки Аллоҳ дастлабкиларига кейинчилари устидан афзаллик берган ва шу боис ҳам ўз мулкларидан уларга сарфлашади” [6] (“Ал-Изоҳ”, 1917, №5-6).

Шу муносабат билан кейинчалик “Хуррият” газетаси куйидагиларни ёзади: “Шуниси қизиқки, бу муҳтарам зотлар илгаридан аёллар тўйга, меҳмонга, қабристонга эркин бориб келишганига эътибор беришмаганмикан. Энди эса, диний ва миллий ҳуқуқларимизни ўз қўлимизга олиш пайти етиб келганда, улар аёлларнинг сайловдаги иштирокига қарши туришибди” (“Хуррият”, 1917, 18 июль).

Ўлкамусшўросининг “Кенгаш” газетаси аёлларнинг сайловда иштироки масаласи бўйича қадимчиларнинг хатти-ҳаракатини қоралаб, огоҳ этдики, агар Туркистон мусулмонлари шу даражада қолоқ бўлсалар, унда уларнинг ярми сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Шу сабаб туфайли биз нафақат Думада, балки Таъсис Мажлисида ҳам вакилларга эга бўлолмаймиз (“Кенгаш”, 1917, 25 июль).

Тараққийпарварлар уларга тушунтиришдики, сайлов пайтида хотин-қизлар алоҳида назорат остида бўлади ва му сулмон ахлоқи меъёрларига риоя этилади. Хотин-қизлар сайлов участкасига ҳижоб билан келади ва ўзлари учун махсус ажратилган хоналарда сайлов варақаларини ташлашади. Охир оқибатда мус улмонлар қурултойи куйидаги мазмунда қарор қабул қилди:

1. Шу бугундан (1917 йил 20 апрель) эътиборан Таъсис Мажлисига тайёргарлик бошлансин.

2. Таъсис Мажлисига делегатларни сайлашда мусулмон хотин-қизларига тенг ҳуқуқлар берилсин.

3. Хотин-қизларнинг сайловда иштироки шариат доирасида олиб борилиши лозим [7].

Жадидчилик ҳаракати жамият тараққиётида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини, эркинликларини тиклаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, маърифатли қилиш ва уларга нисбатан ўрта асрдан сақланиб келаётган эскича муносабатлардан қутулиш тўғрисидаги янги ғоявий оқимларни ўзлаштирарди ҳамда Ўрта Осиё мусулмон жамияти қолоқлигини ва жаҳолатини бартараф этиш учун ғарб ютуқларини сингдиришни тарғиб қиларди. Чунки, жадидлар маърифатсиз жамиятда ҳукмронлик қиладиган ўзбошимчалик, жабр-зулм, адолатсизлик, жоҳиллик, зўравонлик авваломбор аёллар ҳаётида тезроқ ва тўлароқ ўз ифодасини топишини яхши англаган. Шунинг учун ҳам, улар хотин-қизларни маърифатли қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини ишга солиш, диний ва дунёвий илм имкониятларидан фойдаланишлари учун шароит яратиш, ўзбек аёлларини европа аёлларидек эркаклар билан тенг ҳуқуқли ҳаёт кечиришлари мумкинлиги ҳақида мушоҳада юритишиб, уларни янгича озод ҳаёт кечиришга чақиритган.

Жадидлар “хотин-қизларни жамиятнинг тўла қонли аъзолари сифатида қабул қилмасдан, оила масаласини тўғри ҳал қилмасдан, ёш авлодни тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, охир оқибатда миллат тақдири унинг аёллари ва оиласининг ҳолатига боғлиқдир [8]”- деб, ўз ҳаракатлари давомида қуйидаги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш учун курашдилар:

- аёлларнинг оиладаги ўрнини белгилаш орқали, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, диний ва дунёвий ишлардаги иштирокида тенг ҳуқуқлилиқни таъминлаш;

- хотин-қизларнинг миллат таянчи эканлигидан, ёш авлоднинг ижтимоий, ахлоқий ва меҳнат тарбиясида масъуллигидан келиб чиқиб, уларни маърифатли қилиш;

- ҳар қандай жамиятнинг маданий-маънавий даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланиши боис, уларга нисбатан салбий муносабатни ўзгартириш [9].

Жадидларнинг бу ғоялари негизида, аёлларнинг инсоният тарихидаги беқиёс мавқеи ва оила жамиятнинг асосий пойдевори эканлиги ўз аксини топган эди. Жадид мафкураси илгари сурган аёл, оила,

жамият масалалари умуминсоний муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, бугунги кунда ҳам юксак аҳамиятга эга.

Жадидлардан фарқли ўлароқ, советлар хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш орқали ўз мустамлакачилик сиёсатининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаландилар. Жумладан:

- советлар маҳаллий миллат аёлларини ижтимоий-сиёсий жабҳага тортиб, улардан партия сафларини тўлдириб, «янги социалистик жамият»ни қуришда ўз тарафдорларига эришишга интилди;

- ўзбек аёлларининг табиатида мавжуд бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини сунъий равишда Иттифоқ деб аталган ҳудудга ёйишга ҳаракат қилди;

- советлар маҳаллий миллат хотин-қизларидан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиб, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантирмасликка қаратилган сиёсат олиб борди;

- бу эса, ўз навбатида маҳаллий миллат вакилаларида миллий ўзликни англаш ва мустақиллик учун курашишга зарур бўлган туғма эҳтиёжларнинг уйғонишига йўл қўймади.

Жадидларнинг жамиятни замонавийлаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, дунёвий билимлардан бохабар қилиш бўйича дастурий мақсадлари коммунистик партиянинг шиорларига қисман мос келарди. Бироқ, совет ҳукумати тажовузкор сиёсатининг негизида хотин-қизларга нисбатан ғаразли мақсадлар яширинган эди. Жадидлар миллий истиқлол ғоясини илгари суриб, мустақиллик учун курашганлари боис, мустабид совет ҳокимияти қатағонлик сиёсатининг дастлабки қурбонлари бўлишди. Бунинг оқибатида эса, ўзбек хотин-қизлари ўзларининг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашида ҳайрихоҳлик қилиб, далда бўлган ижтимоий гуруҳдан маҳрум бўлди.

Совет ҳукуматининг дастлабки йилларида маҳаллий миллат хотин-қизларининг жамиятдаги, маданий-маърифий жараёнлардаги ўрни ва роли масаласи асосан, хотин-қизлар ҳаракатининг фаоллари томонидан илмий ўрганилган [10]. Лекин, уларнинг мақола ва рисолаларида маҳаллий миллат хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга жалб қилиниши бир ёқлама, синфийлик нуқтаи назаридан ёритилиб, совет ҳокимияти сиёсатини улуғлаш мақсадларига хизмат қилган. Ушбу адабиётларда сохта коммунистик мафкуранинг сиёсий тизимдаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги “инқилобий ўзгартирувчи” ролини кўрсатишга зўр бериб уринилган ва фақат ижобий баҳоланган. Кейинчалик бу муаммонинг тадқиқ қилиниши билан боғлиқ масалаларга маҳаллий мутахассислар ҳам жалб қилинди [11]. Бироқ, бу асарларда ҳам мустабид тузумнинг хотин-қизларга

нисбатан юргизган сиёсати ижобий баҳоланиб, Шарқ аёлларига хос бўлган, асрлар давомида шаклланиб, уларнинг турмуш тарзига, маънавий қиёфасига айланган миллий, диний, анъанавий қадриятлар “хурофот” сифатида қораланиб, советларнинг манфаатларига зид келганлиги учун камситилган. Совет даври адабиётларининг негизини айнан, мана шу миллий, диний, анъанавий қадриятларга қарши кураш ғояси ташкил этган.

40-йилларда хотин-қизлар масаласи ва унинг “ҳал қилинганлиги” ҳақидаги мақола ва рисолалар асосан, совет ва партия ташкилотларида раҳбарлик лавозимидаги маҳаллий миллат аёллари томонидан яратилди[12]. Уларнинг асарларида хотин-қизлар “озодлиги”нинг моҳияти коммунистик партиянинг мақсад-манфаатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

50-йиллардан бошлаб, хотин-қизлар масаласи илмий-тадқиқот иши сифатида ўрганила бошланди[13]. Бироқ, бу тадқиқотлар асосан фактологик характерга эга бўлиб, хотин-қизларнинг паранжини ташлаши билан боғлиқ бўлган тарихий воқеаларнинг баёнидан иборат эди. Шу билан бирга, муаллифлар томонидан бир қанча муҳим масалалар жумладан, маҳаллий аҳолининг хотин-қизлар “озодлиги”га қарши бўлган мухолифатчи қисми, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги янги тушунчани патриархал имтиёз кучли бўлган анъанавий турмуш тарзига сингиши қийин кечганлиги ҳақида фикрлар билдирилмади. Аксарият тадқиқотларда хотин-қизлар “озодлиги” учун ҳаракат силлиқ, бир маромда, режа асосида, кийинчиликларсиз олиб борилганлиги ифода этилган.

60-йилларда ҳам хотин-қизлар масаласи билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш янада чуқурлашди ва илмий мақолалар, номзодлик, докторлик диссертациялари ҳамда монографиялар яратилди[14]. Улар кенг архив материаллари ва манбавий адабиётлар асосида яратилган биринчи умумлашган ишлар бўлса-да, ягона сиёсий мафкура қолипиди ёзилган бўлиб, кўп муҳим масалаларнинг моҳияти сохталаштирилган эди.

70-йилларда Ўрта Осиё республикаларида аёллар масаласининг “ҳал қилиниши” тарихини ўрганиш фаоллашди. Жумладан, Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий аҳволи ва хотин-қизлар ҳаракати масалалари Х.С.Шукурова, Р.Х.Аминова, С.О.Бегматова, М.Баҳритдинова, М.Зиямуҳамедова ва бошқа тарихчиларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган[15]. Аммо, бу даврдаги адабиётларда ҳам қатор камчиликлар борлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Жумладан, Ўрта Осиё хотин-қизларини озодликка чиқаришда мавжуд тузум миллий урф-

одатлар, анъанавий қадриятларга эътибор бермай, камситилганлиги, зўравонлик усуллари қўлланилганлиги, саноатлаштириш ва жамоалаштириш сиёсати салбий оқибатларининг хотин-қизлар турмушига таъсири ҳақида лом-лим дейилмаган.

Ўрта Осиё хотин-қизларининг ўзига хос ижтимоий муаммолари, уларнинг оғир аҳволи ҳақидаги масалалар фақат, XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб ўртага ташланди. Чунки, 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган “қайта қуриш сиёсати”, “янгича фикрлаш”, демократия ҳамда ошкоралик жараёнининг ўсиб бориши, ҳукмрон мафкура тазйиқининг бўшашуви натижасида миллий ўзликни англашнинг ўсишига, тарихий ҳақиқатнинг тикланишига ижтимоий зарурат туғилди. “Қайта қуриш”нинг дастлабки йилларида ҳам аввалгидек, хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ролига ижобий баҳо берилди [16]. Лекин, “Ҳужум”нинг 60 йиллигига ва хотин-қизлар ҳаракати тарихига бағишлаб чоп этилган Р.Х.Аминова, Р.Я.Ражапова, Р.А.Убайдуллаева, В.Г.Чеботарёваларнинг рисоаларида илк маротаба хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш муаммолари, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, маиший турмуш тарзига эътиборни кучайтириш каби масалалар ўртага ташланди [17]. Улар хотин-қизларнинг кўпроқ оғир саноатда қийин шароитда меҳнат қилаётгани, бу эса улар организмнинг ўзига хос хусусиятларига мос келмаётганлиги, аёллар меҳнатидан унумли фойдаланиш муаммоси ишлаб чиқариш масалалари билан чекланмаслиги, малакали фаолиятни оила вазифалари билан бирга олиб бориш осон эмаслиги, хотин-қизларнинг касаначилик меҳнатидан, кўп болали аёлларнинг тўла бўлмаган иш кунидан фойдаланиш имкониятлари каби масалалар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар. “Қайта қуриш” йиллари адабиётининг хизмати шундан иборат бўлдики, унда хотин-қизлар ҳаракатини баҳолашга янгича услубий ёндошувнинг ишлаб чиқилиши зарурлиги асослаб берилди. Лекин бу масаланинг тўлиқ ҳал қилинишига муваффақ бўлинмади. Чунки, коммунистик мафкуранинг давом этиб келаётган ҳукмронлиги, мустабид тузумнинг сақланиб турганлиги бунга имкон бермади.

Советлар даврида нашр этилган адабиётларнинг илмий-танқидий таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

- шу пайтгача яратилган тадқиқотларда тарихий воқеаларни акс эттирувчи бой фактик материаллар тўпланди ва умумлаштирилди, аммо тадқиқотларнинг барчаси мафкуравий догмалар ҳукмронлиги даврида ёзилган бўлиб, уларда ўша даврдаги ҳукмрон мафкуранинг кучли таъсири сезилиб туради;

- ўрганилаётган масалалар коммунистик мафкура тазйиқи остида расмий андозага айланган қарашлар нуқтаи назаридан бир ёқлама ёритилган ва ниҳоятда сиёсийлаштирилган;

- совет ҳукумати томонидан хотин-қизлар масаласининг “ҳал этилганлиги” ҳақидаги ғайриилмий хулосани асослаш, миллий, диний, анъанавий қадриятларга қарши кураш ғояси тадқиқотлар моҳиятини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин собиқ Иттифоқнинг тугатилиши, тарихий ҳақиқат ва миллий маънавиятнинг тикланиши Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳволига муҳим ижтимоий масала сифатида қарашга имкон берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мазкур масалани тарихчилардан Р.Х.Аминова, Д.А.Алимова миллий ғоя асосида бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этди [18].

Жумладан, Р.Х.Аминова “Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари” номли рисоласида аёлларнинг олий умумтаълим даражаси уларнинг касбий машғулликка мос келмаётганлиги, уларнинг кам малакали ёки малакасиз меҳнат билан машғулликка эркакларга нисбатан ортиқ эканлигини таъкидлаб, шундай деб ёзади: “Жумҳурият саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар улуши мамлакатга нисбатан юқори. Республика саноатида қўл меҳнати салмоғи 35,3фоизни ташкил этса, аёллар орасида эса 42,5фоиздан иборат бўлди. Ҳали аёлларнинг оғир жисмоний меҳнати тугатилмаган” [19]. Олима бу муаммоларнинг икки гуруҳини кўрсатиб ўтади, яъни биринчиси, аёллар меҳнати одатда кўп бўлган ишлаб чиқаришда техник жиҳозлаш даражасининг етарли эмаслиги, иккинчиси эса, аёлларни касбга тайёрлаш қониқарли даражада эмаслигидан иборат. Тарихчи олима “Қайта қуриш” сиёсати турғунлик йилларида тўпланиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, маиший ҳаётидаги муаммоларини ошқора айтиш имконини берганлиги, лекин шунга қарамай, 70 йил мобайнида оилада сақланиб қолган эскича муносабатлар аёлларнинг ҳақиқатни айтишларига имкон бермай, уларни чорасизликка, айниқса ички исённи ифода этишнинг энг оғир йўли бўлган — ўзини-ўзи ёқишига олиб келганлигини афсус билан ёзади [20].

Д.Алимованинг илмий монографиясида хотин-қизлар муаммоси кенг қамровли ҳужжатли манбалар ва архив материалларини таҳлил қилиш асосида танқидий равишда ўрганилган [21]. Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрни тарихшунослик нуқтаи назаридан ёритиб берилди. Шунингдек, олима

хотин-қизлар масаласида — фақат “Хужум” ҳаракати янгича асосда баҳоланса-да, унинг тарихи ва “аёллар кооперацияси” масаласи, хотин-қизларнинг аҳволига қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсатининг таъсири, 1925-29 йиллардаги ер-сув ислохотининг хотин-қизлар эмансипациясидаги роли, ушбу йўналишдаги жамоат ташкилотларининг фаолияти, ижтимоий ишлаб чиқаришга хотин-қизларни жалб қилиш, янги типдаги хотин-қизларнинг шаклланиши билан маданий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлиги каби масалалар миллий истиқлол мафкураси асосида ўрганилиши долзарблигича қолганлигини таъкидлайди [22]. Олиманинг бир қатор илмий мақолаларида оила ва жамиятда аёл мавқеи билан боғлиқ анъанавий, ижтимоий қарашлар ҳамда уларнинг тарихий илдизлари илк бор илмий асосда ёритиб берилди [23].

90-йилларнинг иккинчи ярми ва 2000-йилларда янги тарихий тафаккур руҳида, янгича ёндошув ва методология асосида тарих фани ва ижтимоий фанларнинг яъни, иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ сингари деярли ҳамма соҳаларида аёллар аҳволини ўрганишга эътибор қаратилиб, хотин-қизлар масаласига оид бир қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинган [24]. Ушбу диссертацияларда тадқиқ этилаётган даврдаги совет ҳокимиятининг хотин-қизларга муносабатининг мустамлакачилик моҳияти миллий ғоя асосида, илмий тарзда, холис ёритиб берилган. Лекин, бу тадқиқотларда муаммонинг айрим жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Я.А.Абдуллаеванинг “Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср” номли махсус монографияси ва мақолаларига алоҳида тўхтаб ўтиш жоиз, чунки, уларда архив ҳужжатларига асосланган илмий хулоса ва кенг маълумотлар берилган. Я.А.Абдуллаева ўз монографиясида совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг хотин-қизлар ўртасида олиб борган сиёсатининг қарама-қарши характерга эга бўлганлигини, ижобий ва салбий аҳамият касб этганлигини, улар орасида иш олиб боришнинг махсус иш услублари, шакллари, механизмлари мажмуи яратилганлигини биринчи бўлиб аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берган. Советлар ва коммунистик партия томонидан олиб борилган ишларнинг таснифини яратган [25].

XX асрда совет ҳокимиятининг маҳаллий миллат хотин-қизларга муносабати ғарб тадқиқотчиларини ҳам ўзига жалб қилган. Жумладан, 20-йиллардаги Ўрта Осиё хотин-қизлари эмансипацияси муаммоларини ғарб олимлари - А.Беннингсен [26], Л.К.Шанталь[27], А.Аллег[28] кабилар ва америкалик тадқиқотчилардан Рудольф Брода, сиёсий шарҳловчи Луис Фишер, журналист Анна Луиза Стронг, си-

ёсатшунос Барбара Жанкар[29], Венсан Монтей[30], Фрэнк Адольф, Вальтер Коларц, Герберт Диперштейн, Элизабет Э.Бэкон, Александр Парк, Нортон Т.Дожд ва бошқалар ўрганишган[31]. Уларнинг баъзилари ўз асарларида совет ҳокимиятининг хотин-қизларга муносабатини ижобий баҳолаган бўлса, аксарият тадқиқотчилар эса, советларнинг “хотин-қизлар масаласининг ҳал бўлганлиги” ҳақидаги ғайри илмий хулосасини ёритишга оид ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, совет ҳокимиятининг хотин-қизлар борасидаги сиёсатини “рус мустамлакачилиги сиёсати, рус халқининг маҳаллий халққа зулм ўтказиши” [32], деб баҳолаганлар.

Жумладан, Рудольф Брода, Луис Фишер, Анна Луиза Стронг большевикларнинг хотин-қизларга нисбатан олиб борган сиёсатини ижобий баҳолаган бўлса, америкалик сиёсатшунос Барбара Жанкар ўз асарларида энг аввало социализмнинг бош мақсади иқтисодий ривожлантириш экан, шу мақсадда хотин-қизлардан ишчи кучи сифатида фойдаланилади, улар ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилади, деб хулоса чиқаради: «Социализм мамлакатларидан бўлак жаҳонда ҳеч бир мамлакатда ишловчи хотин-қизлар фоизи бунчалик юқори эмас»[33]. Бу фикрни француз шарқшуносларидан А.Беннингсен ва Л.К.Шантал, С.Уимбуш ва М.Броксап ҳам қўллаб-қувватлаб, совет давлати туб аҳолининг маҳаллий, диний, анъанавий омилларини ҳисобга олмаганлигини, миллий манфаатларини рад қилган ҳолда сиёсат олиб борганлигини танқид қилади. Француз советшунос олими Жон Шомарт де Лов[34] эса оғир меҳнат талаб қиладиган саноат ишлаб чиқаришининг хотин-қизлар организмига салбий таъсири ва унинг оқибатлари ҳақида фикр билдиради. Шу билан бирга, советларнинг маҳаллий халқ хотин-қизларини «озодликка чиқариш» сиёсати шошма-шошарлик билан, кампаниябозлик усулида, тор синфий ёндошув асосида олиб борилганлиги таъкидланади.

Танқидий мулоҳазалар акс этган ғарб тадқиқотчилари асарларининг кўплаб саҳифалари Лондондаги Ўрта Осиё тадқиқот маркази томонидан нашр қилинган ҳамда Жеффри Уиллер раҳбарлик қилган “Среднеазиатское обозрение” журналида чоп этилган [35]. Жумладан, Венсан Монтей “Озод аёл” деб номланган китобида советлар томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиниши, аёллар ҳунармандчилигининг йўқолиб кетишига олиб келди, деган хулосани беради.

Боймирза Ҳайит эса, советлар томонидан қабул қилинган никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларни “оилавий турмушни бузувчи тадбирлар” деб атайди. Ҳақиқатдан ҳам, советларнинг аёлларни эркин-

ликка чиқариш сиёсати ўзбек халқининг бевосита оилавий ишларига аралашидан иборат ҳол эди. АҚШдаги Мичиган университети ходими Фрэнк Эккер “Осиёдаги ўткинчи давр: Ўзбекистон советлар даврида” [36] номли китобида Ўзбекистондаги қишлоқ аёллари ҳаёти-ни таҳлил қилиб, уларнинг озодликка чиқарилишини пахта терими ва бошқа дала ишларида хотин-қизлар меҳнатига бўлган эҳтиёж билан боғлайди. АҚШдаги Колумбия университети ходими Александр Парк советларнинг динга қарши сиёсатини хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга халақит берганлиги билан боғлайди. Ёзувчи, журналист ва радио шарҳловчи Вальтер Коларц “Совет Иттифоқида дин” номли китобининг “Ислом дини” деб номланган бўлимида диндорларга нисбатан олиб борилаётган тазйиқни қоралайди ва чаласавод дин пешволари томонидан қонунийлаштирилган ғайриисломий анъаналарга ва мусулмон аёлларга нисбатан эскирган муносабатларга қарши тараққийпарвар диндорлар томонидан кураш бораётганлигини таъкидлайди [37]. Шунингдек, Вальтер Коларц “Ҳужум” кампанияси тарихини “паранжи ёпинишга қарши кампания” деб атайди ва “бу кампания коммунизм учун фойдали бўлиб чиқмади” деб таъкидлайди [38]. Бу ўринда кўплаб аёлларнинг ўлдирилганлиги, хўрланганлигини назарда тутди.

АҚШлик Герберт Диперштейн “Ўзбекистонни советлаштириш”, “Рус фикри ва сиёсати” номли китобларида “Совет бошқарувининг дастлабки йилларида ўзбек хотин-қизларининг озодлиги хусусида ҳеч бир иш қилинмади”, деб таъкидлайди [39].

Англиялик олим Виллер совет ҳокимиятининг хотин-қизларни маданий-маърифий жараёнларга жалб қилишда олиб бораётган сиёсатини таҳлил қилиб, “хотин-қизларга олий таълим бериш соҳасида ҳали кўп иш қилмоқ лозим” деб, уларни илмий салоҳиятини оширишга эътибор султ эканлигини танқид қилади, [40] америкалик социолог олимлар Мишель Поль Секс, Гейл-Варшофска-Лapidус [41], С.Шуйский, М.Фишбах кабилар ҳам бу фикрни қувватлайди [42].

Индиана университетининг Марказий Евроосиё факультети ходими, олима Мариан Камп (Marianne Kamp) Туркистон аёллари, хусусан, ўзбек аёллари ролининг XIX асрдан буён турли ҳукумат бошқарувлари давомида ўзгариши, уларнинг жамиятдаги ўрни ва фаолияти ҳақида “Ўзбекистон янги аёли: Ислом, Замонавийлик ва Коммунизм даврида паранжининг ечилиши” (The new woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism) номли китоб ёзган. Олима Кампнинг фикрига кўра, мустамлака даври Жадидларининг хотинқизларни илмга жалб қилиш ва уларни жамият-

да ўз ўрнини белгилаш борасидаги ислохотлари Совет давридаги аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳаракатларига асос бўлганди. Яъни, хотин-қизларга билим бериш ва уларни жамият ривожига ҳисса қўшишига шароит яратиш борасидаги ўй ва ҳаракатлар совет тизими ва коммунистик партия юзага келишидан анча олдин бошланганлиги таъкидланади [43].

Ўзбек аёллари маънавияти ва маърифатига бағишланган хорижлик олимларнинг асарларидан яна бири 2003 йилда чоп этилган германи-ялик олима Габриел Келлернинг “Ўзбекистонда аёллар маданияти: Европалик аёл Марказий Осиёда қадимий анъаналар изидан” [44] номли 288 бетлик альбом-каталогдан иборат китобидир. Унда олиманинг Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида юриб тўплаган эртақчилик анъаналари, аёллар маданиятининг турли қирралари акс эттирилиб, фотоасарлари немис, ўзбек, инглиз ва француз тилларида шарҳланган. Сўз бошида муаллиф унга Самарқандда бешик тўйи, бибимушкулкушод, аёллар рақслари ёққанлигини ёзади. Олима ислом динининг Ўзбекистондаги либерал, демократик хусусиятини тан олган хорижлик олимлар (З.Баран, З.Бжезинский ва бошқалар)дан бири бўлиб, буни унинг: “Марказий Осиёдаги ислом дини бошқа янада қадимийроқ динларнинг айрим хусусиятларини ўзида мужассам қилган муқаддас дунёвий диндир” [45] деган хулосасидан ҳам билиш мумкин.

Немис этнографолими Габриеле Келлер хоним 1997-2000 йилларда Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатда кўрган-кечирганлари ва таассуротлари натижаси сифатида ўзбек аёллари маданиятига бағишланган кўргазма ташкил этган. Кўргазмадаги суратларда унинг Тошкент-Бухоро оралиғида эртақшунос олима сифатида ўтказган экспедициялари ўз ифодасини топган. Бу тадқиқот ва изланишлар натижаси сифатида Германияда 2001 йилда “Самарқанд эртақлари. Ўзбекистонда буюк ипак йўли бўйлаб изланишлар” номли китоби чоп этилди. Мазкур адабиёт 2002 йилда қайта нашр қилинди.

Габриеле Келлер эртақларга бўлган қизиқиши туфайли ўзбек оилалари ва ўзбек аёллари турмуш-тарзи билан танишди. Ўзбек аёлларининг оиладаги мавқеи, миллий қадриятлари ва урф-одатлари ҳамда оилавий ҳаёт маданияти билан танишиб, уларни айниқса, ўзбек аёллари маданиятини фотосуратларда акс эттирди. Ўзбек аёлларининг қадриятларга содиқлиги, уларнинг бугунги кундаги маданий-маърифий турмуш тарзлари ҳақида мукамал маълумотлар берди. Г.Келлер ўзбек халқ эртақларини эртақчилардан эшитиб, ҳужжатлаштирган биринчи мағриблик аёл ҳисобланади.

2000 йил баҳорида Германия Гёте институтининг Тошкентдаги бўлими билан ҳамкорликда унинг “Ўзбекистонда аёллар маданияти – оврупалик аёл Марказий Осиёда қадимий анъаналар изидан” номли фотокўргазмаси Ўзбекистон бўйлаб намойиш этилди. Кўргазма дастлаб Тошкентдаги Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кўргазмалар залида, сўнг Самарқанднинг Регистон майдонидаги давлат тарих музейида, Бухоро давлат библиотекаси кўргазмалар залида ва Термиздаги Теннис саройида ҳамда айни бир пайтда Республика миллий телерадио кампанияси орқали бутун ўзбек халқига намойиш этилди.

Габриеле Келлернинг Ўзбекистон ҳақида тузилган этнографик тўпламидан сараланиб олинган экспонатлар ва суратлар йиғиндиси Европанинг турли мамлакатларида намойиш этилди. Ва Европа мамлакатларида ҳали яхши таниш бўлмаган ўзбек халқининг урф-одатлари ва миллий қадриятлари ҳақида тасаввурларни шакллантириб, мустақил Ўзбекистон ва унинг улуг ўзбек халқи ҳақида ҳақиқий адолатли тасаввур, катта ҳурмат ва қизиқиш ҳосил бўлишига сабаб бўлди. Бу эса унинг Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустақамланишига қўшган муносиб ҳиссасидир.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва мақсадларидан бирига айланиб, хотин-қизларга муносабат масаласи давлат сиёсати ва стратегияси даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон тараққиётининг янги поғонасида жамият ҳаётининг ижтимоий - иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб, бу жараёнда сифат ўзгаришлари ва туб муаммоларни ҳал этишда аёлларнинг фаоллиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты бўлиб, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда” [46].

Замонавий жамиятда аёлларнинг ўз-ўзини идентификация қилиш жараёни ўзгариб, уларнинг ижтимоий мавқеи, маданият ва таълим даражаси тобора ўсиб бормоқда. Бу жараён кўпгина тадқиқотчилар-

нинг диққат-эътиборини ўзига жалб этгани ҳолда, хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланиш тасодифий ҳол эмаслигида намоён бўлмоқда. Айниқса, хотин-қизлар масаласининг жаҳон миқёсида умумижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этилиши ҳамда аёллар муаммосининг изчиллик билан бартараф этиб боришга ҳаракат қилиниши, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги кенг иштироки хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириб, уларга турли хилдаги кенг фаолият майдонини яратиб бермоқда. Натижада улар иқтисодий мустақилликка эга бўлгани ҳолда, ўз истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш имкониятига эга бўлдилар. Бу жараён деярли барча мамлакатларнинг аёллар масаласи бўйича олиб бораётган сиёсатини, уларга нисбатан муносабатини ўзгартиришига олиб келди. Миллат ва жамият келажаги аёл фаолиятининг иштироки билан тўлиқ эканлигининг эътироф этилиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида илм-фан, техника, ишлаб чиқаришда, бошқарувда уларнинг фаол иштирок этишига эришилган тақдирдагина жамият ўз ривожидан мукамал йўналишга эга бўлиши мумкин эканлигини жаҳон аҳли тўла англаб етди. Шунинг учун ҳам, бугунги глобаллашув ва цивилизациялар тўқнашуви даврида, ҳал қилиниши муҳим саналган, шунингдек, келгусида аёлларнинг иштирокисиз тараққиётга эришиш мумкин бўлмаган замонавий жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва ролини янада ривожлантириш муаммолари илгари сурилмоқда. Зеро, донишмандлар таъкидлаганидек, эркаклар миллатнинг бугуни бўлса, аёллар унинг келажагидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. // uza.uz. 22-06-2019
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. —Б.190-191.
3. Қаранг.: “Тараққий”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Ойна”, “Садои Туркистон”, “Кенгаш”, “Хуррият” ва бошқалар; Саъдий А. Хотин-қизлар маорифи // Туркистон. 1922. 27 окт.; Беҳбудий М. Хифз-и сиҳат-и оила. // Ойна. 1914. № 47-52; 1915. №1; Тавалло. Қариндош ва ҳамшираларимиз-мазлума қизлар тилиндан.// Равнақул ал-ислом. Шеърлар мажмуаси. 1916; Сўфизода М. Хонимлар исминда. // Шўро.1911. №13. —Б.410. Ўша муаллиф. Ўқинг оналар // Садои Туркистон. 1914.17 май; А.Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. — Тошкент: Маънавият, 1998; А.Авлоний. Туркий гулистон ёки ахлоқ. —

Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Муравварқори Абдурашидхонов. Хотираларимдан. (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). –Тошкент, 2001. – Б.63; (ziyo.uz.com/images/books/munavvar_qori.jpg); Яхшиликков Ж., Убайдуллаева Н. Жадидчилик ва Бехбудий. –Тошкент: Фан, 2004.187-б.

4. Алимова Д. Марказий Осиё тарихшунослигида гендер тузилмаси мавжудми (мустамлака, совет ва ҳозирги замон). //Ўзбекистон тарихи. 2008. №2. – 61 бет. (жами 59-69 бетлар)

5. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. –Тошкент: 2000, Маънавият. –Б. 97-98. (жами 165 бет)

6. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. –Тошкент: 2000, Маънавият. –Б. 98.

7. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. –Тошкент: 2000, Маънавият. –Б. 98.

8. Ўзбекистоннинг янги тарихи Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. –Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.375.

9. Ражабова Д.Н. Проблемы молодёжи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX-начало XX вв.). Автореф.дис...к.и.н -Т.: 2003. -27с;

10. Любимова С.Т. Декрет о чадре и общество. «Долой калым и многоженство» // Коммунистка.1928. № 8. – С.73; Её же. В первые годы. – Москва: ГИЗ,1958. –С.39-56; Её же. Как живут и работают женщины Средней Азии. –М-Л. ГИЗ, 1925. –С.27; Её же. Работа партии среди тружениц Востока. –М-Л.ГИЗ, 1925. – С.27; Её же.50-летию Международного женского дня. –Москва: Знамя, 1960. – С.40; Её же. К пятилетию работы партии среди женщин// Спутник коммунистки, 1923, №9-10; Её же. Работа на Востоке// Коммунистка, 1923, № 3-4; Росс Е. Женщина в советском строительстве // Туркестанская правда. 1923. 8 марта; Её же. К перевыборам делегатов // Туркестанская правда. 1924. 15 сентября; Каспарова В.А.. Задача партии в области работы среди женщин восточных народностей // Коммунистка. 1925. №7. – С.90; Её же. Раскрепощение женщины Востока. – Москва: Труд и книга, 1925. –С.40; Отмар-Штейн Л. На обработке шелка // Работница. 1925.№1. – С.4; Смирнов Н.А.. Чадра. –Москва: Безбожник, 1929. – С.77; Смирнова А. Женское образование в Узбекистане // Коммунистка. 1928. №8. – С.82-83; Нухрат А. Октябрь и женщина Востока. – Москва: Партиздат, 1932. – С.27; Её же. Профсоюзы на борьбу с чадрой // Культурная революция, 1929, №2; Гальперштейн Я. Женщины и кадры // Народное хозяйство Средней Азии. 1930.№ 9-10. – С.35; Зелькина Е.Л. Ер ислоҳоти ва хотин-қизлар озодлиги. Самарқанд, 1927. –С.40; Сейфи М. Женские кустарные промысли на Совет-

ском Востоке. – Москва: Вопросы труда, 1926. – С.96; Её же. На помощь женским промыслам // Коммунистка, 1925. №9. – С.76; Чирков П.М. Решение женского вопроса в СССР (1917-1937). – Москва: Мысль. 1978. – С.186.; Торская Н. Задачи массовой женской печати // Коммунистка, 1930. № 2-3. – С.11; Зеленский И.А. В борьбе за раскрепощение женщин // За партию.1927.№ 4. – С.39-44.

11. Икрамов А. Итоги и перспективы работы по раскрепощению женщин. Доклад на Всеузбекском совещании женработников // Правда Востока. 7 октября 1927; Его же. Женский вопрос в Узбекистане. Избр.труды. Т.1. –Ташкент: Узбекистан, 1972. – С.105; Его же. Будьте смелыми и решительными бойцами за культурную жизнь, за подлинное раскрепощение. Т.3 – Ташкент: Узбекистан, 1974. – С.319-325; Ходжаев Ф. Избр.труды. Т.1. –Ташкент:Узбекистан, 1970; Ахунбабаев Ю. Усилим борьбу за раскрепощение женщин. Танланган асарлар. –Ташкент: Узбекистан, 1970. – С.101-112; Турсунов П. Меҳнаткаш хотин-қизлар дин билан курашда // Янги йўл. 1931. №2. – С.16; Абидова Ж. Женщины Узбекистана в борьбе за свою раскрепощение // Революция и национальность. 1936. № 3.

12. Якубова Х. Женщина Советского Узбекистана. –Ташкент: Объединенное изд-во «Правда Востока» и «Кызыл Узбекистан»,1947. – С.52; Рахимбабаева З. Женщина Узбекистана на пути к коммунизму. –Ташкент: Госиздат Уз ССР, 1949. – С.76;

13. Шукурова Х.С. Борьба коммунистической партии за фактическое раскрепощение женщин Узбекистана в первые годы социалистической индустриализации. – Москва, 1954; Её же. Коммунистическая партия Узбекистана в борьбе за раскрепощение женщин (1924-1929гг.). –Ташкент: Госиздат УзССР, 1961; Её же. Социализм и женщины Узбекистана (1917-1937 гг.). –Тошкент: Узбекистан, 1970; Насирова Х. Женщиныг Узбекистана в борьбе за мир. – Тошкент: Госиздат УзССР, 1954. – 62 с; Сулаймонова Х. Женщина Узбекистана–активный участник коммунистического строительства. –Ташкент: АН УзССР, 1955. – С.40; Бикжанова М. Семья в колхозах Узбекистана. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1955. -134с.

14. Шукурова Х.С. Коммунистическая партия Узбекистана в борьбе за раскрепощение женщин (1924-1929гг.). – Тошкент: Госиздат УзССР, 1961; Шарапов Ш. Роль профсоюза “Рабземлес” в раскрепощении женщин Узбекистана // Научные труды аспирантов ТашГУ. Вып.207 1962. – С.257-262; Бабаджанова М. Борьба за активизацию женщины-дехканки (1925-1926) // Труды ТашГУ. Вып.194. Кн.13. – Ташкент, 1962. – С.115-123; Биккулова З. Борьба партийной организации Кара-

калпакии за раскрепощение женщин и вовлечение их в социалистическое строительство (1917-1929гг). –Ташкент, 1963; Пальванова Б.П. Борьба КПСС за вовлечение женщин Средней Азии в строительство социализма. –Ташкент, 1962; Шукурова Х.С. Исторический опыт Коммунистической партии Советского Союза в раскрепощении женщин Советского Востока (1917-1937гг). На примере Узбекистана. –Ташкент, 1969.

15. Шукурова Х.С. Женщина Узбекистана (Исторический опыт в раскрепощении женщин Востока. На примере Узбекистана. 1917-1937). –Ташкент: Фан, 1970; Её же. Социализм и женщины Узбекистана (1917-1937 гг.). –Ташкент: Узбекистан, 1970; Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. –Тошкент: Фан, 1975. – С.95; Её же. Аграрное преобразование в Узбекистане 20-х годов. // ОНУ-1989 № 9; Бахритдинова М. Вовлечение женщин Узбекистана в социалистическое строительство (1933-1937гг.). –Ташкент: Фан, 1973; Фозилхўжаев Қ., Зведенюк Ф. Жаҳон Обидова. –Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – Б.49; Бегматова С.О. Деятельность компартии Узбекистана по подготовке женских кадров в период строительства социализма. –Ташкент: Фан, 1977. –342с; Зиямухамедова М. Роль женских отделов, советских и общественных организаций Узбекистана в борьбе за фактическое раскрепощение женщин (1919-1930 гг.). –Ташкент: Фан, 1979.

16. Муксимова О.Д. О деятельности партийных организаций по вовлечению женщин в текстильную промышленность Уз ССР в годы пятой пятилетки // Общественные науки в Узбекистане. 1985. –С.38-39; Рахимова М.Р. Экономическая эффективность использования женских кадров-специалистов в Узбекистане // Сборник научных трудов ТИНХ. ВЎп. 223. –Ташкент: 1985. –С.42-49; Аминова Р.Х. Славные дочери Родины// Общественные науки в Узбекистане. 1986. №3. – С.13-19.

17. Аминова Р.Х. «Худжум» в судьбах женщин Узбекистана. –Ташкент: Знание, 1987; Её же. Рост творческой активности женщин Узбекистана// Общественные науки в Узбекистане. 1987. №3. – С.29-36; Ўша муаллиф. «Хужум» Ўзбекистон хотин-қизлари тақдирида. –Тошкент: Билим, 1987; Её же. Коллективизация в Узбекистане: как это было // Коммунист Узбекистана – 1989 № 9; Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941гг). –Ташкент: Фан, 1987; Ражапова Р.Ё. «Хужум»нинг тарихий тажрибаси. –Ташкент: Билим, 1987; Убайдуллаева Р.А. Вклад женщин в ускорение социально-экономического развития. –Ташкент: Знание, 1987. – С.19.; Тошбоева

Т.Ҳ. Ўзбек аёли ўтмишда ва ҳозирги кунда. –Тошкент: Билим, 1987; Чеботарёва В.Г. Ўзбекистон хотин-қизлари – янги жамиятнинг актив қурувчилари. –Тошкент: Билим, 1987; Ишантураева С. Путем свободы // Коммунист Узбекистана. 1987. №4. – С.67-68; Султанова С. Больше внимания вопросам труда и быта женщин // Там же. – С. 62-66; Тураходжаева З. О женском труде в общественном производстве// Коммунист Узбекистана. 1988. № 12. –С.75-76; Хайруллаев М. Ислам и женщины Востока. –Ташкент: Фан, 1990.

18. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы. –Ташкент: Фан, 1991. -133с; Алимова Д.А. «Хужумга зарурат бормиди?» // Ўзбекистон адабиёти ва санъати – 1992, 11 сентябрь; Алимова Д.А. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва муаммолари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. –Тошкент: Фан, 1999. –Б.16-20.

19. Аминова Р.Х. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. –Тошкент: Фан, 1991. – Б.10-11.

20. Аминова Р.Х. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. –Тошкент: Фан, 1991. – Б.12.

21. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы. –Ташкент: Фан, 1991. -133с;

22. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии... –Ташкент: Фан, 1991. – С. 90.

23. Алимова Д.А. Мы не должны быть обществом, пропитанным идеей превосходства мужчин // Ташкентская правда. 1997, 26 март; Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари.-Тошкент: Фан, 1999. -776; Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун. –Тошкент: 2005. -119б.

24. Эргашходжаева Г.Э. Французская историография о проблемах эмансипации женщин Средней Азии в 20-годы (Литература 50-80-х годов). Автореф. дисс...к.и.н. –Ташкент: 1996. -22; Нишонбоева Қ.В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари. Т.ф.номз. дисс. Автореф. –Тошкент: 1998. -28с; Холматова М. Оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари. Фалсафа. фан. докт...дисс. автореф. – Тошкент: 1998. -53б; Насруллаева Х. Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоийлашуви жараёнининг фалсафий таҳлили. фалс.ф.н. дисс. Автореферати. –Тошкент: 2000. -20с; Маткаримова Г.А. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. дисс. д-ра юрид.наук. –Ташкент: 2002.-41с.; Сафоева С.Х.

Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Фалсафа.фа-н.номз...дисс. автореф. –Тошкент: 2002. –20б; Ражабова Д.Н. Проблемы молодёжи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX-начало XX вв.). Автореф.дис...к.и.н –Ташкент: 2003. –27с; Муравьёва Н.М. Социально-философский анализ повышения социального статуса женщин. Автореф. дисс...к.ф.н. –Ташкент: 2003. –26с.; Жўраева Н.Д. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20-30 йиллари). Т.ф.н дисс. Автореф. –Тошкент: 2004. –33с.; Ходжаева С.А Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан. Авт. дисс. ... канд. юрид. н. –Ташкент: 2004; Эгамбердиева Т.А. Ўзбекистон Республикаси маънавий ҳаётида аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари. П.ф.докт..... авт. –Тошкент: 2005; Абдуллаева Я.А. Женский вопрос в Каракалпакстане в конце XIX-XX. Авт. дисс.... докт. ист. Н. –Ташкент: 2005; Ганиева Г.Ж. Женский вопрос в Узбекистане: новые подходы, проблемы и решения. Авт. дисс... канд. истор. н. –Ташкент: 2006; Каримова М.А. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий муҳофазалашда исломий қадриятларнинг ўрни. Ф.ф.н дисс. Автореф. –Тошкент: 2008. – 26с; Насретдинова Д.М. “Туркистоннинг мадания ҳаётида татар-бошқирд аёлларининг тутган урни (XIX аср охири - XX асрнинг биринчи чораги). Т.ф.н дисс. Автореф. –Тошкент: 2011. –29с.;

25. Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. –Тошкент: Ижод дунёси, 2004. –224б; Ўша муаллиф. Қорақалпоғистонда совет ҳокимиятининг мажбурий колхозлаштириш сиёсати ва қишлоқ аёлларининг қатағон қилиниши //Ўзбекистон тарихи. 2002. №2. – Б. 40-45; Ўша муаллиф. Мустабид совет тузуми инқирозининг айрим сабаблари ва унинг хотин-қизлар аҳволига таъсири (Қорақалпоғистон мисолида) // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2004. №1. –Б. 42-45; Ўша муаллиф. Топталган ҳуқуқ ёки мустабид тузум қатағонлари // Ҳаёт ва қонун. 2004. №2. – Б. 58-59; Ўша муаллиф. Эътиқодга ҳужуж // Тафаккур. 2004. №2. – Б. 90-92.

26. Bennigsen A., Broup M. The Islamic threat to the Soviet State.-L., 1983; Bennigsen A., Wimbush M.. Muslim national communism in the Soviet Union; Cicago, 1979; Bennigsen A., Broup M.The Islamic threat to the Soviet State.-L., 1983.

27. Bennigsen A., Chantale L.Q. The evolution of muslim nationalities of se SS and their linguistic problems. – L., 1961; Bennigsen A., Chantal L.Q. Islam en Union Sovietique. – Paris. 1968.

28. Alleg A. Etoile rouge et croissant vert. Paris. 1983; Аллег Анри. Красная звезда и зелёный полумесяц. М. 1985. С.22.

29. Jankar B. Women's Lot in communist societies.-“Probleme of Communism”. – Washington, 1976, v.25, №6 pp.70-71.

30. Monteil V. Les musulmans sovietiques. –Paris. 1957.

31. Бебель А. Женщина и социализм. –Москва: Гос.издат. Политической литературы.1959. -591 с.; Шукурова Х..Ўрта Осиё республикаларида хотин-қизлар масаласи ҳал этилишини буржуача сохталаштириш. –Тошкент: Ўзбекистон.1979. –Б.27; Убайдуллаева Р.А.Критика буржуазных концепций занятости женщин в республиках Средней Азии. Вопросы экономики. №3. 1986; Ахтямова Ю.С. Хотин-қизлар масаласи: икки дунё, икки хил ёндошув. –Тошкент: Билим. 1987; Шадиёв К.К. Критика концепции буржуазной советологии о положении ислама в республиках Средней Азии.: Автореф. дис...канд.ист.наук. –Тошкент: 1987.-24с; Мариан Камп, “The new woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism”. АҚШ. –Вашингтон Университети нашри, 2006.

32. Шукурова Х.Ўрта Осиё республикаларида хотин-қизлар масаласи ҳал этилишини буржуача сохталаштириш. -Тошкент: Ўзбекистон, 1979. –Б.27.

33. Хотин-қизлар масаласи: икки дунё, икки хил ёндошув. –Тошкент: Билим, 1987. -26 б; Женщины мира. 1985. № 4.С.38; Эргашходжаева Г.Э. Французская историография о проблемах эмансипации женщин Средней Азии в 20-годы (Литература 50-80-х годов).Автореф. дисс... к.и.н –Ташкент:ТашГУ.1996.-22;

34. J.Chomart de Lauwe. Les Paysanssovietiques. – Paris.1961. – P.42.

35. Шукурова Х..Ўрта Осиё республикаларида хотин-қизлар масаласи ҳал этилишини буржуача сохталаштириш. –Тошкент: Ўзбекистон,1979. –Б.27.

36. Ekker F. Transitionin Asia. Uzbekistan under the Soviets. – New-York. 1954. – P.397.

37. Шукурова Х. Ўрта Осиё республикаларида хотин-қизлар масаласи ҳал этилишини буржуача сохталаштириш. –Тошкент: Ўзбекистон, 1979. –Б.30.

38. Шукурова Х..Ўрта Осиё республикаларида хотин-қизлар масаласи ҳал этилишини буржуача сохталаштириш. –Тошкент: Ўзбекистон,1979. –Б.31.

39. Шукурова Х. Ўрта Осиё республикаларида хотин-қизлар масаласи ҳал этилишини буржуача сохталаштириш. –Тошкент: Ўзбекистон, 1979. –Б.33.

40. Шукурова Х. Ўрта Осиё республикаларида хотин-қизлар масаласи ҳал этилишини буржуача сохталаштириш.—Тошкент:Ўзбекистон,1979. — Б.34.

41. GeilWarshofskyLapiduszurrolle der Frau in der sowjetishenpolitishen elite.-Osteuropa, 1976, №7. —Р.515.

42. Шахсуварова Л. Критика буржуазных фалсификаций положения женщин в Средней Азии на примере Узбекистана. —Ташкент: Фан, 1986. — Б. 44.

43. Матяқубова Д. Ўзбекистон аёлининг янги қиёфаси: У қандай шакланган? XIX-XX аср аёлларининг модернизацияга чақируви. 2018 йил 9 ноябрь. //uzanalytics.com/tarix

44. Келлер Г. Ўзбекистонда аёллар маданияти: Европалик аёл Марказий Осиёда қадимий анъаналар изидан. Альбом-каталог. —Тошкент: Шарқ, 2003. — Б.19.

45. Миноваров Ш., Қуронов М. Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш. —Тошкент: Ўзбекистон, 2006. —Б.27.

46. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам табриги // 2018 йил 7 март

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Бабаджанов Хасан Бахтиёрович,
Тошкент Ахборот технологиялари университети
Гуманитар фанларкафедраси катта ўқитувчиси, PhD

For citation: Babadjanov Khasan. Problems of supply with consumer goods of the population of Uzbekistan during the Second world war. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 33-38.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-9-3>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мавжуд адабиётлар ва архив материаллари асосида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон аҳолисини истеъмол товарлари билан таъминотидаги муаммолар, сабаблари ва уларни ҳал этиш масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: таъминот тизими, иқтисодий муаммолар, карточка тизими, моддий ресурслар, фронт, ҳарбий маҳсулот, истеъмол товарлари, кооперация, енгил саноат.

ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПОТРЕБИТЕЛЬСКИМИ ТОВАРАМИ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

Бабаджанов Хасан Бахтиёрович,
PhD, старший преподаватель
кафедры Гуманитарных наук ТУИТ

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе доступной литературы и архивных материалов рассматриваются проблемы, причины и решения обеспечения потребительскими товарами населения Узбекистана в годы Второй мировой войны.

Ключевые слова: система обеспечения, экономические проблемы, карточная система, материальные ресурсы, фронт, военная продукция, кооперация, потребительские товары, легкая промышленность.

PROBLEMS OF SUPPLY WITH CONSUMER GOODS OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR

Babadjanov Khasan,
PhD, senior teacher at
Department of Humanities TUIT

ANNOTATION

In this article, on the basis of available literature and archival materials are described the problems, causes and solutions for the provision of consumer goods of the population of Uzbekistan during the Second World War.

Keywords: supply system, economic problems, rationing system, material resources, front, military products, cooperation, consumer goods, textile industry.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон аҳолиси турмуш тарзига ва яшаш шароитларига салбий таъсир кўрсатди. Асосий моддий бойликлар ва ресурсларнинг фронтга жалб қилиниши натижасида аҳоли озиқ-оақат ва саноат маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар оддий ҳолатга айланди. Давлат аҳолини бирламчи эҳтиёжларини қондириш мақсадида нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига карточка тизими жорий қилинди. Шу йўл билан аҳолининг минимал эҳтиёжлари қондирилди. Лекин бошқа истеъмол маҳсулотлари билан таъминотда камчиликлар мавжуд эди. Бундай камчиликларнинг пайдо бўлиши уруш даври иқтисодиёти билан бевосита боғлиқ эди.

Ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналар фуқаролик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин камайтирди. Шу йўл билан озод этилган ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмалар бажарилишини таъминлашга йўналтирилди. Шу-

нинг учун маълум даражада фронт таъминоти билан боғлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши кузатилди. Масалан, 1941 йилда Ўзбекистонда жами 4040,6 минг метр ипак ва яримипак мато ишлаб чиқарилган бўлса, 1942 йилда 4362,8 метргача кўпайди[1]. Шу ҳолатга тескари ҳолда енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш балансини ҳарбий маҳсулотлар фойдасига ўзгариши натижасида 1941-1942 йиллар оралиғида аҳолига сотиш учун мўлжалланган трикотаж маҳсулотлари 16%гача ва пойабзал эса 8% гача қисқарди[2, 75-76].

Шу давр оралиғида пайпоқ ишлаб чиқариш 13573,2 минг донадан 46.8,1 минг донагача, оёқ кийим ишлаб чиқариш 3576,8 минг жуфтдан 2638 минг жуфтига камайди[3]. Умумий ҳолатда, 1942 йилда республика енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш режасини 52,9%га бажарди. Маҳсулот таннари эса режада белгилангандан 7,8% юқори бўлди[4]. Аҳоли кенг истеъмолига мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш ҳам орқада қолди. 1942 йилда Ўзбекбирлашув тизимида кенг истеъмол товарларни ишлаб чиқаришни 46%га бажарилди[5].

Уруш йилларида республика асосий тармоқлари қувватларининг ҳарбий ишлаб чиқаришга қаратилиши, истеъмол товарларининг камайиши маълум маънода маҳаллий саноат корхоналарининг ривожланиши учун йўл очиб берди. XX аср 30 йилларида собиқ Иттифоқда шахсий иқтисодий ташаббусни бўғиш ва шахсий мулкчиликка қарши қанчалик курашмасин, тўлиқ ишлаб чиқаришни давлат тасарруфига ўткази олимади. Масалан, ҳунармандчилик артеллари ва майда ишлаб чиқариш кооперациялари сақланиб қолди. Бу иқтисодий тузилмалар аввалги ахамиятини йўқотган бўлсада, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида унумли фаолият олиб борди. Уруш бошланиши билан аҳолини кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари ва тузатиш-ямаш ишларини асосий бажарувчига айланди.

Ўзбекистонда туман-шаҳар тасарруфидаги корхоналари саноат ялпи ҳажми 1941 йилда 47,2 млн. руб.дан 63,4 млн. руб.га (1942 йилда режа 57 млн. руб. деб белгиланган эди) ошди[6]. Юқоридаги сабабларга кўра, ногиронлар кооперацияси корхоналарида ҳам 1942 йил режаларидан ошиқроқ ҳажмда ўсишга эришилди. Яъни, 1941 йилда 30,9 млн. руб.-дан 1942 йилда 44,9 млн. руб.гача ўсиш кўрсатилди (1942 йил режаси 42, 9 млн. руб. этиб белгиланган эди) [7].

Уруш йилларида ОРС (Отделы рабочего снабжения) ва “Пробснаб” тизимидаги муассасалар 50 млн. рублик кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарди. ОРСлар асосан ўзлари фаолият олиб бора-

ётган корхоналарда ортиб қолган хом ашёдан совун, оёқ кийим, металл хўжалик буюмлари ва шу қабилар ишлаб чиқарди[8, 279].

Юқоридаги номлари кўрсатилган ташкилотлар уруш йилларида аҳолини енгил саноат ва истеъмол товарлари билан таъминлашда салмоқли ҳисса қўшдилар. 1942 йил май охирларида Абвер (фашистик Германия харбий разведкаси) ва шарқий худудлар бўйича комиссарлик томонидан Гитлер ва Муссолини учун урушдаги ҳолат бўйича махсус доклад тайёрланди. Докладда шу вақтгача собиқ Иттифоқнинг харбий ва иқтисодий барбод бўлмаганлигининг уч сабаби кўрсатилган эди. Ушбу сабабларнинг бири сифатида: “Қаттиқ давлат бошқарувида бўлса ҳам, норасмий тарзда эски хусусий корхоналарнинг тикланиши ва янгиларининг қурилиши кўрсатилди” [9,85]. Аҳоли шахсий ташаббусининг ғалабага хизмат қилинганлигини душман тараф ҳам тан олишга мажбур бўлган.

Ушбу мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда аҳолининг асосий қисми карточкада белгиланган нормалардан ташқари эркин савдодан деярли ҳеч нарса харид қилишга имконияти етмас эди. Уруш йилларида кийим-кечак ва пойабзални чайқовчилик бозорларида жуда қиммат нархларда топиш мумкин эди. Аҳоли учун товарлар хунармандчилик цехларида ёки фабрикаларда қолдиқ материаллардан тайёрланган. Масалан, сандалларни устки қисми гимнастёрка қолдиқларидан тайёрланиб, 1943 йилда нархи 85-100 рублни ташкил этган[10]. Болалар учун ҳам қолдиқлардан кўпроқ маҳсулот тайёрланди. Чунки болалар кийимларига камроқ материал сарф этилган ва иккинчидан улар қимматроқ турган. 1943 йилда давлат дўконларида телогрейка 62 рубль бўлган ҳолда, болалар пальтолари 88 рубль эди[11].

Қолдиқлардан тайёрланган маҳсулотлар ўта сифатсиз ва қиммат бўлса-да, уларни ҳам топиш анча муаммоли масала эди. Текширувлар натижасида Тошкент шаҳрида сифатсиз ва қолдиқлардан тайёрланган аёллар белбоғи 43 рубльдан сотилаётгани аниқланди. Шунингдек, шаҳар омборларида сифатсиз ва соғлиқ учун зарарли болалар юмшоқ ўйинчоқлари ҳам топилди[12]. Бундай масъулиятсизлик одатий ҳолатга айланган эди. Уруш йилларида истеъмол товарлари ассортименти ва сифатини ҳеч қайси ташкилот назорат қилмаган.

Қишлоқ аҳолисининг истеъмол товарлари билан таъминот масаласи қониқарсиз даражада эди. Давлат ва колхоз миқёсида ўзаро савдо пул шаклида эмас, асосан бартер шаклида олиб борилган. Ҳосил йиғими ёки экиш даврида давлат колхозларга маълум қишлоқ хўжалиги маҳсулотига айирбошлаш шarti билан саноат товарлари, бўғдой,

ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда уруғлик етказиб берган. Бу ҳолатга мисол сифатида 1942 йил 2 мартдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 332-сонли қарори билан республика колхозларига жунга айирбошлаш шарти билан 10000 тонна ва гўштга айирбошлаш шарти билан 5000 тонна уруғлик буғдой ажратилди[13].

Республика қишлоқ аҳолисининг саноат маҳсулотлари билан таъминланиши даражаси жуда қониқарсиз ҳолатда эди. 1944 йилда ўтказилган текширувлардан маълум бўлишича, саноат маҳсулотлари асосан район марказларида қолиб кетиб, қишлоқ жойларига етиб бормаган[14]. Қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли саноат товарлари карточкалари билан таъминланмасди. Шунинг учун улар асосан шаҳарлардаги чайқовчилик бозорларидан саноат маҳсулотларини харид қилганлар. Чайқовчилик бозорларида нархлар жуда қиммат бўлиб, саноат товарларини сотиб олишга ҳамманинг ҳам қурби етмасди.

Истисно тариқасида, ғалла ва қанд лавлагиси йиғим-терими даврида колхозчилар меҳнاتини рағбатлантириш мақсадида саноат товарларини савдоси ташкил этиларди. 1943 йил ғалла ҳосили йиғими даврида “Ўзбекбирлашув” тизими орқали колхозчиларга 10 млн. рублик саноат товари сотилди[15].

Умуман олганда, уруш бошланиши билан республика саноат корхоналари ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмаларни бажаришга қаратилди. Бу вазифани амалга ошириш учун халқ истеъмоли товарлари ва умуман тинчлик даврида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қисқартирилди. Саноат трансформацияси жараёнинатижасида армияни қурол-яроғ ва бошқа керакли маҳсулотлар билан муттасил таъминланиши ҳамда саноат учун зарур хом-ашё ва фойдали қазилмалар таъминоти масалалари нисбатан ижобий ҳал этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318- йиғмажилд, 14.-варақ.
2. История Второй мировой войны (1939-1945 гг.). Т. 6. — Москва: Воениздат, 1965. — С. 75-76.
3. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318- йиғмажилд, 14об.-варақ.
4. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3740- йиғмажилд, 33-варақ.
5. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3740- йиғмажилд, 112-варақ.
6. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318- йиғмажилд, 12об.-варақ.
7. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3318- йиғмажилд, 13об.-варақ.
8. Экономический фундамент Победы: параллели истории и современности: Монография / Под общей редакцией И.В. Каравае-

вой. – Москва: Институт экономики Российской академии наук, 2015. – С. 279.

9. Серазетдинов Б. Мобилизационная экономика Западной Сибири в годы Великой Отечественной войны: историография проблемы. Мобилизационная модель экономики: исторический опыт России XX века: сборник материалов II всероссийской научной конференции. – Челябинск: 2012. – С.85.

10. ЎзР МДА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3756-йифма жилд, 301-варақ.

11. ЎзР МДА, 2563-йифма жилд, 205-варақ.

12. ЎзР МДА, Р-91-фонд, 8-рўйхат, 310-йифма жилд, 85-варақ.

13. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3265 йифмажилд, 237-варақ.

14. ЎзР МДА, Р 91-фонд, 8-рўйхат, 310 йифмажилд, 64-варақ.

15. ЎзР МДА, Р 837-фонд, 32-рўйхат, 3774 йифмажилд, 362-варақ.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

Боқиев Анвар Аҳмедович,

Термиз давлат университети

Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик кафедраси

катта ўқитувчиси

For citation: Bakiyev Anvar. Civilization of Oks and migration processes. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 39-55.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-9-4>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019

Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада урбанист олимларнинг жамият тараққиётини ўрганишдаги цивилизация ёндашувлари хронологик жиҳатдан таҳлил қилинган. Қадимги Шарқ цивилизацияси тизимида Ўрта Осиёнинг тутган ўрнини аниқлаш масаласи ҳақида сўз юритилган. Ҳар бир ҳудудда шаклланган маҳаллий ўтроқ маданиятларнинг илк цивилизациялар даражасигача кўтарилишида миграцион жараёнларнинг таъсири археологик, антропологик ва этнографик манбалар асосида очиб берилган. Фанга Окс цивилизацияси сифатида киритилаётган БМАКнинг миграцион жараёнларининг характери муҳокама этилган.

Калит сўзлар: цивилизация, эволюция, формация, археология, инновацион жараёнлар, миграцион жараёнлар, қадимги Шарқ цивилизацияси, миграция, колонизация, Окс цивилизацияси, БМАК.

ЦИВИЛИЗАЦИЯ ОКСА И МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ

Бакиев Анвар Ахмедович,

Старший преподаватель кафедры истории

Узбекистана и источниковедения

Термезского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В статье на основе цивилизационного подхода анализируются подходы ученых урбанистов о развитии общества в хронологическом порядке. Обсуждается роль Центральной Азии в системе цивилизаций древнего Востока. На основе археологических, антропологических и этнографических источников выявлено влияние миграционных процессов на преобразования локальных культур до уровня первых цивилизаций. Обсуждается природа миграционных процессов БМАК, получившая названия в науке как цивилизация Окса.

Ключевые слова: цивилизация, эволюция, формация, археология, инновационные процессы, миграционные процессы, древневосточная цивилизация, миграция, колонизация, цивилизация Окса, БМАК.

CIVILIZATION OF OKS AND MIGRATION PROCESSES

Bakiyev Anvar,

Senior Lecturer of the Department
of History Uzbekistan and source studies
Termez State University

ANNOTATION

The article on the basis of the civilizational approach analyzes the approaches of urban scientists about the development of society in chronological order. The role of Central Asia in the system of civilizations of the ancient East is discussed. On the basis of archaeological, anthropological, ethnographic sources, the influence of migration processes on the transformation of local cultures to the level of the first civilizations has been revealed. The nature of the migration processes of the BMAC, which has received the name in science as the Oks civilization, is discussed.

Key words: civilization, evolution, formation, archeology, innovative processes, migration processes, ancient Eastern civilization, migration, colonization, Oks civilization, BMAC.

XIX аср охири ва XX аср бошларидан бошлаб жамият тараққиёти-ни ўрганишда цивилизацион ёндашишлар бошланган. Урбанистлар М. Вебер, А. Тойнби, О. Шпенглер, Ф. Бродел, Ж.М. Гофф каби олимлар жамиятнинг ривожланишини локал цивилизацияларнинг доиравий — спирал тарзида ривожланиш ғоясини илгари сура бошладилар [48, 86-87]. О. Шпенглернинг “ ... ҳар бир цивилизация ривожланиш

босқичларидан ўтиш керак”лиги тўғрисидаги фикрнинг пайдо бўлиши ҳам цивилизацион тараққиёт ғоясининг ривожланишида муҳим босқич бўлди [55, 55].

Рус тадқиқотчилари орасида ҳам тарихни ўрганишда цивилизацион ёндашувни ёқлаб чиқувчилар сони кўпчиликни ташкил этади, жумладан Н.Я. Данилевский, К. Леонтьев, П. Сорокин, Л.Н. Гумилевлар биринчилардан шу йўлни танлаган ва ўз асарларини ёриштишда цивилизацион ривожланиш йўлига алоҳида эътибор берган. Улар мисолида тарихни даврлаштиришда марксча формацион усулдан воз кечиш ва цивилизацион тараққиёт усулини қўллаш тарафдорлари пайдо бўлди десак хато бўлмайди. Бу соҳада биринчилардан бўлиб формацион қарашларни танқид қилган олим И.М. Дьяконов бўлиб у жаҳон халқлари тарихий тараққиётини саккизта фазага бўлиш ғояси билан чиқди ва ўзи истамаган ҳолда формацион қарашларга яқин бўлган даврлаштиришни тақдим этди [8].

Йирик назарийчи олим Ю.В. Яковец тарихнинг эволюцион тарзда ривожланиш ғоясини илгари суради ва жамиятнинг босқичма-босқич тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлайди. У ҳам формацион ёндашув ғоясини танқид қилади ва жамият тараққиёти коммунистик формация билан тугалланиши тарихий тараққиётга зид эканлигини кўрсатиб берди [56, 44]. У ўз тадқиқотларида жаҳон цивилизацияларнинг таркибини ва биридан иккинчисига ўтиш давридаги чегараларни кўрсатиб, уларнинг таъсирида бошқа жамоаларнинг динамик ривожланишини ҳам асослаб берди. Ҳар бир цивилизациянинг туғилиш, тарқалиш, етилиш, кризис ва ҳалокати тарихий жараён эканлиги ва бу жараёнлардан сўнг ўтиш даври бошланишининг муқаррарлигини, ўтиш даври давомида эса янги идеологик ғоялар асосида, ривожланган моддий маданиятнинг пайдо бўлиши натижасида янги цивилизациянинг шаклланиши янги тарихий жараён эканлигини асослади [56, 39-52].

Цивилизация тушунчаси умумжамият тизимини англашда категория бўлиб, жамиятнинг ҳар хил элементларини ўзида мужассам этади. Буларнинг энг асосийлари дин, маданият, иқтисод, сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар бўлиб, улар ҳар бир цивилизацияга ҳар хил характер бағишлайди.

Археология фанининг асосий предмети нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, таъкидлаш жоизки жамият тараққиётини ўрганишда цивилизацион қараш энг мақбул вариантлардан биридир [31,1-95]. Ҳар хил археологик маданиятларга хос моддий манбаларни ўрганиш давомида цивилизацияларнинг туғилиши, уларга хос бўлган анъана-

лар ва инновацион жараёнлар археологик артефактларда ўз ифодасини топади. Айниқса, кўплаб маданиятларнинг қоришуви натижасида, Ўрта Осиёда кечган халқларнинг этномаданий жараёнлари тарихини ўрганишда бу усул янада мақбулдир.

Милоддан аввалги IV-III минг йилликларда Нил, Евфрат, Ҳинд ва Хуанхе каби дарё ҳавзаларида шаклланган Миср, Шумер, Шан, Ҳинд (Хараппа), Миной маданиятлари жаҳон халқлари тарихида бирламчи, Қадимги Шарқ цивилизацияси номини олди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XX аср давомида Ўрта Осиёда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида илгари номаълум бўлган кўплаб археологик маданиятлар кашф этилди [3; 4; 6; 12; 15; 18, 43-62; 22,56-68; 23; 26; 27; 39; 40; 44; 51, 109-119; 52; 53].

Бу кашфиётлар тарих фани олдига янги масалаларни, яъни Қадимги Шарқ цивилизацияси тизимида Ўрта Осиёнинг тутган ўрнини аниқлаш вазифасини қўймоқда. Бу ҳудудда шаклланган маҳаллий ўтроқ маданиятлар илк цивилизациялар даражасигача ривожланган ва бу жараёнда ташқи таъсир масаласи ҳеч бир тадқиқотчи томонидан инкор этилмайди. Ўрта Осиё халқлари маданиятларининг шаклланишида миграция жараёнлари ниҳоятда катта роль ўйнаган ва унинг уч хил характерини кўрсатиш мумкин:

Биринчиси колонизация характерида бўлиб, тайёр маданиятларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши билан характерланади;

Иккинчи кўринишда ташқаридан келган маданиятлар маълум вақтгача маҳаллий маданиятлар билан алоқага кирмаган. Миграциянинг ушбу кўринишида ташқаридан келган маданиятлар маҳаллий халқлар маданиятидан паст даражада бўлганлиги кузатилади;

Учинчи ҳолатда миграциялар илғор ривожланган цивилизациялар ҳудудидан бошланган, ушбу ҳолда маҳаллий халқ келгиндилар маданиятини қабул қилган ва ассимиляция жараёнлари бошланган [19, 175; 47, 99-100].

Ўрта Осиёда қадимги цивилизацияларининг шаклланишида миграцион жараёнларнинг ҳар учта кўриниши кенг археологик манбалар асосида кузатилади ва қуйида бу жараёнларни кўриб чиқамиз.

Умуман олганда, бронза даврига оид Қадимги Шарқ цивилизациялари минтақалари тарихи буюк миграция жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир [47: 89-145]. Мил. ав. IV минг йилликда Мисрга янги қабилаларнинг миграцияси ва халқларнинг қоришуви натижасида этномаданий жараёнларнинг юз бериши, моддий маданиятда янги анъаналарнинг шаклланиши кузатилади ва тадқиқотчилар томонидан ҳақли равишда бу маданий қоришув

Месопотамиядан келган жамоалар билан юзага келганлиги таъкидланади.

Бронза даврида аккадликлар миграцияси ҳам кузатилади. Улар бевосита Шумер шаҳар-давлатлари, ибодатхоналаригача кириб борган ва натижада Месопотамия халқининг семитлашиш жараёнига асос солинган. Ундан сўнг гиксослар, касситлар, амморитлар, хурритлар, лувийлар ва албатта индоевропалик ва индоарийларнинг миграция жараёнлари кузатилади [13; 14,148]. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мил. ав. III минг йиллик охиридан бошлаб Ўрта Осиёда ҳам ҳар хил маданият соҳибларининг, айниқса индоарийларнинг миграцияси кучаяди [17; 20, 224].

Марказий Осиё, қолаверса бутун шарқда энг қадимги ўтроқ маданиятлардан бири Жойтун бўлиб, у Копетдоғ ён бағриларида неолит давридан бошлаб, маҳаллий анъаналар асосида шаклланган. Ўтроқ, деҳқончиликка асосланган маданият сифатида унинг тарқалиш географиясининг кенгайиши, ривожланиши кузатилади ва Жанубий Туркманистоннинг Сумбар, Атрек, Номозгоҳ ҳудудларига тарқалади [46, 34-48; 28, 291; 29, 324; 32].

В.И. Сариянидининг фикрига кўра милоддан аввалги III минг йиллик охирлари II минг йилликнинг бошларига келиб Жанубий Туркманистоннинг Келели, Ажикуй, Аучин, Таип, Гонур, Тўғолоқ, Адам-Басан, Тоҳирбой каби деҳқончилик ўлкалари илк шаҳар маданиятига эга бўлган, ҳунармандчиликнинг деярли барча соҳалари ривожланган маданият соҳиблари томонидан, экспансион миграция натижасида эгалланган [41,6]. Бир вақтнинг ўзида Келели деҳқончилик воҳасида 13 та, Ажикуй деҳқончилик воҳасида 7 та, Аучин деҳқончилик воҳасида 14 та, Таип деҳқончилик воҳасида 8 та, Гонур деҳқончилик воҳасида 15 та, Тўғолоқ воҳасида 30 дан ошиқ, Адам-Басан воҳасида 10 та, Тоҳирбой деҳқончилик воҳасида 12 та, Мурғоб дарёси бўйида жами 100 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари пайдо бўлган. Тадқиқотчилар томонидан ёдгорликларнинг хронологик даврлари ҳам аниқланган [16, Карты 1-4.]. Бу аҳоли ўзига хос юқори моддий маданият яратишлари билан бирга Месопотамия ва Ҳиндистон билан яқин маданий алоқада бўлишган ва бронза даврида халқларнинг миграцияси жараёнида фаол иштирок этган.

Мурғоб воҳасида пайдо бўлган бу маданият соҳибларининг иккинчи миграцион тўлқини, яъни Бақтрия колонизацияси даври бошланади. В.И. Сариянидининг тадқиқотларига кўра илк цивилизация вакиллари Жанубий Бақтриянинг тўртта суғорилиш районига — дарёлар бўйларига жойлашган. Булар Давлатобод, Фаррухобод, Даштли

ва Ничкин ҳудудий деҳқончилик воҳалари бўлиб, кўчиб келган аҳоли табиий суғоришга қулай бўлган жойларга ўрнашган [43,21-86]. Давлатобод деҳқончилик воҳасида 4 та, Даштли деҳқончилик воҳасида 40 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари жойлашганлиги аниқланган.

Ничкин ва Фаррухобод деҳқончилик воҳаларида ҳам моддий маданияти Даштли маданиятига хос бўлган бронза даври ёдгорликлари борлиги хусусида маълумотлар келтирилган, аммо илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган [40].

Шимолий Бақтрия, Сурхон воҳасида ҳам бронза даври ёдгорликлари сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Сополли, Жарқўтон, Тиллабулоқ, Арабулоқ каби ёдгорликлар деярли бир вақтда пайдо бўлган ва эволюцион тарихий тараққиёт натижасида Молали ва Бўстон ёдгорликлари шаклланган. Янги пайдо бўлган маданият соҳиблари миграцион жараёни, янги ерларни ўзлаштиришни жамоа олдидаги бирламчи вазифалардан бири деб билганлиги сабабли бу жараёни тўхтатмаган. Навбатдаги миграцион ҳудуд Жанубий Тожикистоннинг Вахш, Кафирниҳон бўйлари бўлиб, бу ҳудудларда ҳам ўнлаб янги ёдгорликлар бунёд этилади [66, 33-46; 35; 36, 43-70]. Археология фанида бу маданиятларга нисбатан БМАК ёки Окс цивилизацияси номлари қўлланмоқда [4; 40; 41; 63].

Окс цивилизациясининг шаклланиши муаммоси тадқиқотчи — археологлар томонидан кенг муҳокама этилмоқда, ва шу нарса аниқки Бақтрия ва Марғиёнада бу цивилизациянинг илдизлари кузатилмайди. Шу нарса ҳам аниқки, тадқиқотчилар илдизи маҳаллий халқлар анъанаси билан боғланмайдиган маданиятларнинг асосини ташқаридан излайдилар. Кўпчилик олимларнинг умум фикрига кўра Окс цивилизацияси Қадимги Шарқ халқларининг миграцияси натижасидир [49].

Марказий Осиёнинг ўнлаб бронза даври ёдгорликлари тадқиқотчиси ва кўплаб ғоялар муаллифи В.М. Массон Мурғоб воҳасида пайдо бўлган янги маданиятнинг илдизларини Копетдоғ ён бағриларида неолит ва энеолит даврларида шаклланган маданият соҳибларининг миграцияси билан боғлайди ва Шимолий-Шарқий Эрон ҳудудидан кўчиб келган аҳоли билан қоришуви натижасида Марғиёна археологик комплекси шаклланган деб ҳисоблайди [25, 91; 130-131]. Академик А.А. Асқаров Марғиёнада шаклланган бу янги маданият Бақтрия бўйлаб тарқалган деган ғояни илгари суради [4].

В.И. Сарианиди Мурғоб воҳасининг Копетдоғликлар томонидан ўзлаш тирилганлигини инкор этмаган ҳолда, БМАКнинг шаклланишини Эроннинг бронза даври ёдгорликлари билан боғлай-

ди ва моддий маданиятдаги яқинликни ўз фикрига асос қилиб олади [45, 276].

М.И. Филанович Окс цивилизациясининг пайдо бўлиши тўғрисидаги тадқиқотида, миграция ғоясини қўллаб қувватлайди [50, 22-32]. Унинг фикрича биринчи цивилизация ҳудудларида энг аввало иқтисодий таназзул, мумкинки табиатда юз берган ксеротермик ҳолат натижасида аҳолининг шимолга, янги ерларни ўзлаштириш мақсадида миграцион ҳаракатлар бошланган ва Марғиёна ва Бақтриянинг деҳқончиликка қулай бўлган ҳудудларига келиб жойлашган. Окснинг биринчи цивилизациялар моддий маданиятига ўхшамаслигининг сабабини миграция давомида транзит ҳудудлар моддий маданияти билан ассимляциялашиш жараёнини бошидан кечирган деб ҳисоблайди.

Эслаб ўтганимиздек Окс цивилизациясининг пайдо бўлиши муаммоси билан асосан моддий манбалар асосида фикрловчи археологлар шуғулланган. Фикримизча, бу цивилизацияни ўрганиш борасида жамиятшунос, урбанист олимларнинг тадқиқотлари етишмайди. Урбанист олимларнинг умумий фикрларига кўра, жамият тараққиёти, цивилизациялар бир гуруҳ “ижодкор гуруҳ”лар, даҳолар, буюк инсонлар томонидан амалга оширилади [65, 111]. Ўрганилаётган цивилизация энг қадимги, ёзувсиз даврларга оидлиги боис шахслар — даҳолар ҳақида гапириш ноўрин бўлса-да, таъкидлаш жоизки, бу цивилизация вакилларида қолган меъморчилик бинолари, алоҳида сарой ёки ибодатхона сифатли, умумжамоа учун хизмат қилган бинолар “ижодкор гуруҳ”лар манфаати учун хизмат қилган бўлиши мумкин.

Урбанист олимлар томонидан ҳар бир цивилизациянинг туғилиш, ривожланиш, синиш, парчаланиш ва ҳалокати даври бўлиши таъкидланмоқда. Бизнинг фикримизча ибтидоий жамиятдан цивилизацияга тараққиётга ўтиш даврида “ижодкор гуруҳ”лардан ташқари яна учта омил зарур бўлади. Биринчи ва энг асосийси табиий шароит бўлса, иккинчиси жамиятнинг ички тараққиёти ва сўнггиси жанговар қўшниларининг ҳарбий хавфидир. Мана шу учта омил цивилизациянинг шаклланишини тезлатиши ва ёки секинлаштириши мумкин.

Бақтрия ва Марғиёнада илк бронза даврида аҳоли зич эмаслигини, аҳолининг асосан Копетдоғ тоғ бағриларида яшаганлигини инобатга олиб Окс цивилизациясининг шаклланишида аҳоли миграциясини тан оламиз. Аммо, Қадимги Шарқнинг қайси ҳудудидан келганлигини бош масала қилиб қўйиш жамият тараққиётини ўрганишда тўғри йўл эмаслигини таъкидлаган ҳолда, цивилизация тараққиётдаги кей-

инги, унинг ривожланиш босқичи тўғрисида тадқиқот ишларини олиб бориш лозим бўлади.

Цивилизацияларнинг ривожланиш даври унинг “олтин даври” ҳисобланади. Шу даврда жамоанинг ягона мақсад сари бирлашуви жараёни кузатилади. Кам сонли ижодкор — йўлбошчилар жамиятни ривожлантириш ғояларини, йўлларини топади, жамоа эса уларга эргашади. Айнан ривожланиш даврида цивилизациянинг характери намоён бўлади. Бизга маълумки, эллин цивилизациясига эстетика, ҳинд цивилизациясига диний Ҳамоҳанглик, европа цивилизациясига илмий-техник хусусиятлар характерли бўлса, оқс цивилизациясига яратувчанлик хусусиятлар хосдир.

Оқс цивилизациясининг характерли белгилари қуйидаги жиҳатларда кўринади:

Меъморий жиҳатдан симметрик услубда, юқори ривожланган фортификация анъанасида қалъа кўринишга эга бўлган ибодатхона ва саройларнинг бунёд этилиши (Жарқўтон саройи ва ибодатхонаси, Келели саройи ва ибодатхонаси, Даштли саройи ва қалъаси, Тўғолоқ ибодатхонаси ва бошқалар) [3; 40; 44];

Қадимги Шарқ меъморчилигида янгилик бўлган, фортификацияда уч қаторли мудофаа деворларининг лабиринт тизимда қурилиши фақат шу цивилизация вакиллари хосдир (Сополлитепа, Даштли) [5; 40];

Гипс, тупроқ ва сомон қўшиб тайёрланган массадан пол яшаш ва деворларини суваш анъанаси илк бор шу халқ меъморчилигида кузатилади [59, 10];

Майитларни яшаётган уйларининг поллари, деворлари, эшикларини, йўллар тагига кўмишлари билан бирга алоҳида жойлашган катта қабристонларга ҳам эга бўлган. Майитлар чақалоқ она қорнида ётгани сингари, ғужанак ҳолатда, атрофига ҳар хил шаклли сопол идишлар, металл, тош, суяк, ёғочдан ясалган предметлар, қурол аслаҳа ва тақинчоқлар қўшиб кўмиш анъана бўлган [4];

Жинсий дифференциация ниҳоятда кучли бўлган, аёллар чап, эркаклар ўнг биқини билан кўмилиши муқаррар белгилаб қўйилган [2, 21];

Қабрларнинг 5-7 % ини кенотафлар ташкил этган[11, 21];

Оқс цивилизациясида майитларга муносабат масаласида доимий инновацион ҳолатларнинг қабул қилиниши характерлидир. Майитни хумга солиб кўмиш, анатомик бутун бўлмаган, таҳлаб қўйилган скелетларнинг учраши, скелет ўрнида ҳар хил ҳайвон суякларининг учраши (кўпроқ қўй скелети), майит ўрнига лойдан ясалган ҳайкаллар-

нинг қўйилиши, қабрда кул қолдиғининг кузатилиши, қабристонда крематорияларнинг қурилиши каби белгилар инновацион жараёнлар жумласига киради [57, 147-178];

Оксликлар сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликни ҳар томонлама ривожлантирган ва Ўрта Осиёда ортиқча бойликнинг пайдо бўлишига олиб келган бир ер участкасидан бир неча маротаба ҳосил олиш усулини қўллашган [30, 56-78];

Деҳқончиликда ерга ишлов беришда ҳайвон кучидан фойдаланишни бошлаб берган [3];

Кулолчилик ашёлари икки ярусли хумдонларда жуда сифатли пиширилган ва бошқа маданиятларга хос бўлмаган бетакрор шаклларда ясалган. Узун оёқчали қадаҳ, ваза, ҳар хил шакл бериб ишланган жумракли чойнаклар, конус шаклли идишлар шулар жумласига киради [37, 19];

Гардишларига ҳар хил ҳайвонларнинг терракот ҳайкалчалари қўйиб ясалган сопол ва металлдан ясалган идишлар мажмуаси ҳам шу цивилизацияга хос бўлиб у оксликларнинг зоолатрик мифологик дунёқарашларини ифода этади [63, 241];

Кулолчилик буюмларининг стандарт шаклларда ясалиши ва оммавий ишлаб чиқарилиши ҳунармандлар уюшмасининг ва товар алмаштириш муносабатларининг шакланганлигини кўрсатади [34, 184];

Металл, юмшоқ таркибли тошлар, сопол, суяк, ёғочдан ясалган ҳар хил мифологик ва реал тасвирлар ифодаланган муҳр ва туморлар оксликлар санъатининг бетакрор жиҳатидир. Окс глиптикасида анъана ва инновацион жараёнлар ниҳоятда яхши кузатилади. Хараппа маданиятининг цилиндрик шаклли муҳрлари, қаҳрамон — паҳлавонларнинг ҳайвонот дунёси билан жанги ифодаланган Сурия тасвирлари анъанаси шулар жумласидандир [42,66-71];

Ҳар хил юмшоқ таркибли тошлардан ясалган, эллин меъморчилик маданиятига хос бўлган колонналар кўринишидаги предметлар. Ушбу предметлар ҳам бошқа маданиятлар моддий маданиятида учрамайди. Бажарган вазифасига кўра ҳам турли тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда ва илоҳийликка даҳлдор деган фикр тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади [63, 241].

Оксликлар Марказий Осиёда халқаро маданий алоқаларга асос солган. Шимолда Евроосиёнинг Андроново, Жанубда Хараппа ва Элам маданиятлари билан маданий алоқалар ўрнатилган[17; 20, 224];

Тақинчоқлар стандарт шаклларда ясалган ва Яқин Шарқ ва Олд Осиё маданиятларидан стилистик ва ясашиш техникаси жиҳатидан тубдан фарқ қилади ва ўзига хослик характериға эға [58, 112-134].

**Қадимги Шарқ марказларида
илк цивилизация белгиларининг ифодаланиши**

	Цивилизация белгилари	Ур (Месопотамия)	Калибанган (Хараппа)	Суза (Элам)	Жарқўтон (Окс)
1.	Давлатларнинг шаклланиши	+	+	+	+
2.	Синфий муносабатлар	+	+	+	+
3.	Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши	+	+	+	+
4.	Солиқ тизими	+	ноаниқ	ноаниқ	Ноаниқ
5.	Ривожланган савдо	+	+	+	+
6.	Ривожланган хунармандчилик	+	+	+	+
7.	Ёзув	+	+	+	+
8.	Ерга эгалик қилиш (аждоқларга ўтиш шакли)	+	ноаниқ	ноаниқ	Ноаниқ
9.	Монументал бино	+	+	+	+
10.	Фан ва санъат белгиларининг шаклланиши	+	+	+	+

А.Ж. Тойнбининг кузатувларига қараганда цивилизацияларнинг ривожланиш, “олтин даври” дан сўнг унинг “брэквадн”, яъни си- ниш даври бошланади. Бу давр жамоани бошқарувчи ижодкор гуруҳ- ларнинг азалий тақдирий хатолари даври бўлиб, сабабларини ташқа- ридан эмас, балки жамиятнинг ичкарасидан қидириш керак бўлади ва жамиятшунос олим буни кўпроқ психологик ҳолатлар билан боғ- лайди [65, 120]. Эришган ютуқлардан эсанкираш, ўзларига хаддан ташқари ишонч, кўпроқ ўз манфаатларини қондириш истагининг устунлиги натижасида бошқарувда эпчиллик, удабуронлик, тадбир- корлик, мослашувчанлик хусусиятлари йўқолади. Археологик жиҳат- дан Жарқўтон жамоасида ҳам шу ҳолатни меъморчилик иншоотлари асосида кузатиш мумкин. Д. Хуфф томонидан очиб ўрганилган, пол ва деворлари оқ гипс билан сувалган, “оқ сарой”ни эслатувчи мону- ментал бинонинг кўп ишлатилмай бузиб ташланиши ва ўрнига янги- сининг бунёд этилиши ижодкор бошқарувчиларнинг ўз яшаш шаро- итларини яхшилаш учун ҳаракатлари деб баҳоланиши мумкин [59, 8]. А. Тойнбининг тадқиқотларига қараганда тарихдаги барча цивилиза- цияларга синиш ҳолати характерлидир [65, 128].

Цивилизациянинг “брэквадн”дан кейинги ҳолати “дезинтеграция”, яъни парчаланиш давридир [65,134]. Назариётчи, урбанист олимлар-

нинг тадқиқотлари бўйича цивилизациянинг бу даврига келганда ижодкор камчиллар жамоанинг янада ривожланишига йўналиш бераолмай, жамоа олдидаги магик хусусиятларини йўқотиб боради ва ҳокимиятни куч билан бошқариш йўлига ўтади. “Ижодкор бошқарувчанлик” хусусиятидан “буйруқ асосида бошқарувчилик” ҳолатига ўтади. Бу ҳолатда цивилизацияда бирлик йўқолади, кўпчил халқда ихтиёрий бўйсунувчанлик истаги сусаяди, омма бирлиги пасаяди, бўлинишлар, инқирозлар даври бошланади.

Дезинтеграция (парчаланиш) даврининг биринчи босқичида қоронғулик юз беради. Ички низолар, кўзғолонлар, ташқи ва фуқаролар урушлари, революциялар худди шу даврда юз беради. Динлар ўзининг илоҳийлик хусусиятларини йўқотиб боради, жамоада ҳар хил “касалликлар” ортиб, нафақат жамият балки санъат соҳаларида ҳам варварлашиш жараёни юз беради.

Буюк кишиларнинг, ижодкор шахсларнинг фаолиятлари бу вақтда тўхтаб қолмайди, аммо уларнинг ҳаракатлари жамиятни ривожлантиришдан кўра қутқариб қолиш муаммоларига қаратилган бўлади. Уларнинг бу ҳаракатлари вақтинчалик муваффақиятларга олиб келиши мумкин, аммо тубанликка юз тутган цивилизацияни ҳалокатдан қутқариб қолаолмайди. Вақт ўтиши билан янги ижодий фикрловчилар, иккиламчи цивилизациялар пайдо бўлади [65, 316].

Давлатчилик сари дадил ривожланиш йўлидан борган цивилизацияларнинг ижтимоий ҳолатини К Ренфрю, К Кристенсен ва В.М. Массон аввал «chiefdom», кейинги асарларида эса “илк ривожланган жамоа” деб белгилашган [60, 62]. Окс цивилизациясига ҳам “илк ривожланган жамоа” хослиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланган [33]. Бу цивилизацияда ёдгорликлар иерархияси мавжуд. Ҳар бир деҳқончилик ўлкасида бир ёдгорликнинг шаҳар сифатида гегемонлик вазифасини бажарганлиги, ибодатхона ва саройларда фаолият кўрсатган диндорлар ва ҳукмдорларнинг, бой қабрларнинг мавжудлиги ривожланган бошқарувга эга эканлигини тасдиқлайди. Ибодатхоналар қадимги Месопотамия ва Мисрдаги сингари хўжаликни ташкиллаштирувчи вазифани бажарган.

Окс цивилизацияси иккита тарихий ўлкада Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларини бирлаштирган, биринчисининг маркази Гонур бўлса, иккинчисиники Жарқўтон илк шаҳарлари ҳисобланади. Иккита марказда ҳам бир хил ҳолат, ибодатхона ва саройларнинг ўрганилиши шаҳар бошқарув тизимида диний ишлар мутасаддилари — мубодлар (коҳинлар) ва ҳукмдорлар бошқарганлиги кузатилади. Илк синфий муносабатларнинг шаклланиши даврида ҳукмдорлар ва коҳинлар ало-

ҳида ижтимоий гуруҳлар сифатида бўлинмаганлигини инобатга олсак бу ёдгорликларда сарой ва ибодатхоналарнинг ёнма-ён, гоҳида битта монументал бинода фаолият кўрсатиши табиий ҳолдир [54]. Ижтимоий тарихий жараёнлардан маълумки, коҳинларнинг ибодатхона хўжаликларини ўз хусусий ерларига айлантириши натижасида янги ҳукмдорлар – шоҳларнинг шаклланишига олиб келган. Кучайиб келаётган янги коҳин – шоҳлар ён атрофдаги ерларни эгаллаб, ўз ҳокимиятларини бутун дарё ҳавзаларига ёйган. Шу тариқа бир ёки бир неча кичик дарё ўзанида илк давлатлар пайдо бўлган [7, 34; 21, 3]. Гонур ва Жарқўтон ёдгорликларида мубодлар ва шоҳларнинг бир бутунлиги, жамиятни бошқариш ва ривожлантиришда ягона мақсад сари бирга хизмат қилганлиги кузатилади, аммо жамоани бошқаришда ҳарбийларнинг, ҳукмдорларнинг ҳарбий ҳолатда бўлганлиги сезилмайди.

Окс цивилизацияси иқтисодининг асосини деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари ҳунармандчилик ва савдо ташкил қилган. Маданий алоқа ва савдо муносабатларида яқин ва узоқ халқлар билан ҳам маданий алоқалар ўрнатилган (Яқин Шарқ, Элам, Ҳиндистон). Жамиятдаги ижтимоий дифференциация синфий характерда бўлмаган. Илк шаҳар-давлатларни бошқаришда бюрократик институтлар шаклланмаган.

Таҳлил қилиб ўтганимиздек, бу цивилизация ҳамма цивилизациялар сингари ўз бошидан туғилиш, тарқалиш, етилиш, инқироз, таназзулга юз тутиш босқичларидан ўтган ва тарих саҳнасидан жамиятдаги ўз ички низолари ва ташқи таъсир натижасида ҳалокатга учраган. Бунинг сабабларини Евроосиё минтақасидан кўчманчи халқларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ҳолати ва халқлар диффузиясининг содир бўлганлигида деб биламиз.

Евроосиё чўл минтақаларида ҳам мил.авв. II минг йилликда “илк ривожланган жамоа” ўрнатилганлиги кузатилади. Аммо уларнинг ривожланиш йўли ва тақдири Ўрта Осиё илк цивилизацияларидан тубдан фарқ қилган. Евроосиёда “илк ривожланган жамоа”нинг туғилиши, тарқалиш нуқтаси Андроново маданияти асосида шаклланган Синташта – Аркаим минтақаларидан бошланган [6, 55; 10, 42-43]. Кўчманчилар ижтимоий ҳаётида юз берган бу революцион жараёнларнинг асосида чорвачиликнинг, асосан йилқичиликнинг жадал тараққиёти, деҳқончилик, металл ишлаб чиқариш, аҳоли сонининг ошиши, ижтимоий тараққиёт, аристократиянинг шаклланиши, арвали ҳарбийлар гуруҳи намоёндаларининг шаклланиши каби омиллар ётади. Бу тараққиётда аҳоли гуруҳлари орасида ўзаро алоқа йўлла-

рининг қурилиши ҳам энг асосий факторлардан бири бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Бу борада жанубий йўналиш энг асосий йўллардан ҳисобланган. Мил.авв. II минг йилликнинг бошларига Ўрта Осиёда пайдо бўлган, кўчманчи маданиятларга хос бўлган ёдгорликларнинг шаклланиши шундан далолат беради [17].

Юқорида эслаб ўтганимиздек, бронза даврида юз берган аҳоли миграцияларининг иккинчи кўринишида, яъни ташқаридан келган маданиятлар маълум вақтгача маҳаллий маданиятлар билан алоқага кирмайди. Миграциянинг ушбу кўринишида ташқаридан келган маданиятлар маҳаллий халқлар маданиятидан паст даражада бўлиши кузатилади деб таъкидладик. Бу миграцияга Андроново маданиятининг Ўрта Осиёга кириб келиши тўлиқ мисол бўлади [20, 224]. Тошкент, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида айрим гуруҳларнинг келиб ўрнашиши кузатилган бўлса, Орол бўйларига келиб жойлашган Андроново маданияти аҳолисининг ўтроқ жануб халқлари билан ўзаро маданий алоқалари натижасида маҳаллий, теримчилик ва овчилик билан шуғулланиб келган Калтаминор маданиятининг емирилишига олиб келганлигини айтишимиз мумкин [50,22-32]. Худди шу жараён Ҳисор маданияти мисолида ҳам кузатилади.

Кўчманчи халқлар ўтроқ, илк шаҳар маданияти ва цивилизацияга эришган халқлар билан ёнма-ён яшаб тўлиқ ассимиляция жараёнини бошидан кечирган. Кўчманчи халқлар билан Окс цивилизацияси ўртасидаги моддий маданиятнинг яқинлашиши, ўзаро бирига таъсири масаласи кулолчилик, металлсозлик соҳаларида кузатилган ва мутахассислар томонидан ўрганилган [38,62]. Кўчманчи Андроново маданиятининг Ўрта Осиёга миграцияси босқинчилик ва уруш характерида бўлмай, ташкилий ва бир неча йўналиш ва тўлқинлар жараёнида кечганлиги ойдинлашмоқда. Улар нафақат бу минтақага келиб жойлашган, балки маҳаллий халқлар билан ўзаро маданий алоқалар ўрнатган ва икки халқ ўртасида этник аралашув жараёнлари юз берган. Натижада, икки илдизли қоришган (синкретик) маданиятлар юзага келган. Бу жараён Жанубий Тожикистон ҳудудида жойлашган Тулхар, Бабашов қўрғони, Бишкент, Вахш маданиятлари мисолида жуда яхши ўрганилган [1,63; 24,135; 61,74]. Бу маданиятларнинг қабрларида кўчманчиларга хос бўлган кремация, ўтроқ халқларга хос бўлган ингумация бир хил қўлланган. Ўтроқ ва кўчманчи халқлар бир ҳудудда яшаган, ўзаро бирига таъсири натижасида аралаш жамоа ҳосил бўлган. Бу Ўрта Осиё халқлари генезисида юз берган энг биринчи йирик ассимиляция жараёни бўлиб, бу жараёнда миграция бош ролни ўтаган.

Ўрта Осиё халқларининг кейинги иқтисодий, маданий, этник шаклланиши тарихида йўналиш бўлиб хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры. // Археологические вести. № 4. СПб., 1995. С. 63;
2. Алекшин В.А. Социальный строй раннеземледельческих обществ по погребальным памятникам культур Средней Азии и Ближнего Востока. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - М.: ИА АН СССР. 1977. - С.21.
3. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. - Самарканд. - 1993. - 187с;
4. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана— Ташкент, 1977. - 248 с
5. Аскарлов А. А. Сапаллитепа. — Ташкент, Фан, 1973. — С. 171
6. Генинг В.Ф. Могильник Синташта и проблемы ранних индоарийских племен. // СА. 1974. № 4. - С. 55.
7. Дьяконов И.М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей // ВДИ. 1963. - № 1. - С. 34;
8. Дьяконов И.М. Пути истории: От древнейшего человека до наших дней. - М., 1994.
9. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып. 118. 1962 — 278 с;
10. Зданович Г.Б. Южное Зауралье в эпоху средней бронзы. // Комплексные общества Центральной Азии. - С. 42-43;
11. Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. — Самарканд. ИА АН Уз.ССР. 1990. — 21 с.
12. Исаков А.И. Саразм. - Душанбе, 1991. — 328 с;
13. История древнего Востока. Зарождение древнейших классовых обществ и первые очаги рабовладельческой цивилизации. Часть первая. Месопотамия. Под. Ред. И.М.Дьяконова. - М.: 1983;
14. История древнего мира. Часть I. — М.: 1983. — С. 148.
15. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // ТХАЭЭ, Т. X. - М.: 1977. - С. 217;
16. Кошеленко Г.А., Губаев А.Г., Гаибов В.А., Вадер А.Н. Мервский оазис: динамика систем расселения и ирригация // ВДИ. - М.: 1994, №4. - Карты 1-4.
17. Кузьмина Е.Е. Арии — путь на юг. - М., - С.Пб. Летний сад, 2009. 557 с;

18. Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 9. - М.: 1985. - С. 43-62;

19. Кузьмина Е.Е. О некоторых археологических аспектах проблемы происхождения индоиранцев // Переднеазиатский сборник. Древняя и средневековая история и филология. М., 1986. С. 175;

20. Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? М.: 1994. - С. 224.

21. Қудратов С. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатларда бошқарув тизими ва ижтимоий муносабатлар // O'zbekiston tarixi. 1999, №4, - Б. 3.

22. Литвинский Б.А. Бронзовый век // ИТН. Том I. - М.: 1963. - С. 56-68;

23. Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». - М.: 1972. - 269 с;

24. Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане. Л., 1968. С. 135;

25. Массон В.М. Адтындепе. Л., 1981. С. 91, 130-131.

26. Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л.: 1981. - 324 с;

27. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959. - № 73. - 239 с;

28. Массон В.М. Первые цивилизации. - Л.: 1989. - С. 291;

29. Массон В.М. Поселение Джейтун. - Л., 1971. - С. 324;

30. Массон В.М. Протобактрийский блок древневосточных цивилизаций (К выходу книгу: Amiet P. L'age des echanges inter-iraniens 3500-3700 avant J.-C. Paris, 1986) // Информационный бюллетень МАИК-ЦА Вып.14, М.: 1988. - С. 56-78.

31. Массон В.М. Ритмы культурогенеза и концепция ранних комплексных обществ // Вестник российского научного гуманитарного фонда. СПб. 1998. № 3. С. 1-95.

32. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. - М.: -Л., 1962. - 423 с.

33. Массон В.М. Феномен ранних комплексных обществ в древней истории. // Социогенез и культурогенез в исторической перспективе. СПб., 1991.

34. Массон В.М. Экономический и социальный строй древних обществ. - Л., Наука, 1976. - С. 184.

35. Пьянкова Л.Т. Древние стотоводы Южного Таджикистана. - Душанбе, Дониш, 1989. - 208 с;

36. Пьянкова Л.Т. К вопросу о семейных и общественных отношениях в эпоху поздней бронзы (по материалам могильников Вахшской культуры) // МКТ. Вып. 4. - Душанбе, 1987. - С. 43-70.

37. Рахманов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарканд, ИА АН РУз.ССР 1987. - С.19.

38. Рахманов У., Шайдуллаев Ш. О влиянии культур степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры. // Общественные науки в Узбекистане. 1985. № 11. С. 62.

39. Сагдуллаев А.С. Усадьбы Древней Бактрии. - Ташкент, 1987. - 127 с;

40. Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М.: Наука, 1977. - 184 с;

41. Сарияниди В.И. Древности страны Маргуш. - Ашгабат, 1990. - С. 6.

42. Сарияниди В.И. Змей и драконы в глиптике Бактрии и Маргиании // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и среднего востока. - М.: 1986. - С. 66-71.

43. Сарияниди В.И. Исследования памятников Дашлинского оазиса // Древняя Бактрия. Материалы 1969-1973 гг. - М.: Наука, 1976. - С. 21-86.

44. Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. - Ашгабат, 2002. - 279 с;

45. Сарияниди В.И. Первые индоиранцы в Центральной Азии. // Комплексные общества Центральной Азии в III-I тыс. до н.э. региональные особенности в свете универсальной модели. Материалы к международной конференции. Челябинск-Аркаим. 1999. С. 276.

46. Сарияниди В.И. Энеолитическое поселение Геоксюр (Результаты работ 1956-1957гг // Тр. ЮТАКЕ, Т. X. Ашгабат, 1960. - С. 34-48;

47. Титов В.С. К изучению миграций бронзового века // Археология Старого и Нового Света. М., 1982. С. 89-145.

48. Тойнби А. Дж. Постигание истории. - М., 1991. - С 86, 87.

49. У истоков цивилизации. Сборник статей к 75-летию В.И. Сарияниди. - М., 2004. - 466 с.

50. Филанович М.И. Интеграция в формировании древних цивилизаций на территории Узбекистана (эпоха бронзы и раннего железа) // International Journal of Central Asian Studies. Volume 8. 2003. - С. 22-32.

51. Хиберт Ф, Мур К. Новые стратиграфические раскопки в Гонур-депе (север) // Информационный бюллетень МАИКЦА. Вып.19. 1994. - С. 109-119;

52. Хлопин И.Н. Юга-западная Туркмения В эпохе поздней бронзы. - Л., 1983. - 259 с.;
53. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. — Ташкент, 2000. — 119 с.
54. Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д.и.н. Самарканд, 2009.
55. Шпенглер О. Закат Европы: очерки морфологии мировой истории. Т. I. - М., 1993. - С. 55.
56. Яковец Ю.В. История цивилизации. - М., 1997. - С. 44.
57. Avanesova N.A. Spatbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusooase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6 // AMIT 29,1997, - P.147-178.
58. During Caspers E. Some Motifs as Evidence For Maritime Contact Between Sumer and Indus Valley // Persica, V, 1970. - P. 112-134.
59. Huff D, Pidaev Ch, Chaydoullaeв Ch. Uzbek-German arhaeological researches in the Surkan Darya region // La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l Asie centrale. - Paris, 2001. - Fig.10.
60. Kristens H. Chiefdoms, States and social evolution. // Earle T. (ed.) Chiefdoms: power, economy and ideology. Cambridge. 1991.
61. Lyonnet B. Prospectionsarcheologiques en Bactriane Orientale. Vol. 2. Ceramiqueetpeuplement du Chlcolitihique a la cjqnetarabe. Paris 1997. P. 74.
62. Renfrew C. Before civilization: radiocarbon revolution and prehistoric Europe. New York. 1973;
63. Sarianidi V. Margiana and Protozoroastrism. - Athens, 1998. — P. 241.
64. Sarianidi V.I. Civilisation of Margiana. Athene, 1999.
65. ToynbeeA. J. A Stady of History. Vol.III. — p. 128.
66. Vinogradova N. Die spatbronzezeitliche Siedlung Tasguzor in Sudtadzikistan // AMIT. Band 31, - Berlin, 1999. - P.33-46;

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Мамадалиев Хушнудбек Исломжонович,
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

For citation: Mamadaliyev Xushnudbek. Urbanization processes in the Ferghana valley. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 56-70.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-9-5>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Қўқон хонлиги тарихининг сўнгги босқичида Фарғона водийси шаҳарлари ҳудудидаги мустамлака шароитда содир бўлган ўзгаришлар моҳияти, минтақада урбанизация жараёнлари ва уларга таъсир этган омиллар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: верст, урбанизация, уезд, маданий марказ, вилоят, хонадон, шаҳар, зилзила, депутат, волость

ПРОЦЕССЫ УРБАНИЗАЦИИ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

Мамадалиев Хушнудбек Исломжонович,
Старший преподаватель
Наманганского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализированы сущность изменений, произошедших в колониальных условиях на территории городов Ферганской долины на последнем этапе истории Кокандского ханства, процессы урбанизации в регионе и влияющие на них факторы

Ключевые слова: верст, урбанизация, уезд, культурный центр, область, квартира, город, землетрясение, депутат, волост

URBANIZATION PROCESSES IN THE FERGHANA VALLEY

Mamadaliyev Xushnodbek,
Senior teacher
Namangan State University

ANNOTATION

This article analyzes the essence of the changes that occurred in the colonial conditions in the cities of the Fergana valley at the last stage of the history of the Kokand khanate, the processes of urbanization in the region and the factors affecting them

Key words: district, cultural center, region, apartment, city, earthquake, deputy, volost.

Кўқон хонлиги 1876 йил тугатилгач, унинг ҳудудида ташкил этилган Фарғона вилояти ҳудудий жиҳатдан 81.032 кв. верстни ташкил қилар, бу ўлка ҳудудининг еттидан бир қисмига тўғри келар эди. Фарғона вилояти маъмурий жиҳатдан 7 та уездга - Кўқон, Андижон, Наманган, Марғилон, Ўш, Чуст, Чимён (1879 йилдан Исфара) уездларига бўлинади[1, 32], 1881 йилда Исфара уезди бекор қилиниб, унинг ҳудуди Кўқон уезди таркибига киритилади. Вилоятда 6 та уезд қолдирилади.

1886 йилда тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом” га кўра вилоят 5 та уезд - Кўқон, Андижон, Марғилон, Наманган ва Ўш уездларига бўлинади[2, 427-446], Чуст уезди ҳам бекор қилинади. Барча уездлар учун шу номдаги шаҳарлар маъмурий марказ сифатида белгиланди. Фақатгина Марғилон шаҳри бундан истисно бўлиб, Марғилон уезди маркази учун Янги Марғилон (1907 йилдан Скобелев, кейинчалик эса Фарғона) шаҳри барпо этилди. Уездлар туманларга бўлиниб бошқарилган. Вилоятда жами 20 та туман бор эди[3, 70].

Вилоятда 7 та йирик шаҳар - Кўқон, Наманган, Марғилон, Андижон, Чуст, Ўш, Янги Марғилон мавжуд эди. Булардан ташқари, Фарғонадаги Исфара, Риштон, Шаҳрихон, Асака, Ўзган каби шаҳарчалар аҳолисининг сони ва ҳудуди бўйича бошқа шаҳарлардан қолишмас эди[4, 1].

Шаҳарлар даҳаларга, даҳалар маҳалла ва жамоаларга бўлиб идора қилинган. Даҳалар, маҳалла ҳамда шаҳар оқсоқолларн асосан солиқ тўплаш, маъмурият фармонларини халққа етказиш каби вазифаларни бажарганлар. Истило арафасида Кўқон хонлигидаги шаҳарларда

аҳоли сони ҳақида рус манбаларида турлича маълумотлар қайд этилади.

1865-1866 йилларда Бекчурин томонидан аниқланган маълумотларга кўра, Қўқон шаҳри ва унинг атрофида 100.000, Наманганда 30.000, Марғилонда 20.000, Косонда 30.000, Чустда 20.000, Конибодомда 15.000, Ўшда 5.000, Тошкентда 100.000, Чимкентда 4.000 аҳоли яшаган[5,281]. Бу рўйхатда водийдаги йирик шаҳарлардан бири Андижон қайд этилмаган.

1876 йилга келиб, яъни Қўқон хонлиги тугатилиши арафасида А.Л.Кун қайд этган маълумотларга кўра, Фарғона водийсидаги Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган шаҳарларида ҳамда Ўзган ва Балиқчи каби кичик шаҳарчаларда жами 26.000 та уй-жой, 1.170 та масжид, 390 та мактаб, 68 та Мадраса, 5.200 та ёйма дўкон бўлган. 1876 йилда, истило арафасида АЛ.Кун томонидан тузилган ушбу жадвалга водийдаги Асака, Шаҳрихон, Чуст, Ўш, Конибодом, Косон каби нисбатан кичик шаҳарчалар киритилмаган.

Жами минтақага Россия империяси тажовузи бошланишидан аввал Қўқон хонлиги таркибида Тошкент, Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Туркистон, Сайрам, Чимкент, Косон, Чуст, Ўш, Конибодом, Балиқчи, Ўзган, Шаҳрихон, Асака каби 15 дан ортиқ шаҳар ва шаҳарчалар бўлиб, улардаги аҳоли нуфуси 400.000 га борган. Хонлик 15 та бекликка бўлинганлиги, пойтахт Қўқондан ташқари 15 та беклик маркази, яъни ҳам маъмурий, ҳам иқтисодий марказлар мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутган [6,90].

Россия империясининг Қўқон хонлигига қарши қаратилган ҳарбий хужумлари ва уларга қарши халқ курашлари жараёнида баланд деворлар билан ўралган ва мудофаа маркази бўлган шаҳарлар ва уларнинг атрофларидаги уй-жойлар харобага айланди. Фарғона водийси шаҳарлари истило жараёнида жуда катта талафотлар кўрди. Бу талафотлар туфайли кўплаб уй-жойлар вайрон бўлди, ҳарбий кўшин ва тинч аҳолидан тўпланган халқ лашкари қирилиб кетди. Ҳар бир шаҳар мудофаасида бир неча ўн минглаб мудофаачилар қирилиб кетди. Буларнинг барчаси водийдаги аҳоли сони ва шаҳар маданиятига катта талафот етказди.

XIX асрнинг сўнги чораги - XX аср бошида Фарғона водийсидаги шаҳарлар ҳаётидаги ўзгаришлар ва урбанизация жараёнларини ҳар бир шаҳар мисолида янада аниқроқ тасаввур қилиш мумкин.

Қўқон хонлигининг пойтахти, Фарғона водийсидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ сифатида асрлар давомида маълум ва машҳур бўлиб келган Қўқон шаҳри Россия империяси истилоси арафаси-

да баланд девор билан ўралган бўлиб, унга 12 та дарвозадан кирилган. Шаҳарда хон саройи - Ўрда жойлашган.

Шаҳар ҳудудидан ўтган Катта сой, Кичик сой ва Қорасув дарёлари Қўқон аҳолисини сув билан таъминлаган. Шаҳар озодалиги, кўчалари кенг, икки томонлама дарахтлар экилганлиги, асрлардан бери яшаб келаётган қадимий қайрағочлари билан ажралиб турган. Уйлар пухта қурилган бўлиб, пишиқ фиштли бинолар кўп бўлган.

Мамлакат пойтахти ва ҳамда йирик савдо маркази бўлган Қўқон шаҳри йил сайин кенгайиб, аҳолиси ортиб борган. 1820 йилда Е.К.-Мейендорф шаҳарда 6.000 уй-жой борлигини қайд этган. Бу эса шаҳардаги аҳоли тахминан 40.000 дан ортиқ бўлганлигидан далолат беради. Шаҳарга орадан 40 йил ўтиб, ташриф буюрган А.Вамбери эса Қўқон Хивадан 6 марта, Бухородан 3 марта, Техрондан икки марта катта эканлигини қайд этади.

1866-1867 йилларда Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори лавозимида ишлаган Д.И. Романовский шаҳар аҳолиси 100 минг киши эканлигини қайд этади[7, 281].

1876 йилга оид маълумотларда Қўқон шаҳридаги уй- жойлар ҳақида бир йилда икки хил маълумот қайд этилади. Хусусан, А.Л. Кун Қўқонда 10.000 хонадон борлигини қайд этса, А.П.Хорошхин 22.000 хонадонда 80.000 аҳоли бор деб кўрсатади[8, 40]. Шаҳарда аҳолининг ниҳоятда зич яшаганлиги, сарой аҳли, хизматчилари, кўриқчи ва ҳарбий кучлар, мадрасалар жойлашганлиги назарда тутилса, ундаги хонадонлар сони, 20.000 уй-жойга эга бўлган Тошкентдан кам бўлмаганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. 1820 йилда шаҳарда 6.000 хонадон бўлса, 55 йил давомида унинг аҳолиси 2,5 марта кўпайиб, 40.000 дан 100.000 га етган бўлса, уй-жойлар сони ҳам бир неча марта кўпайганлиги табиий ҳол эди.

XIX аср ўрталарига оид маълумотларга кўра Қўқон шаҳри 280 та маҳаллага бўлиниб[9, 107-132], эллиқбошилар томонидан бошқарилган. Катта оқсоқолга бўйсунувчи даҳа оқсоқоллари миршаблар ёрдамида аҳолидан солиқ тўплаганлар. Истило арафасида шаҳарда 9 та карвонсарой, 6 та ҳаммом, 12 та Мадраса, 1 та қорихона ва 1 та миршабхона мавжуд бўлган.

1876 йилга келиб, Қўқон шаҳрида 10 та карвонсарой, 15 та мадраса (уларда 1.500 талаба таълим олган) борлиги қайд этилади[10, 281]. Бу даврда шаҳар 12 та қисмга, 540 та маҳаллага бўлинган. Демак, сўнгги 25 йил давомида шаҳардаги маҳаллалар сони деярли 2 марта кўпайган. Шаҳардаги уй-жойлар ва аҳоли сони ҳам мос равишда кўпайган ва 22.000 хонадонда 100.000 аҳоли яшаганлиги қайд этилган.

Россия империяси тажовузи натижасида 1876 йил 19 февралда хонлик тугатилгач, Қўқон шаҳри Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида ташкил этилган Фарғона вилоятининг марказита айлантирилади[11, 7]. Ўша йили 15 июлда тузилган шаҳар бошқармасига шаҳар бошлиғи, унинг катта ва кичик ёрдамчилари, мирза ҳамда таржимон тайинланади. Орадан кўп ўтмай, 1877 йил 27 апрелда вилоят маркази Янги Марғилонга кўчирилиши муносабати билан Қўқон шаҳри ўша йили 1 июндан Фарғона вилояти таркибидаги Қўқон уездининг маъмурий марказига айлантирилади[12, 8-11]. 1917 йилгача Қўқон шаҳри уезд бошлиғи томонидан бошқарилади.

Уезд бошлиғи кўлида маъмурий ва хўжалик бошқаруви тўпланган бўлиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишда унга аҳолининг нуфузли вакиллари 3 йил муддатга сайланадиган 3 та депутат (шундан 1 таси маҳаллий аҳоли, 2 таси рус аҳолиси вакиллари) ёрдам берган. Шаҳар худуди ва хўжалиги кенгайиб, аҳоли сони ортиб бориши билан, бошқарув аппарата ҳам ўсиб борган, депутатлар сони эса, 1907 йилдан 6 кишига (шундан 4 киши рус аҳолиси вакиллари эди) кўпайтирилган[13, 22].

Маҳаллий вакиллар — депутатларга асосан солиқ тўплаш, маъмурият буйруқларини халққа етказиш каби қуйи ижрочилик вазифалари топширилган. Маъмурий, хўжалик масалалари билан уезд бошлиғи шуғулланган.

1896 йилда катта оқсоқол ўрнига шаҳар полиция бошқармаси жорий этилади. Руслардан тайинланган полиция бошлиғи шаҳар бошлиғи функциясини бажарган ва маҳаллий аҳоли яшаган эски шаҳарни қаттиқ назоратда тутган. Шаҳар даромадини 24,1 фоизи полиция хизмати таъминотига сарфланган.

Ўлкадаги бошқа шаҳарлар каби Қўқонда ҳам рус маъмурлари учун алоҳида уйлар қурила бошлаган. Шу мақсадда 1881 йилдан рус маъмурлари ва ҳарбийлари учун “янги шаҳар” қурилиши бошланган[14, 32-33]. Собиқ хон саройининг атрофида боғлар бузилади, унинг ёнида жойлашган қабристон бошқа жойга кўчирилади ва шу ерларда “янги шаҳар” қурилиши учун жой ажратилади.

Ижтимоий таркиби жиҳатидан “янги шаҳар” аҳолиси дастлаб ҳарбийлар, савдогарлар, амалдорлар ва хизматчилардан иборат бўлган. Кейинчалик, шаҳарда саноат корхоналари пайдо бўлиши, Андижон - Самарканд темир йўлининг очилиши, 1899 йилда Қўқон шаҳрига темир йўлнинг етказилиши билан шаҳар аҳолисининг нафақат сонида, балки ижтимоий ва миллий таркибида ҳам ўзгаришлар содир бўлади.

Андижон шаҳри Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, Россия тажовузи арафасида Қўқон хонлигидаги Андижон беклигининг маркази эди. Бу ердан Фарғонанинг турли қисмларига, Еттисув, Қашқарга олиб борадиган йўллар ўтган. Истило арафасида шаҳар аҳолиси тахминан 35.000 кишини ташкил этган[15, 132]. 1876 йилда хонлик тугатилгач, беклик Андижон уездига айлантирилди ва шаҳар Андижон уезди маркази мақомини олди.

Уезд маркази бўлган Андижонда уезд маъмурияти жойлашган бўлиб, шаҳарда полиция хизмати, амалдорлар ва ҳарбийлар кўпчиликини ташкил этган. Андижон шаҳри бу даврда ҳам худди Қўқон хонлиги давридагидек 4 даҳага бўлинган. Бу даҳаларда жами 43 та маҳалла бўлган[16, 37-38]. Маҳаллалар оқсоқоллар томонидан, даҳалар эса, волост бошқарувчилари томонидан бошқарилган. Андижон шаҳрининг хўжаликка оид масалалари ҳам уезд бошлиғи бошқарган. 1 та маҳаллий, 2 та рус аҳолиси вакилларида иборат гуруҳ аҳолидан солиқ тўплаш билан шуғулланган. 1877 йилда Андижоннинг жануби-шарқий томонида, шаҳар девори ташқарисидаги Хоқон қишлоғида рус маъмурияти ва аҳолиси учун “янги шаҳар” қурилиши бошланди. Бу ерда елпигич шаклидаги йўналишда янги тош кўчалар ётқизиблиб, дарахтлар экилди, йўл бўйларида ариқлар қазилди, бозор учун алоҳида ер ҳам ажратилди.

Жуда тез суратлар билан барпо этилган янги шаҳарчада рус маъмурлари ва ҳарбийлари учун почта, телеграф, савдо дўконлари ва турли кўнгиш очар масканлар, парклар, европача усулдаги бир қаватли иморатлар қад кўтарди. Касалхона, дорихоналар, кутубхоналар очилди, боғлар барпо этилди. Шаҳарни ободонлаштириш ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилди, текис ва равон кўчалар очилиб, дарахтлар ўтказилди, тунги ёриткичлар — керосинли фонарлар ўрнатилди.

Андижонда рус аҳолиси учун 5 та бошланғич (шундан 2 таси рус-тузем мактаблари эди), 2 та ўрта, аёллар ва эркаклар гимназиялари, кечки курслар ташкил этилган. 1915 йилдан бошлаб шаҳарда рус аҳолиси учун “Известия”, “Телеграмма”, “Туркестанский голос” газеталари нашр этила бошлаган[17, 37-38]. Бундан ташқари, Андижондаги “янги шаҳарча” да почта, телеграф йўлга қўйилади.

Ўлканинг бошқа шаҳарлари сингари Андижоннинг “янги қисми” аҳолиси ҳам дастлаб ҳарбий маъмурлар, рус амалдорлари, савдогарлардан иборат эди. Кейинчалик Андижонда саноат корхоналарининг кўпайиши, темир йўллар қурилиши билан шаҳарга кўчиб келувчилар сони тобора ортиб борди[18,19- 26]. “Янги шаҳар”да дастлаб 215 хонадон бўлган бўлса, 1914 йилга келиб, уларнинг сони 1332 тага ет-

ган[19,38]. Шаҳарда турли миллат вакилларируслар, украинлар, татарлар, бошқирлар, яҳудийлар, белоруслар яшаган.

1902 йилда 3 декабрда Андижонда содир бўлган зилзила шаҳарни хонавайрон қилди. Зилзилага қадар шаҳарнинг янги қисмида 123 та, эски қисмида 10.000 та хусусий уйлар бўлиб, аҳолиси 50.000 ни ташкил қилган[20, 175]. Зилзила натижасида эски шаҳар қисмида 9.622 та, янги шаҳар қисмида 123 та уй вайрон бўлди, 1.021 киши ҳалок бўлади, шундан 433 таси болалар эди. Зилзиладан сўнг тиклаш ишлари жараёнида шаҳарнинг “янги қисми”да яшовчи аҳоли учун ўлка маъмурияти томонидан жами 77.667 рубль ёрдам пули ажратилади. Тиклаш билан бир қаторда янги қурилишлар олиб борилиб, маъмурий бинолар, уй-жойлар, саноат объектлари, банк, жамоат жойлари, хиёбонлар, бозорлар ва дўконлар барпо этилади. Эски шаҳарда эса тикланиш ишлари жуда суст олиб борилади. 1910 йилда шаҳарда 7.795 та хонадон мавжудлиги қайд этилади(шундан 150 таси русларга тегишли эди)[21,709]Шаҳар аҳолиси эса 79.496 кишини ташкил этган[22,2]. 1913 йилга келиб Андижон шаҳрида аҳолисининг сони 119.612 кишига етган. Бунга шаҳарда саноат объектларининг кўпайиши, темир йўллар фаолияти, кўчиб келган аҳоли нуфузининг ортиши, меҳнат миграцияси каби омиллар сабаб бўлган. Шаҳар аҳолиси тобора зичлашиб борар, бир хонадонга ўртача 10 кишидан тўғри келар эди.

Наманган шаҳрида 1871 йилда 5.000 та хонадон[23, 3], камида 25.000 аҳоли борлиги кўрсатилган[24, 4]. Демак, ўрта ҳисобда шаҳар аҳолиси 30.000 дан кам бўлмаган. 1885 йилда Наманганда 31.803 киши[25, 1-89],1897 йилда тузилган Россия империясининг умумий аҳоли рўйхатида эса 62.017 киши яшаётганлиги қайд этилган[26, 16].

Бу даврда Наманган шаҳри тўрт қисмга - Сардоба, Лаббайтоға, Чуқур кўча, Дегрезлик даҳаларига бўлинган[27,326]. Наманганда шаҳар марказида жойлашган энг катта ва гавжум Чорсу бозори 500 та ёйма дўконга эга эди. Кўқон хони томонидан барпо этилган бу янги бозор ҳафтанинг душанба, пайшанба, шанба ва якшанба кунлари фаолият юритган. Жума кунги бозорлар йирик жомеъ масжидлари, мадрасалар атрофларида бўлган, чунки жума намозини ўқиш учун жомеъ масжидларига узок қишлоқлардан ҳам мусулмонлар келарди.

1876 йилда Кўқон хонлиги тугатилиб, шаҳар Фарғона вилояти таркибидаги Наманган уезди марказига айлантарилди. Генерал-губернатор Кауфман шаҳарни кенгайтириб, уни икки қисмга бўлиш, уезд маъмурияти ва ҳарбийлари учун алоҳида жой ажратиш, янги шаҳар барпо этиш ҳақидаги лойиҳани тасдиқлади. Лойиҳага кўра, Наманган

ўлканинг бошқа шаҳарлари сингари “эски шаҳар” ва “янги шаҳар” га бўлинадиган бўлди .

Лойиҳага кўра, “янги шаҳар” тўғри ва кенг кўчалар, тош терилган йўллардан иборат бўлиши лозим эди. Бу ерда асосан уезднинг маъмурий бинолари, рус ҳарбийлари ва савдогарлари яшаши учун уй-жойлар қуриш режалаштирилган. Шу мақсадда шаҳардаги бек қўрғони деворининг ташқи томонидан алоҳида ер ажратилади ва маркази шу ердан бошланган 6 та кўчага асос солинади. Кўчалар кенг, икки томонига тол ва қайрағочлар ўтказилган, йўлларга тош ётқизилган, тунда керосинли ёриткичлар (фонарлар) ёритиб турган.

“Янги шаҳар” ҳудудида ҳарбий машқлар ўтказиладиган қапа майдони, шаҳар боғи ва бу ерда яшовчилар учун бозор ташкил этилди, уезд маъмурияти учун бошқарма биноси, амалдорлар ва ҳарбийлар оиласи учун уй-жойлар барпо этилди, ҳарбий қўрғонни ўз ичига олган янги рус ҳарбий қалъаси қурилди. Янги шаҳар”да аҳолиси 1877 йилда жами 34 та хонадон мавжуд эди. Эски ва янги шаҳар чегарасида икки қаватли европача усулдаги уйлар қад кўтаради. “Янги шаҳар”да рус аҳолиси учун кутубхона[28, 43], ўғил бола ва қизлар учун алоҳида икки синфли билим юрти[29, 171], 50 та ўринга мўлжалланган ҳарбий лазарет ва 20 та ўринга мўлжалланган касалхона очилади.

1912 йилда Наманганга Кўқон шаҳри томонидан қурилган темир йўл шоҳобчасининг уланиши ва ишга тушиши билан шаҳар ҳудуди темир йўл томонга қараб кенгайиб борди. 1913 йилга келиб Намангандаш хонадонлар сони 12.100 тага етади. Тарихий адабиётларда шаҳарда 75.346 киши яшаётганлиги қайд этилган.

Шаҳар водийдаги саноат-савдо марказларидан бири ҳисобланган. 1913 йилга келиб шаҳарда 38 та пахта тозалаш заводлари, 3 та ёғ-мой корхонаси фаолият юритар эди. Бундан ташқари, 3 та пилла қуришиш, 1 та пиво тайёрлаш, 3 та фишт заводи фаолият юритар эди. Саноат корхоналари шаҳардан четда барпо этилиши натижасида экологик аҳвол анча яхшиланган.

Шаҳар ҳунармандлари асосан пахта ва ипак толаси йиғириш, қоғоз тайёрлаш, металл идишлар, кулолчилик, заргарлик, темирчилик, тунукасозлик, чилангарлик, косибчилик, дурадгорлик, атлас тўқиш, пичоқчилик каби ҳунарларибилан машҳур эдилар.

Наманганда 20 та Мадраса, 100 дан ортиқ бошланғич мактаб, 331 та масжид фаолият юритган.

Марғилон нафақат Фағона водийсидаги, балки бутун Туркистон ўлкасидаги йирик шаҳарлардан бири эди. Шаҳар баланд пахса деворлар билан ўралган бўлиб, жуда қулай, гўзал ерда жойлашган эди.

Шаҳар худуди географик жиҳатдан қулай ва табиати гўзал ерда жойлашганлигини бу ерга XIX аср охири XX аср бошида ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар ҳам алоҳида таъкидлаб ўтганлар[30,704]. 1840 йилларда рус тадқиқотларида Марғилон шаҳри катталиги жиҳатидан Қўқон шаҳрига яқинлиги ва жуда қадимий эканлиги қайд этилган эди .

Шаҳар атрофида ва ички қисмида катта-кичик боғлар, ҳовузлар кўп эди. Айниқса собиқ, Марғилон бекига қарашли энг катта боғ ниҳоятда гўзал бўлиб, бодомзор, узумзор, ўрикзор, шафтолизор каби боғлардан иборат эди.

Илгари Марғилон беклигининг маркази бўлган ушбу шаҳар Қўқон хонлигидаги энг катта шаҳарлардан бири эди. Шаҳар аҳолиси савдо ва хунармандчилик соҳасидаги катта тажрибаси ва ишбилармонлиги билан машҳур эди. Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг қайд этишича, Чимён ва Олтиариқ оралигидаги даштликда топилган нефт қудуғининг ер остида арчадан қилинган ёғоч зиналари сақланиб қолган бўлиб, бу ҳол жуда қадим вақтлардан бу ерлик аҳоли ер ости мойларидан ҳам фойдалана олганлигидан далолат берар эди.

Қўқон хонлигининг сўнгги йилларида Марғилон музофотида 15 та нефт булоқлари, водийда эса, жами 200 та нефт булоқлари мавжуд бўлиб, аҳоли ундан турли мақсадларда фойдаланар эди.

1860 йилда Марғилон вилояти ҳокими Султон Муродбек фармойиши билан нефт булоқлари бошида ариқлар, ҳовузлар қазилади, уларни муҳофаза қилиш учун атрофи деворлар билан ўралади. Ҳовузларда тўпланган нефт теридан тиқилган мешларга қуйилиб, Марғилон шаҳрига келтирилган ва чўян қозонларда қайнатилиб, керосин олинган. Керосин жуда харидоргир бўлиб, ундан арзон ёруғлик манбаи сифатида, кейинчалик эса, темир йўллар фаолиятида кенг фойдаланилган.

1876 йилда хонлик тугатилгач, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилоятининг Марғилон уезди таркибига киририлди.

Шу даврдан бошлаб Марғилон шаҳри ўзининг маъмурий марказ сифатидаги аҳамиятини йўқотди. Гарчи Марғилон шаҳри уезддаги энг йирик шаҳар бўлса-да, уезд маркази Марғилондан 12 км. четда жойлашган худудда ташкил этилди. Бу ерда рус шаҳарчаси ташкил этилиб, уни Янги Марғилон деб юрита бошладилар. Айнан шу пайтдан Марғилон шаҳри эса Эски Марғилон деб атала бошланди.

Марғилонда водийнинг бошқа шаҳарларидан фарқ қилиб, рус аҳолиси деярли йўқ бўлганлиги туфайли уезд маъмурияти шаҳар обо-

дончилиги ва қурилишига умуман эътибор бермаган. Аммо, азалдан савдо, хунармандчилик ва маданият маркази бўлиб келган Эски Марғилон шаҳри ўз маъмурий аҳамиятини йўқотишига қарамай, ижтимоий-иқтисодий мавқеини сақлаб қолган.

Шаҳардаги таълим тизими, ободончилик, қурилиш масалалари, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий тадбиркор ва нуфузли сармоядорларнинг саховати муҳим роль ўйнаган. Ўша даврда Марғилон уезди бошқармасида хизмат қилган Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг қайд этишича, Марғилондаги йирик сармоядор бойлар шаҳардаги қаровсиз қолган ижтимоий аҳволни имкон қадар тартибга солиш учун ўз маблағларини аямаганлар.

Маҳаллий сармоядорлар ўз ҳисобларидан ҳаммом, қорихона, янги масжид, мактаблар барпо этиб, эскиларини таъмирлаганлар, бозорларни таъмирлаб, янги расталар қурдирганлар. Марғилонда жами 254 та масжид фаолият юритган. Муҳаммад Азиз Марғилоний ўз асарида 15 та тужжор ва нуфузли кишиларнинг исм-шарифларини келтириб, уларнинг хайрли ишларини кўрсатиб ўтади [31, 66-67, 87-90].

XX аср бошида Ўрта Осиёга кино кириб кела бошлаши билан Марғилонда маҳаллий бойлар ўз маблағлари ҳисобидан кинотеатр ташкил қиладилар. Марғилон шаҳридаги санъатсевар аҳоли адабиёт ва шеърятга ҳам катта қизиқиш билан қараган. Шаҳарда маҳаллий аҳоли вакили бўлган Ҳожимуҳаммад Азимжон Марғилоний томонидан хусусий босмахона очилиб, адабиёт, шеърят ва динга оид китоблар чоп этилади. Бундан ташқари, Марғилонда 16 та маҳаллий китоб расталари мунтазам ишлаб турган [32, 174].

1876 йилда Фарғона вилояти ташкил этилгач, унинг маркази сифатида Қўқон шаҳри белгиланса-да, маъмурият бундан қониқмай, янги марказ қуриш учун жой танлашга киришади. Шу мақсадда 1877 йилда Туркистон генерал-губернатори Марғилон уезди бошқарувчисига ҳарбий инженерлар, малакали врачлар ва ер тузувчи мутахассислардан иборат махсус комиссия билан белгиланган ҳудудни ўрганиб чиқишни топширади. Текширувлардан сўнг Марғилон шаҳридан 10-12 км жанубда жойлашган, Ёрмозор ва Чим қишлоғи аҳолисига қарашли ҳудуд танлаб олинади.

Белгиланган режага кўра, катта майдонни қуршаб олган қалъа ичида 1.000 та уй-жой, ҳарбийлар учун бино, христианлар ибодатхонаси (черков), бозор, ҳарбий казарма, омборхона қуриш мўлжалланади. Қисқа фурсатда буларнинг бари тартиб ва пухталиқ билан қуриб, битказилади. Шаҳарчага “Янги Марғилон” деб ном берилиб, Фарғона вилоятининг маркази шу ерга кўчирилади [33, 36]. “Янги Марғи-

лон” дастлаб Марғилон уезди бошлиғи томонидан, кейинчалик эса, вилоят губернатори томонидан бошқарилади.

1907 йилдан бошлаб “Янги Марғилон” шаҳарчасининг номи ўзгартирилиб, ўлкани забт этишда жонбозлик кўрсатган энг шавқатсиз генерал Скобелев номи билан юритила бошланди. (1917 йилдан кейин эса, шаҳарча Фарғона деб аталадиган бўлди).

Янги Марғилон шаҳри барпо этилган дастлабки ўн йил ичида унда 196 та хонадон бўлса, 1913 йилга келиб уларнинг сони 998 тага етади, шаҳар аҳолисининг сони 1897 йилда 8.928 кишига, 1913 йилда эса 13.218 кишига етган.

Аҳоли таркибида амалдорлар ва ҳарбийлардан ташқари савдо-саноат вакиллари ҳам пайдо бўлган. Аммо, шаҳарда савдо ва саноат ишлаб чиқариши бошқа шаҳарларга нисбатан анча суст ривожланган эди. 7 та саноат корхонаси асосан пахта тозалаш, ёғ-мой ишлаб чиқариш, пиво тайёрловчи ва спирт тозаловчи заводлардан иборат эди.

XX аср бошида шаҳарда саноат корхоналари қурилиб, кўпая бошпади. 1914 йилга қадар шаҳарда 21 та корхона барпо этилди ва шаҳар аҳолиси таркибида ёлланма ишчилар пайдо бўлди. XX аср бошига келиб шаҳар ҳудуди ҳарбий гарнизонлар қурилиши ҳисобига жануб томонга кенгайиб борган.

Россия империяси истилосига қадар Чуст шаҳри шу номдаги беклик маркази бўлиб, унга атроф ҳудуддаги 18 та қишлоқ қарар эди. Шаҳар 4 қисмга - Мавлоно Лутфулло, Кўнчилик, Хонмасжид, Янги йўл даҳаларига бўлинган. Ҳар бир даҳа жами 40 га яқин маҳаллалардан иборат бўлган. Маҳаллалар оқсосоллар ёки элликбошилар томонидан бошқарилган. Ҳар бир даҳада 1 тадан катта масжид ва мадраса бўлган.

Кўқон хонлиги тугатилгач, Чуст шаҳри 1876 йилдан Фарғона вилояти таркибидаги Чуст уезди маркази мақомини олади. Собиқ бек кальасига уезд маъмурияти ва ҳарбийлар жойлаштирилади. Илгари бекка тегишли бўлган ерлар, боғлар ҳам уезд бошлиғи ихтиёрига ўтказилади.

Чуст шаҳридаги марказий бозордан 2 км. масофада рус аҳолиси учун янги шаҳарчага асос солиниб, маъмурий бинолар, уй-жойлар, шифохона қурилиши бошланади.

1886 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом” га кўра Чуст уезди Наманган уезди билан қўшилади. Эндиликда Наманган уезди таркибида Чуст оқсоқоллиги ташкил этилади. Чуст оқсоқоллигига Чуст шаҳридан ташқари Ҳисароксой ва Шўркент қишлоқ жамоалари ҳам қараган. Чуст уезди Наманган уезди билан қўшилиб,

шаҳар марказ мақомни йўқотгач, янги шаҳар қурилиши ҳам сустлашади.

1876 йилда шаҳарда 2.116 хонадон мавжуд бўлиб, шаҳар аҳолиси 10.580 кишини ташкил этган. 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатида шаҳарда 13.785 киши доимий яшовчи сифатида қайд этилган. 1913 йилда Чустда 19.814 киши яшаётганлиги қайд этилган. Бу даврда Чустда 2.700 та уй-жой, 84 та масжид (шундан 12 таси жомеъ маежиди), 50 та мактаб бор эди.

Қўқон хонлиги даврида Ўш беклигининг маркази бўлган Ўш шаҳрида XIX асрнинг 70-йилларида 1000 та уй-жой мавжуд эди. Шаҳар нисбатан кичик ва аҳолиси кам бўлишига қарамай, стратегик аҳамиятга моликлиги сабабли 1876 йилда Фарғона вилояти таркибидаги Ўш уезди маркази сифатида белгиланади ва бу ерга ҳарбий кучлар жойлаштирилади.

Шаҳарнинг жанубида рус аҳолиси учун янги манзилгоҳга, шаҳарга асос солинган. Вақт ўтиши билан шаҳар аҳолисининг сони ўсиб бори ва 1913 йилга келиб, уй-жойлар сони 6.253 тага етди. Аҳоли сони 1885 йилда 12.976 киши бўлса, 1897 йилда 34.157 тага етди. 1913 йилга келиб эса, 47.401 кишини ташкил қилади.

Шаҳар аҳолиси атрофдаги кишлоқ ва шаҳарлардан келганлар ҳамда руслар ҳисобига кўпайиб борган. Аҳоли асосан деҳқончилик ва қисман чорвачилик билан шуғулланган. Деҳқончиликда асосан бугдой, жўхори, кейинчалик эса, пахта етиштирилган. Чорвачилик қисқариб, ёрдамчи хўжаликка айланиб борган ва асосан ишчи ҳайвонлар - хўкиз, от катта аҳамият касб этган.

Ҳунармандчилик ички эҳтиёжларни қондирувчи энг зарур касблар — кийим-кечак (бош кийим, чопон), пойабзал, тегирмончилик каби соҳалар мисолида ривожланган. 1884 йилда шаҳарда 75 та ҳунармандчилик устахонаси бўлса, аҳоли ўсиб бориши билан 1914 йил арафасида бир неча юзга етган. Ишлаб чиқаришда асосан тегирмончилик, ёғ-мой корхоналари устивор ўрин эгаллаган.

Узоқ тарихга эга бўлган Конибодомшаҳри Фарғона водийсига ташқаридан кириб келувчилар учун гўё бир дарвоза ёки остонадаги шаҳар эди. Шаҳарча атрофида табиий бойликлар — кўмир, нефт борлиги сабабли ўлка ҳукумати бу ерга рус тадқиқотчилари ва сармоядорларини таклиф қилади. Конибодомда кўмир шахтаси, САНТО нефт ишлаб чиқариш корхонаси, пахта тозалаш заводи, ёғ-мой заводи ишга туширилади. 1899 йилда Самарқанд ва Фарғона ўртасидаги темир йўл қурилиб, ишга тушгач, бу ердан Россияга пахта, кўмир, қуруқ мевалар жўнатила бошланди. Шаҳарчада 30.000 аҳоли яшар эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўрганилаётган давр Фарғона водийси урбанизация жараёнлари асосан қадимдан маъмурий, иқтисодий ва маданий марказ бўлиб келган шаҳарлар атрофида содир бўлди. Уларнинг қадимдан савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлганлиги ҳамда савдо йўлларида жойлашганлиги урбанизация жараёнларига катта имконият яратди. Шаҳарларда барпо этилган “янги” қисмларда нафақат маъмурият ва ҳарбийлар, балки савдо-саноат аҳли, темир йўллар ва корхоналар ишчилари, сармоядорлар сони, рус аҳолиси, бошқа европаликлар ҳамда яҳудийлар сони ҳам ортиб борди.

Эътибор бериш лозимки, водийдаги шаҳар маданиятининг ривожланиши асосан рус маъмурлари, ҳарбийлари ва аҳоли яшайдиган “янги” қисмда замонавий инфратузилмалар яратилиши билан чекланиб, маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмлари эса, деярли ўзгармасдан XIX аср даражасида қолди. Эски шаҳарлардаги анъанавий инфратузилмалар ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса-да, замон талаблари ва янгиликлардан анча ортда қолган эди.

Бу даврда водийнинг шаҳар маданияти ва шаҳарсозлиги муштамлака манфаатлари доирасида ривожланиб, маҳаллий аҳоли манфаатлари инобатга олинмади. Аммо, иқтисодий марказ мақоми барибир тарихий анъаналар ҳамда катта салоҳиятга эга бўлган эски шаҳарларда қолди. Янги маъмурий марказлар, янги шаҳарчалар, рус посёлкаларида русийзабон аҳоли учун тегишли шарт-шароит, инфратузилмалар яратилсада, улар савдо, ҳунармандчилик ва иқтисодий марказ мавқеига эриша олмадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета Ген. — Аъдютанта К.П. фон Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 1881. СПб., 1885. — С.32.
2. Положение об управлении Туркестанского края. Санкт-Петербург, 1886. С.1; Свод Законов Российской Империи. В пяти книгах. Книга первая. Том 2. СПб., 1912. — С. 427-446.
3. Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг охири XX аср бошларида. — Т., 2013. —Б.70.
4. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. — Казань, 1886. — С.1.
5. Романовский Д.И. Заметки по Средне — Азиатскому вопросу. СПб., 1868. — С.281.

6. Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср иккинчи ярми- XX аср бошларида: шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. – Тошкент: Yanginashr, 2017. – Б.90.

7. Романовский Д.И. Заметки по Средне-Азиатскому вопросу. СПб., 1868. – С.281.

8. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края А.П.Хорошхина. СПб., 1876. – С.40.

9. Вельяминов-Зернов В.В. Исторические известия о Кокандском ханстве. // Вестник Императорского Географического Общества. СПб., 1856. Ч. XVIII Кн. 5. Отд.2. – С. 107-132.

10. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края А.П. Хорошхина. СПб., 1876. – С.281.

11. История Коканда. – Ташкент, 1984. – С.7.

12. ЎзР МДА, И-1 жамғарма, 20-рўйхат, 106663-йиғма жилд, 8-11-варақлар.

13. ЎзР МДА, И-17 жамғарма, 1-рўйхат, 20308-йиғма жилд, 22-варақ.

14. Фарғона водийсидаги шаҳарлар. Кўқон. – Тошкент, 1963. –Б.32-33.

15. Военно-статический сборник. Выпуск 3, 1868. – С.132.

16. ЎзР МДА, И-276 жамғарма, 1-рўйхат, 117-йиғма жилд, 8-варақ.

17. История Андижана. – С. 37-38.

18. Обзор Ферганской области за 1892 г. Обзор Ферганской области за 1897 г. – С.19- 26.

19. Жалилов С. Андижон. – Тошкент, 1989. –Б.38.

20. Ежегодник Ферганской области. Том 2. Выпуск 1903 года. Новый Маргелан, 1903. – С. 175.

21. Россия. Полное географическое описание нашего отчества. Том 19. – С.709.

22. Статический обзор Ферганской области за 1910 год, 1912. – С.2.

23. Туркестанские ведомости. 1871, 16 август. №29. – С.3.

24. Материалы для статистики Туркестанского края (численность населения). // Туркестанские ведомости. 1885. №38.– С.4.

25. Первая Всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года. (Губернские итоги). Т.Т. 1-89. СПб.: 1903-1905,

26. Приложение №2. Ведомость о населении Ферганской области за 1913 год. В книге: Азиатская Россия. Том 2. Земля и хозяйство. – Петербург, 1914. – С.16.

27. Ибрат. Фарғона тарихи. “Мерос” туркуми. Тошкент, 1994. –Б.326.

28. Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Наманган, 1995. –Б.43.

29. ЎзР МДА, 47 жамғарма, 7-рўйхат, 94-йиғма жилд, 171-варақ.

30. Россия. Полное географическое описание нашего отчества. Том 19. –С. 704.

31. Муҳаммад Азиз Марфиноний. Тарихий Азизий (Фарғона чор мустамлакаси даврида). Нашрга тайёрловчилар, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. 1999. –Б. 66-67, 87-90.

32. Статический обзор Ферганской области за 1910 год. Скобелев 1912. –С. 174.

33. ЎзР МДА. И-1 жамғарма.16-рўйхат, 1889-йифма жилд, 36-варақ.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТИЗИМИ ТАРИХИГА НАЗАР (совет даври мисолида)

Насиров Бунёд Уралович,
Жиззах Педагогика Институтини
“Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар”
кафедраси доценти в.б,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

For citation: Nasirov Bunyod. Look at the history of public catering in Uzbekistan (during soviet period). Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 71-80.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-9-6>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда ХХ асрнинг 20-80 йилларида умумий овқатланиш тизимининг шаклланиши, фаолияти, бу борада олиб борилган совет ҳукуматининг сиёсати, моддий-техник таъминот, муаммолар ҳамда аҳолининг бу борада эҳтиёжи масалалари ёритилган.

Совет ҳокимияти йилларида умумий овқатланиш тизимининг янги йўналишлари шаклланди. Республикада ХХ асрнинг 60-70 йилларида умумий овқатланиш тизимини ривожлантириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда янги объектлар фойдаланишга топширилиб, моддий-техник базани мустаҳкамлашга эътибор берилди. Бироқ, бир қатор ўқув юртларида ва ташкилотлардаги ошхоналарнинг санитария ҳолати талабларга жавоб бермаган, етарли даражада ўриндиқлар билан таъминланмаган ва асосийси фаолияти учун зарурий шароитлар яратилмаган эди.

Калит сўзлар: умумий овқатланиш тизими, ошхона, меъёр, институт, мактаб, корхона, Иттифоқ республикалари.

**ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ ОБЩЕСТВЕННОГО ПИТАНИЯ
В УЗБЕКИСТАНЕ
(в период советской эпохи)**

Насыров Бунёд Уралович,
И.о.доцент кафедры Истории
Узбекистана и общественных наук ДжизПИ.

АННОТАЦИЯ

В статье освещена деятельность системы общественного питания в Узбекистане в 20-80 годах XX века. В том числе формирование и проводимые мероприятия советской власти по укреплению системы, материально-технического обеспечения, проблемы и потребности населения в данной сфере.

В советское время сформировались новые направления в системе общественного питания. В республике в 60-70-е годы XX-го века были предприняты ряды меры по развитию системы общественного питания. Новые объекты были введены в эксплуатацию в помещениях с упором на укрепление материально-технической базы. Однако, санитарные условия в столовых ряда учебных заведений и организациях были неадекватными, не подходящими для размещения их мест, и не были созданы необходимые условия для их работы.

Ключевые слова: система общественного питания, столовая, норма, институт, школа, предприятия, Союзные республики.

**LOOK AT THE HISTORY OF PUBLIC CATERING IN
UZBEKISTAN (during soviet period)**

Nasirov Bunyod,
Associate Professor of the Department
of History of Uzbekistan and Social Sciences JizPI.

ANNOTATION

The article describes the functions of the public catering system in Uzbekistan in 20-80s of 20th century, the policy of the Soviet government in this area, technical support, problems and the needs of the population.

During the Soviet era new trends in the system of public catering were formed. In 60-70s of the 20 century a number of reformations were held in the Republic of Uzbekistan to develop the system of public catering. New building were given by Soviet government, and focused on strengthening materials and technical basis. But, the sanitary conditions of the cafeterias in a number of educational establishments were not adequately maintained, seats were not provided and essential conditions were not created.

Key words: general catering system, cafeteria, measure, school, institute, enterprises, Union Republic.

Юртимизда умумий овқатланиш муассасалари узоқ тарихга эга бўлиб, бугунги кунда улар хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича бир неча турга бўлинади. Қадимдан аҳоли кўп ташриф буюрадиган чойхоналар работлар, бозор, гузарлар ва маҳаллалардаги хушманзара жойларда барпо этилган. XIX аср охирига келиб Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин “Ривьера”, “Париж”, “Шимол” (Самарқанд), “Регина”, “Буффа”, “Анона” (Тошкент) каби ресторанларда фақат юқори табақа вакилларига хизмат кўрсатилган [1].

Кейинчалик совет ҳокимияти ўз гоёларини аҳолига сингдиришда улар учун узоқ даврдан буён анъанавий бўлган чойхоналардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилган. Уларда турли мавзуларда маърузалар ўтказиш, газета ва журналларни ўқиш ишлари кенг кўламда олиб борилган [2,180].

Айтиш лозимки, совет ҳокимияти умумий овқатланиш муассасаларидан молиявий фойда кўришга ҳаракат қилган. Хусусан, 1924 йилда Тошкент “янги” шаҳар совети шаҳардаги барча ресторанлар, ошхоналар ва тамаддихоналар кечаси 23.00 дан кейин ташриф буюрадиган кишилар ҳисобига 2 лик марка ёпиштириш ҳақида буйруқ берилган [3,151].

1940-1943 йилларда Ўзбекистонда аҳолига умумий овқатланиш тизими бўйича хизматлар кўплаб идора ва ташкилотлар томонидан амалга оширилди. Жумладан, ҳарбий савдо, Ўзмахсуссавдо, темир йўл буфет, дарё флоти, матлубот уюшмаси ва бошқа идоралар фаолият олиб борди [4].

Ўзбекистонда 1940 йилда 10.000 нафар аҳолига 4 та овқатланиш муассасалари тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Грузияда -5 тани, Озарбайжонда -7, Латвияда-5, Эстонияда-5 тага тўғри келган [5,152].

Бу даврда, қатор ташкилотлардаги умумий овқатланиш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни керакли маҳсулотлар билан таъминлашда ҳам камчиликлар кўзга ташланар эди.

Хусусан, 1942 йил Самарқанд шаҳар ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик институти, Москва Зоотехниклик институти, Москва Режалаштириш институти ва К.А.Тимирязев номидаги Москва Қишлоқ хўжалиги Академияси талабалари учун (1400 нафар) хизмат кўрсатаётган марказлашган ошхона керакли маҳсулотлар билан таъминотидаги узилишлар оқибатида керакли маҳсулотларни бозорлардан сотиб олишган, бу ўз навбатида таом нархининг жуда қимматлашувиغا олиб келган [6]. Умумий овқатланиш трестига[7] қарашли бўлган ошхона ва ресторанлар фаолияти Самарқанд шаҳар кенгаши депутатлари томонидан кўздан кечирилганда, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёмон даражада таъминланганлиги, мижозларга хизмат кўрсатишда тарелка, қошиқ, пичоқ каби ошхона анжомлари етишмаслиги, ошхоналар фаолиятига оид кўплаб шикоятлар мавжудлиги, мижозларни таомларни узоқ вақт кутиб қолиши, хизмат кўрсатувчиларни кўполлиги ҳамда ошхоналар санитария ҳолати мутлақо талабига жавоб бермаслиги каби салбий ҳолатлар аниқлаган[8]. Энг ачинарлиси, кўплаб ошхоналарда қошиқни йўқлиги натижасида мижозлар таомларни кўлларида тановвул қилаётганликлари маълум бўлган[9].

1966 йил бошида республикадаги умумий овқатланиш корхоналаридаги ўриндиқлар сони 270 мингтани ташкил қилар эди. 1967 йилда ўриндиқлар сони 14,5 минггага ошди, саноат корхоналарида умумий овқатланиш корхоналари 4000 ўринга, ўқув юртларида 1,7 мингга, умум шаҳар тизимида 4,1 минг ўринга ўсиш кузатилди. Ўтган даврда Тошкент шаҳридаги трактор йиғув заводи қошида 280 ўринли, электрон техника заводида 100 ўринли ошхоналар очилди, шунингдек 270 ўринли “Россия” ресторани, 650 ўринли “Гулистон” ресторани, Фарғонада 140 ўринли “Баҳор” ресторани, Самарқандда 100 ўринли “Светлана” кафеси ҳамда бир қатор ўқув юртларида ошхоналар ташкил этилди. Аммо, Тошкент, Андижон, Наманган, Хоразм ва бошқа айрим вилоятлардаги шаҳарларда ўтган йиллар мобайнида уй-жой қурилишига оид 5 фоизли ажратилган маблағ чегирмаси асосида умумий овқатланиш корхоналари очилмаган [10].

Шу йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган зилзила республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Шаҳарнинг бир қанча аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудлари вайронага айланди. Зилзила оқибатида 4 та 440 ўринли умумий овқатланиш корхонаси ҳамда 3260 ўринли 31 та корхонаси жиддий таъмирлаб ҳолатга келган [11].

Андижон шаҳрида 1967 йилда ошхона, ресторан, кафе ва бошқа овқатланиш муассасаларини кенгайтириш режаси 32 фоизга бажарилган. Вилоятдаги қатор саноат корхоналарида, ўқув юртларда ошхоналар узоқ вақт ташкил этилмаган эди. Шунингдек, умумий овқат-

ланиш муассасаларида таомларнинг тури кам бўлиб, кўплаб муассасаларда таомларнинг сифати паст даражада бўлган [12].

Бу даврда йирик корхона ва ташкилотлардаги ошхоналар қурилиши ҳам узоқ вақт давом этиши ҳолатлари кузатилган. Жумладан, Тошкентдаги “Подъёмник”, “Ташкабель” ва “СТО” заводларида ошхона қурилиши 1964-1966 йилларда бошланиб, бир неча йил давом этган [13]. Бундан ташқари, янги барпо этилаётган биноларнинг биринчи қаватларида кафе, қандолатчилик дўконлари ва бошқа савдо муассасаларига жой ажратиш мутлақо етарли бўлмаган. Бунинг оқибатида, республикадаги шаҳарларда очиқ турдаги умумий овқатланиш муассасалари ҳаддан зиёд кам миқдорда бўлган, умумий миқдор ҳисобида 37 фоиз Ўзбекистонда бундай очиқ муассасаларга 1000 кишига 13 ўриндиқ тўғри келган. Очиқ турдаги овқатланиш муассасалари Андижон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида 1000 кишига 12 тагача ўрин тўғри келган [14].

Ўша даврда умумий овқатланиш корхоналарида 1000 нафар аҳолига совет давлатида -34 та ўрин тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Украинада -34,5 тани, Ўзбекистонда эса атиги-27 та ўринга тўғри келган эди [15,57].

1970 йилда Тошкент шаҳрида - 160 ўринли “Зангори гумбаз” овқатланиш муассасаси, 200 ўринли “Лаззат” кафеси, Чкалов заводи қошида 500 ўринли ошхона, спорт саройи қошида 200 ўринли кафе, Фарғона шаҳрида- Механика заводи қошида 100 ўринли ошхона, пединститут қошида 250 ўринли “Ёшлик” кафеси, 100 ўринли “Шарқ” кафеси ҳамда Самарқанд шаҳрида- 200 ўринли “Лаззат” кафеси, чинни заводда 120 ўринли ошхонаси фойдаланишга топширилди [16].

Ушбу йилларда тадқиқотчи Р.Х.Шодиев томонидан умумий овқатланиш тизимининг фаолияти бўйича ўтказилган сўровда, респондентларнинг 48,1 фоизи умумий овқатланиш тизимидан ҳар куни фойдаланишларини, 15,5 фоизи алоҳида ҳолларда, 7 фоизи умуман фойдаланмасликларини, 11,2 фоизи эса ошхона, кафе ва ресторанлар хизматидан дам олиш кунлари фойдаланишларини маълум қилишган.

Шунингдек, ушбу тадқиқотда 24 фоизи иштирок этганлар ўз ташкилотларидаги ошхоналарда эмас, балки очиқ турдаги ошхоналардан фойдаланишларини, иш жойи ва яшаш жойидаги ошхоналардан фойдаланмасликлари сабаби сўралганда 64 фоизи сўровда қатнашганлар таомларнинг сифати пастлиги ҳамда қимматлигини баён этишган.

Бундан ташқари, яқин атрофдаги ошхонага пиёда боришга қанча вақт кетиши бўйича, сўров қилинган кишиларнинг 78 фоизи - 10 минутгача; 12,6 фоизи - 15 минутгача; 9,1 фоизи 15 минутдан ортиқ вақт кетишини маълум қилишган (асосан очиқ турдаги ошхона ва кафе-лардан фойдаланувчилар) [17,144-145].

Жиззах вилоятида эса 1977 йил вилоятдаги саноат корхоналаридаги умумий овқатланиш муассасаларида 1000 нафар максималъ сме-надаги ходимларга -160 та ўрин тўғри келган (меъёр бўйича 250 ўрин, давлат савдоси тизимида ўртача -180 ўрин) бўлса, ўқув юртларида 1000 нафар талабага 80 ўрин (меъёр бўйича 180, давлат савдоси тизимида ўртача 120 ўрин), умум таълим мактабларида 1000 нафар ўқув-чига 50 ўринни (меъёр бўйича 250, давлат савдоси тизимида ўртача 78 ўрин) ташкил қилган [18].

1980 йилда Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қўқон ва Андижон шаҳарларида янги замонавий лойиҳадаги ошхоналар фойдаланишга топширилган. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ошхоналарни ташкил этилмаганлиги натижасида талабалар ўқув юрти ҳудудидан ташқарида бўлган жамоат ошхоналарида нисбатан қиммат нархларга овқатланишга мажбур бўлишган. Шунингдек, кўплаб ўқув юртларидаги мавжуд ошхоналарда санитария ва гигиена қоидаларига риоя этилмаслиги, биноларни фаолият юритиши учун ноқулайлиги, яъни ошхонага мўлжалланмаганлиги аниқланган. Бактериологик текширувлар натижасида Андижон шаҳридаги 9 та талабалар ошхонасида, Самарқанд, Қўқон, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида ўқув юртлари ошхонасида ошқозон-ичак таёқчасимон микроблари борлиги маълум бўлган [19].

1980 йилларни иккинчи ярмида республикадаги кўплаб умумий овқатланиш муассасалари ўз фаолиятларида янги хизмат кўрсатиш турларини йўлга қўйдилар. Биргина Самарқанд шаҳри мисолида, 2 та гриль-бар, бутербродхона, қуймоқхона, қандолатчилик-кафеси, 10 та пончик пиширувчи автомат (ёғда кўпчиб пишадиган кулча), қиш мавсумига мўлжалланган 3 та музқаймоқ кафеси ҳамда Катта кўрғонда 2 та тайёр массалиқлар магзини ташкил этилган. [20]. Самарқанд шаҳридаги олий (18208 нафар талаба) ва ўрта-махсус (7107 нафар ўқувчи) ўқув юртларига 3689 ўриндиқли 44 умумий овқатланиш муассасалари хизмат кўрсатган. Яъни, ўқув юртларидаги талаба ва ўқувчилари сони 25315 нафар бўлган улар учун ошхоналардаги ўриндиқлар миқдори 3689 тани ташкил этган. Шу ўрнида қайд этиш жоизки, бу кўрсаткични Кооператив институт мисолида кўрадиган бўлсак, талабаларнинг ошхона хизматидан фойдаланганлик даражаси -50 фоиз, Политехника институтида -45 фоиз, Тиббиёт институтида -52 фоиз, ва Индустириал техникумда -60 фоиз бўлган. Политехника ва Педагогика институтлари ҳамда Индустириал техникум ётоқхоналарида умумий овқатланиш муассасалари умуман йўлга қўйилмаган [21].

XX асрнинг 80-йиллари якунида республикадаги 558 та мактабда ошхона бўлмаган. Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус ўқув юртла-

ри, касбий техникумларга жами 30 минг атрофида ўринли ошхоналар керак бўлган. Шунингдек, 970 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналарида ошхона ва буфетлар йўлга қўйилмаган [22].

Умумий овқатланиш муассасаларида ишнинг сифати ва хизмат кўрсатиш даражаси бевосита малакали мутахассисларга боғлиқ. Корхоналарида ишлаётган ходимларга ишлаш ва яшаш учун етарли шарт-шароитлар яратилмаслиги, меҳнат таътилларини ўз вақтида берилмаслиги, иш вақтини меъёрига амал қилмаслик ҳамда шу каби қатор сабаблар натижасида кадрлар қўнимсизлиги катта кўрсаткичларни ташкил қилар эди. Масалан, 1985 йилларда Фарғона вилоят ижроия қўмитаси умумий овқатланиш бошқармаси томонидан кадрлар билан ишлаш масаласида қатор ишлар амалга оширилди. Мураббийларга 520 нафар ёш ходимлар бириктирилган эди. Ушбу ишлар натижасида соҳада кадрлар қўнимсизлиги нисбатан камайди. 1982, 1983, 1984 ва 1985 йилларда кадрлар қўнимсизлиги 19,2 фоиз, 18,6 фоиз, 20,3 фоиз ва 15,8 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1986 йил 1 январ ҳолатига 15,9 фоизни ташкил этди [23].

1985 йил Хўжайли умумий овқатланиш комбинатида жами 46 нафар раҳбардан фақат 10 нафари (21,7 фоизи) ёшлар бўлган. Магазин ва ошхона директорларининг қарийб 40 фоизи махсус маълумотга эга бўлмаган. Баъзан, ошхона мудирини ёки қандолат цеҳини раҳбарлигида мутахассислиги ўқитувчи бўлганлар ишлагани аниқланган [24].

Таъкиллаш лозимки, совет ҳукумати томонидан маиший хизмат муассасалари орқали социалистик турмуш тарзини сингдириш барча йўналишларда самарали чиқмаган. Ушбу даврда “Социалистик” турмуш масаласи кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар томонидан кенг ёритилган. Уни барпо этишда долзарб омилларга шарҳ берилди. Шунингдек, совет ҳукуматида олимлар томонидан “Советча турмуш тарзи” ҳамда “Социалистик турмуш тарзи” сўзлари синоним сифатида ишлатилган [25]. Б а т з и да соҳада олиб борилган янги ўзгаришлар керакли самара бермаган. Жумладан, 1960 йилларда совет ҳукумати томонидан мамлакат узра аҳоли орасида спиртли ичимликларни истеъмол қилишларини олдини олиш мақсадида кўплаб пивохоналар ёпилган. Аммо, 1963 йиллардан бошлаб қатор ресторанлар қошида спиртли ичимликлар сотадиган барлар ташкил этилган. Пиво барларида кишилар турли газета ва журналларни ўқишини йўлга қўйилишига эътибор қаратилган. Бироқ бундай барларда одатий ичкилик ичиш муҳити мавжуд бўлган [26,186].

Умумий овқатланиш корхоналари фаолиятида маҳаллий аҳолининг кадриятларига зид ҳаракат амалга оширилган. Яъни, халқимизнинг қадимий тарихи билан боғлиқ кадриятларидан бири Наврўз байрами кунларида республикадаги барча савдо ва умумий овқатланиш корхо-

наларида Наврўз байрами тимсолини англатувчи таомларни сотиб олиши, тайёрлаш ҳамда аҳолига сотиши таъқиқланган [27].

Совет ҳукумати томонидан соҳани ривожлантиришда Ўрта Осиё халқлари, биринчи навбатда туб миллат аҳолиси эҳтиёжлари инобатга олинмади. Буни, хусусан шундан билса бўладики, Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-маданий эҳтиёжларига давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг салмоғи ортиб бориш ўрнига доимий равишда қисқартирилиб борилди [28, 11-12].

1970-1980 йилларда республика аҳолисининг уй-жой, озиқ-овқат, ижтимоий-маданий иншоотлар билан таъминланиш даражаси пастлиги, Ўзбекистонда демографик вазият шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган бир вақтда бу ўлкага бошқа минтақалардан аҳолининг “зўрлик” билан кўплаб кўчиб келиши туб аҳолини уй-жой, озиқ-овқат ва саноат моллари, тиббий ва маиший хизмат, болалар боғчаси ва яслилар билан таъминлашнинг янада ёмонлашувига, республика ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда миллатлараро муносабатларнинг янада кескинлашувига олиб келди [29,106].

Иттифоқ маркази томонидан ижтимоий сиёсатнинг “қолдиқ принципи” қўлланиши оқибатида, Ўзбекистон ва Марказий Осиёда аҳоли яшаш даражаси ва сифати бўйича барча ўн йилликларда бошқа Иттифоқ республикаларидан сезиларли равишда орқада бўлди [30, 4-5].

Бу каби ҳолатлар ўз ўрнида, ўша даврда аҳолининг республикадаги даврий матбуотга мурожаат этишларида ҳам кўзга ташланади. Чунончи, 1990 йилни Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, “Будённый” хўжалиги, 5-бўлими аҳолиси чойхона, нонвойхона ҳаммом, клуб йўқлигидан қийналаётганлигини маълум қилса[31], Фарғона вилояти, Риштон тумани, Бўтқа қишлоғи аҳолиси қишлоқда чойхона, ювиниш учун ҳаммом ва кинотеатр йўқлигини қайд этган [32].

Айтиш мумкинки, совет ҳукумати йилларида аҳоли турар жойларида умумий овқатланиш муассасаларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилган. Бироқ, йиллар мобайнида кўплаб йирик ташкилотлар, ўқув юртлари ва қишлоқ худудларида умумий овқатланиш муассасаларини барпо этиш, ривожлантириш ҳамда мавжуд муаммоларини ҳал этишга етарли эътибор қаратилмаган.

Хулоса тариқасида қайд этадиган бўлсак, совет даврида умумий овқатланиш муассасаларини ривожлантиришда бир қанча асосий омилларга етарли эътибор қаратилмагани йиллар мобайнида соҳа фаолиятига ўз таъсирини ўтказиб келган. Улар сирасига қуйидагиларни мисол қилсак бўлади:

- республикадаги кўпгина хўжаликларда умумий овқатланиш муассасаларини барпо этиш масаласи узоқ йилларга чўзилган;
- ижтимоий-маиший муассасаларни барпо этишга оид режаларда аҳолининг сони, туғилиши ҳамда кўчиб келиши каби ҳолатларга етарли эътибор қаратилмаган;
- қатор йирик корхона ва ўқув юртларидаги ошхоналарда овқатланиш учун ўриндиқлар ва жиҳозлар етишмаган;
- ўз ўрнида, мавжуд кўпгина умумий овқатланиш муассасаларида таомларнинг тайёрланиши, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиш ҳолати ва нархи аҳолининг талаб-истакларига тўғри келмаган;
- тизимда кадрлар танлай ва тайёрлаш бўйича ишларни тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида, баъзи умумий овқатланиш муассасаларида соҳа бўйича мутахассис бўлмаган кишилар меҳнат қилган;
- ходимларга меҳнат шароити ва ижтимоий муҳофаза яратилмаганлиги оқибатида бир қанча муассасаларда кадрлар қўнимсизлиги юқори кўрсаткичларда бўлган;
- умумий овқатланиш муассасалари фаолиятида маҳаллий аҳолининг миллий қадриятларга оид бўлган таомларни тайёрлашни чеклаш ҳолати кузатилган;
- аксарият маҳаллий аҳолининг азалдан кундалик нонушта, тушлик ёки кечки овқатни ҳам ўз оила аъзолари билан тановвул қилиш каби одати уларнинг умумий овқатланиш муассасаларига ташрифида сезиларли аҳамият касб этган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. (Электрон шакли)
2. Бешимов Р. Победа культурной революции в кишлаках Узбекистана (1933-1941 года) По материалам Бухарской и Самаркандской областей. дисс... канд. ист. наук –Ташкент, 1963. – С. 180.
3. Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларидан трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). –Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015. – Б.151.
4. ЎЗР МДА, Р.91- фонд, 11-рўйхат, 10-иш, рақамсиз варақ.
5. Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларидан трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). –Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015. –Б.152.
6. СВДА (Самарқанд вилоят давлат архиви), 1647-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 38 - варақ.

7. Таркибида Самарқанд шаҳри бўйича 2 та ресторан, 19 та ёпиқ ва 3 та очик турдаги ошхона, 10 та тамаддихона, 36 та мактаб ошхонаси ҳамда 31 та муассасалар ошхонаси бўлган.

8. СВДА, 1647-фонд, 1-рўйхат, 997-иш, 11-13-варақлар.

9. СВДА, 1647-фонд, 1-рўйхат, 997-иш, 13-14-варақлар.

10. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 298-иш, 1- варақ.

11. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 97-иш, 1- варақ.

12. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 298-иш, 25-варақ.

13. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 427-иш, 4-варақ.

14. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 427-иш, 70- варақ.

15. Шадиёв Р.Х. Сфера обслуживания и уровень жизни населения. — Ташкент:Узбекистан, 1974. — С.57.

16. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 671- иш, 25- варақ.

17. Шадиёв Р.Х. Сфера обслуживания и уровень жизни населения. — Ташкент:Узбекистан, 1974. — С.144-145.

18. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 1407-иш, 13- варақ.

19. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 1576-иш, 170-171- варақлар.

20. СВДА, 26- фонд, 1-рўйхат, 5423-иш, 62 - варақ.

21. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 2531-иш, 81- варақ.

22. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 2531-иш, 16 - варақ.

23. ЎзР МДА, Р.91- фонд, 11-рўйхат, 2221-иш, 111 ва 171-варақлар.

24. ЎзР МДА, Р.91- фонд, 11-рўйхат, 2195-иш, 295 - варақ.

25. Бухтий В.В. Пропаганда социалистического образа жизни в печати (на материалах центральных газет 1976-1983 гг.) Автореф. дисс. канд. филолог.наук —Москва, 1984.(Электрон. ресурс: www.dissercat.com)

26. Орлов И.Б. Советская повседневность исторический и социологический аспекты становления. —Москва: Изд. дом Государственного университета-Высшей школы экономики. — С.186.

27. ЎзР МДА, Р.91-фонд, 11-рўйхат, 2196-иш, 131-135- варақлар.

28. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида). —Тошкент: Шарқ, 1999. — Б. 11-12.

29. Бобожонова Д. Кўрсатилган адабиёт. — Б. 106.

30. Муртазаева Р. Толерантность как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. —Ташкент: Узбекистан, 2010. — С. 4-5.

31. ЎзРМДА, Р-2806-фонд, 1-рўйхат, 168-иш, 88- варақ.

32. ЎзРМДА, Р-2806-фонд, 1-рўйхат, 168-иш, 84-89-варақлар.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ ВА УНИНГ МАЪНАВИЯТНИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ражабова Зухра Саъдуллаевна,
Ўзбекистон Миллий Университет тадқиқотчиси

For citation: Rajabova Zuhra. Value of material and non-material cultural heritage and their development of culture. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 81-86.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-9-7>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Хоразм вилоятидаги моддий ва номоддий маданий мероснинг ва унинг маънавиятни ривожланишидаги аҳамияти масалаларини баён қилади. Бугунга қадар эришилган муваффақиятлар, мавжуд имкониятлар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида сўз юритади. Шунингдек, муаллиф томонидан бир қатор амалий таклифлар ҳам илгари сурилган.

Калит сўзлар: Моддий - маданий ёдгорликлар, номоддий маданий мерос, меъморий обидалар, туризм, монументал санъат асарлари, туристик маршрутлар, Хива, Буюк Ипак Йўли, Ҳазорасп, Қалъажик.

ЗНАЧЕНИЕ МАТЕРИАЛЬНОГО И НЕМАТЕРИАЛЬНОГО КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ И ИХ РАЗВИТИЕ КУЛЬТУРЫ

Раджабова Зухра Саъдуллаевна,
Научный сотрудник Национального университета Узбекистана

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор рассматривает материальное и нематериальное культурное наследие Хорезмской области и его роль в развитии духовности. В нем говорится об успехах, имеющихся возможностях и перспективах на будущее. Автор также сделал ряд практических предложений.

Ключевые слова: Материальные и культурные памятники, нематериальное культурное наследие, памятники архитектуры, туризм, произведения монументального искусства, туристические маршруты, Хива, Великий шелковый путь, Хазорасп, Каляжик.

VALUE OF MATERIAL AND NON-MATERIAL CULTURAL HERITAGE AND THEIR DEVELOPMENT OF CULTURE

Rajabova Zuhra,

Researcher, National University of Uzbekistan

ANNOTATION

In this article, the author considers the tangible and intangible cultural heritage of the Khorezm region and its role in the development of spirituality. It talks about successes, opportunities and prospects for the future. The author also made a number of practical suggestions.

Key words: Material and cultural monuments, intangible cultural heritage, architectural monuments, tourism, works of monumental art, tourist routes, Khiva, the Great Silk Road, Khazorasp, Kalyazhik.

Амударёнинг қуйи оқимида, Жанубий Оролбўйи ҳудудларида жойлашган Хоразм воҳаси — Марказий Осиё цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан биридир. Ўзига хос хусусиятлардан иборат Хоразм цивилизациясининг моддий маданияти, шаҳарсозлик, меъморчилик, тасвирий санъат ва қадимий ёзув намуналари ниҳоятда муҳим кўп сонли ёдгорликларда ўз аксини топган. Қолаверса, минтақа ўзбек халқининг қадимий тарихи, бетакрор маданияти, тарихий обидалари ва маданий мерос ёдгорликлари билан машҳур бўлган “археологик — этнографик қўриқхона” ҳамдир. Шу боисдан ҳам ҳозирда Хоразм воҳаси тарихий ва маданий ёдгорликларини халқ маънавиятининг феномени тарзида ҳамдауларнинг маънавиятни ривожлантиришдаги аҳамиятини тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, аждодларимиздан қолган маданий тарихий меросга эътибор кучайиб, улар ўзининг ҳақиқий қадр-қиммати топи, тарихий - маданий ёдгорликлар давлат назорати остига олинди ҳамда уларни таъмирлаш ва асл қиёфасини тиклаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг соҳага доир қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳаётга татбиқ этилди, қатор халқаро конвенциялар мамлакатимиз томонидан ратификация қилинди.

Тарихий — маданий меросни асраб — авайлаш, уларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш соҳасини ривожлантириш, бундай объектларни қайта тиклаш ва уларнинг имкон қадар асл ҳолида сақланишини таъминлаш борасидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 4 минг 308 археологик, 2 минг 79 меъморчилик ёдгорликлари, 694 санъат асари, 395 диққатга сазовор жойлар, жами 7 минг 476 моддий-маданий мерос объекти давлат ҳимоясига олинган.

1991 йил Хивадаги “Ичан-қалъа”, 1993 йил “Бухоро тарихий маркази”, 2000 йил “Шаҳрисабз тарихий маркази”, 2001 йил “Самарқанд маданиятлар чорраҳаси” номи билан ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Кейинги йигирма йиллар давомида 1 минг 4 та тарихий объектда кенг қўламли таъмирлаш-тиклаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Хитой, Япония, Франция, Польша ва бошқа давлат вакиллари билан ҳар йили 15 дан ортиқ халқаро археология мероси объектларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш борасида амалга оширилган ишлар нафақат тарихни ўрганиш, тарғиб қилиш, балки ўсиб келаётган ёш авлодни бебаҳо тарихий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларда миллий ўзликни англаш туйғусини янада кучайтириш, жамиятда юксак маънавиятни тегран қарор топтиришга хизмат қилади.

Тарихий тараққиёт давомида турли хил босқинлар, табиий офатлар натижасида вайрон этилган қадимий ёдгорликлар археологик тадқиқотлар натижасида ўрганилиб келинмоқда. Республикада ўтмишнинг суронли даврларига бардош бериб келаётган меъморий обидалар, археологик ёдгорликлар жуда кўп уларни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодга етказиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан республикада уларни асраб авайлашга доир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу борадаги дастлабки қадам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилганлиги мавзунинг нақадар долзарб эканлигидан далолатдир. Жумладан, унинг 49 — моддасида: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”, дея таъкидланган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Хоразм воҳаси бетакрор табиати, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган ноёб маданий ва тарихий обидалари, инфратузилма тармоқлари билан Ўзбекистоннинг юксак сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган ҳудудларидан ҳисобланади. Вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилади. 22 та маданий-тарихий мерос объектида таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилади”[2,258], деб кўрсатиб ўтган.

Бинобарин, бу маданий меросдан келгуси авлодни баҳрамад қилиш, ажодлари ким эканлигини англашиш ва бу халқнинг маънавий илди-зи қанчалар чуқур асосга эга эканлигини ёш авлодга англаш ҳолда уларнинг тарбиясига сингдириб бориш бугунги глобаллашув даврида янада муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий маданият марказларидан бири ҳисобланган Хоразм воҳасининг ёдгорликларга бой эканлиги олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўп бора ўз исботини топган. Ўзбек давлатчилиги тарихига муносиб ҳисса қўшган бу ўлкада қадим-қадимдан ҳунармандчилик, деҳқончилик, меъморчилик, илм-фан ва санъат юқори даражада ривожланган. Хоразм воҳасининг узвий қисми бўлган Хоразм вилоятидаги қўҳна Хазорасп, Хива, каби шаҳарларида сақланиб қолган қалъа деворлари уларнинг қадимийлигидан дарак беради. Бундан ташқари, Хива шаҳрида жойлашган Ичанқалъада саройлар, масжид, мадрасалар, карвонсаройлар, мақбара, миноралар ўзига хос тарихга эга бўлиб, улар XIV-XIX асрларда қурилган. 1967 йилда музей қўриқхона номини олган Хива шаҳари 1990 йилда бутунжаҳон мероси объекти рўйхатига киритилгани маънавиятнинг юксак тараққий этганлигининг асосидир. Умумий ҳолатда бугунги кунда вилоятда давлат рўйхатидан ўтган 255 маданий мерос объекти мавжуд. Шундан 18 таси археология, 133 таси архитектура, 66 ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ва 32 муқаддас қадамжолардир.[3]

Республикада жойлашган ёдгорликларни ўрганиш мақсадида дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар ташриф буюради ва бу ернинг ажодлари яратган меросидан баҳраманд бўлади. Аммо, ўзбек халқи ва ёшлар дунё цивилизациясига ҳисса қўшган шаҳарларга камдан-

кам бориши, аждодлари яратган меросидан етарлича хабардор эмасликлари бугунги кунда яққол кўзга ташланмоқда. Республика президенти Ш.Мирзиёев ташаббускорлигида амалга оширилаётган ислоҳот аҳолини тарихий жойларга саёҳат қилишларига кенг имкониятларни яратмоқда. Бугунги кунда аждодлар меросини ўрганиш борсида юзага келаётган муаммоларнинг бартараф қилиниши моддий ва номоддий маданий мероснинг маънавиятни ривожланишидаги аҳамияти қанчалик юқори эканлигини кўрсатади.

Республиканинг Биринчи Президенти Ислон Каримов аждодлар меросига эътибор қаратиб шундай деган эди: - “Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”[4,258]. Дарҳақиқат, ёшларни юксак миллий ғурур руҳида баркамол авлод бўлиб етишишларида, мамлакат келажаги пойдеворини қуришда, аждодлар маънавиятини уларнинг онгига сингдириб бориш, келажакда хавф соладиган турли ҳил ғоялар таъсиридан сақланишда маънавий қуроли бўлиб ҳизмат қилади. Шунинг учун ҳам бу мавзунини ўрганиш ва тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”[5]ги, 2014 йил 21 июлдаги 200-сонли “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [6,137]ги, 2018 йил 15 февралдаги 120-сонли “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида” қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги “2017–2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш тўғрисида”[7]ги, 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сонли “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармойиши[8] ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Шу билан бирга, ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стра-

тегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга ҳамда илм – фан соҳаларини комплекс ривожлантиришга қаратилган тегишли вазифаларни маълум даражада бажаришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б. 258.

3. Хоразм вилояти маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси маданий мерос объектлари рўйхати. – Урганч, 2018.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б. 258.

5. Хоразм вилояти маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси маданий мерос объектлари рўйхати. – Урганч, 2018.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари .-Тошкент: Ўзбекистон, 1997.- Б.137.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222–сонли “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. / www.lex.uz

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги 200–сонли фармойиши. / www.lex.uz

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ЕВРОПА ИНТЕГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА GERMANIA ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОЛИ

Умаров Сардор Якубович,
Самарқанд давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

For citation: Umarov Sardor. The role Germany Federative republic in the European integration process. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 87-94.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-9-8>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ҳозирги замон халқаро муносабатлар тизими тамойиллари 1975 йилда имзоланган Хельсинки Якуний актига асосланган, Париж қарорлари эса ушбу тамойилларни янада бойитиб, уларни тўлдирди. Мазкур мақола Якуний акт ва унинг асосида Евроосиёда шаклланган халқаро муносабатлар тизими, уни шаклланишида Германиянинг роли масаласига бағишланган.

Калит сўзлар: Р.Шуман, Шуман декларацияси, Хельсинки Якуний Акти, Париж шартномаси, “икки қутблилик”, Шарқий Европа, Германия, “Янги халқаро муносабатлар”.

РОЛЬ ФЕДЕРАЦИОННОЙ РЕСПУБЛИКИ ГЕРМАНИЯ В ПРОЦЕССЕ ЕВРОПЕЙСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ

Умаров Сардор Якубович,
преподаватель кафедры Всеобщей истории
Самаркандского государственного университета

АННОТАЦИЯ

Принципы международных отношений в современном мире основаны на Хельсинкском Заключительном акте 1975 года. Парижская декларация еще больше обогатила принципы и наполнила их. Данная статья посвящена заключительному акту и его актуальности для системы международных отношений в Евразии, роль Германии в ее формировании.

Ключевые слова: Шуманская декларация, Хельсинкский Заключительный акт, Парижский договор, «двухполярный», Восточная Европа, Германия, “Новые международные отношения”.

THE ROLE GERMANY FEDERATIVE REPUBLIC IN THE EUROPEAN INTEGRATION PROCESS

Umarov Sardor,

teacher of the Department of World History
of Samarkand State University

ANNOTATION

Today, the principles of international relations have been based on the Helsinki Final Act of 1975. The Paris Declaration further enriched the principles and filled them up. This article deals with the final act and its relevance to the system of international relations in Eurasia, Germany's role in shaping it.

Key words: R.Schumann, Shuman Declaration, Helsinki Final Act, Paris Treaty, “bipolar”, Eastern Europe, Germany, “New international relations”.

Инсоният ривожланишининг ҳозирги даврига ҳос бўлган глобаллашув давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва биргаликда ҳаракат қилиши жараёни сифатида қарор топди. Халқлар ва давлатлар ягона макон сифатида шаклланган иқтисодий, сиёсий ва ахборот майдонида иқтисодий-сиёсий ва маданий жиҳатдан бирлашдилар[1,19]. Бу борада Европа давлатларини бирлаштирган Европа Иттифоқи ажрилиб туради. Европа Иттифоқининг асоси бўлган ЕҲХТнинг олиб борган тинчликпарвар сиёсати натижасида жаҳонда “совуқ уруш” тенденциялари парчalandи. Бу эса нафақат Европа мамлакатлари орасида, балки Евросиё минтақасидаги давлатлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг юзага келишига сабаб бўлди. Бир сўз билан айтганда ЕҲХТга аъзо давлатлар интеграцион жараёнларни жадаллаштирди, ду-

неда глобаллашув жараёнларини юзага келтирди. Ва албатта, глобаллашув шароитидаги геосиёсий жараёнларда ва халқаро муносабатлар тизимида ҳам иштирок этиб, ўз ўрни ва сўзига эга бўлди.

Европа ҳамжамиятини ташкил этиш борасидаги ҳал қилувчи биринчи амалий қадам Франция ташқи ишлар вазири Р.Шуман томонидан қўйилди. У томонидан 1950 йил 9 майда эълон қилинган “Шуман Декларацияси”да Европа давлатларига иқтисодини қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида умумий бозор доирасида иқтисодий имкониятлар ва воситалардан биргаликда фойдаланиш таклифи ифодаланган эди.

Франция ташқи ишлар вазирлигининг матбуот конференцияси вақтида эълон қилинган Декларацияда учта масалага алоҳида эътибор қаратилган эди: Биринчидан, Франция ва Германия орасидаги асрий адоватга барҳам бериш энг яқин мақсад сифатида эътироф этилган эди: “Европа давлатларининг бирлашиши Франция ва Германия орасидаги асрий адоватга чек қўйилишини талаб этади; амалий ҳаракат биринчи навбатда Франция ва Германиядан чиқиши керак”. Иккинчидан, Европа халқлари орасида юзагакелиши мумкин бўлган ҳар қандай кўринишдаги қуролли тўқнашувларнинг олдини олиш ва ўрбий Европанинг халқаро салоҳиятини кучайтирувчи ёсрий иттифоқни барпо этиш узоқ муддатли мақсад қилиб белгиланди. Учунчидан, бирлашишнинг босқичма-босқичлик тамойили асос қилиб олинган эди: “Европа бирданига ва бир кунда, ялпи қурилиш йўли билан ҳам ташкил этилмайди; у, аввало, ҳақиқий бирдамлик ва биродарлик яратувчи аниқ амалий қадамлар билан барпо қилинади” [2,41]. Шу тамойиллар асосида Европада халқаро муносабатларнинг шакллантирилиши келгусида Евросиё минтақасида халқаро муносабатлар тизимининг ўзига хос кечишини таъминлаб берди. Шу билан бирга халқаро муносабатлар тизимида дунё мамлакатлари томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқнинг нормаларини ва принципларини шакллантириб берди.

Р.Шуман таклифи асосида, ягона Европани яратиш ва иккинчи жаҳон урушидан кейинги Франция ва ГФР ўртасида уруш ҳолатига барҳам бериш мақсадида Европа иқтисодий интеграциясидаги муҳим воқеа 1951 йилнинг 18 апрелида Европа Кўмир ва Пўлат Ҳамжамиятининг ташкил этиш тўғрисида Париж шартномаси имзоланиши бўлди. ЕКПҲни ташкил қилиш бўйича келишув Франция, Германия Федератив Республикаси, Бельгия, Голландия, Люксембург ва Италия томонидан имзоланди. Айти шу давлатлар иштирокида “Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ)” ва “Европа атом энергияси ҳамжамияти

(ЕАЭХ)»ни таъсис этишга оид шартнома 1957 йил 25 мартда Рим шаҳрида имзоланди ва 1958 йил 1 январдан кучга кирди [3,51, 4,3].

Бундан сал аввалроқ, 1955 йилнинг июнида бўлиб ўтган Мессин (Франция) анжумани қарорлари ҳам ўарбий Европа мамлакатларида орасида иккинчи жаҳон урушидан кейинги интеграцион жараёнларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Ушбу анжуманда ўарбий Европа интеграциясининг истиқболлари белгилаб олинди. Бундан мақсад ўарбий Европа миллий хўжаликларини бирлаштириш, шунингдек ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий бошқарувни мувофиқлаштириш орқали Европа умумий бозорини шакллантириш эди.

Европа умумий бозорини яратишда ГФР ва ГДРнинг ўзаро қарама-қаршилиги асосий қаршилик омили эди. Шу боисдан ҳам 1971 йилда АҚШ, Совет Иттифоқи, Буюк Британия ва Франция ўртасида ўарбий Берлин бўйича келишув имзоланди. 1972 йилда ГДР ва ГФР ўрасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Юқоридаги бу келишувлар Европада шу вақтга қадар мавжуд бўлиб келаётган зиддиятларга барҳам берди. Шу билан бирга ўарбий Европада 1973 йилда содир бўлган энергетика инқирози ҳамда 1974-1975 йилларда содир бўлган иқтисодий инқирозлардан фақатгина Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа давлатлари билан яна иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш орқали чиқиб кетиш мумкин эканлиги ўарбий Европага маълум бўлиб қолди. Бу омиллар сабаб ўарбий Европа Шарқий Европа билан яқинлашиш ва Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилаш учун ҳаракат қилди [5,48]. Шу билан бирга Совет Иттифоқи ҳамда Шарқий Европа юқори технологиянинг ривожланиши борасида ўарбдан ортда қолган эди. Юқоридаги энергетик, технологик ва иқтисодий омиллар Европанинг бўлинган Шарқий қисми ва ўарбий қисми ўртасида иқтисодий алоқалар муҳим аҳамиятга эга эканлиги тамойиллари қарор топди. СССР ҳамда социалистик давлатларда ҳам ўарб билан илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлик ўсди. Натижада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгаш тузиш учун шароит юзага келди.

Бу кенгаш 1973 йил 3 июлда Хельсинкида ўз ишини бошлади ва Женевада 1973 йил 18 сентябрдан 1975 йил 21 июлгача давом эттирди. 1975 йил 1 августда Хельсинкида якунловчи Акт имзоланди. Унда дунёнинг 35 та етакчи давлати иштирок этди. Якуний Актнинг имзоланиши натижасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши тузилди. Мазкур Кенгашнинг Акти ўарбий ва Шарқий Европа давлатларининг мажбуриятларини белгилаб берди. Европа давлатлари, АҚШ, Совет Иттифоқи, Канада бир-бириларини хурмат қилиш, инсон

ҳуқуқлари, суверенитет, ўзаро ҳамкорлик, ҳавфсизлик масалалари бўйича келишиб олдилар. Бу эса “совуқ уруш”ни парчаланишига замин яратди.

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг умум эътирофга сазовор бўлган умумбашарий тамойиллари ўнта бўлиб, шундан бештаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 2-моддасида, иккитаси БМТ Низомига мувофиқ давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка оид 1970 йилги халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда ўз аксини топган эди. 1975 йилги ЕХХТнинг якуний ҳужжати рўйхатни уч тамойил билан тўлдирди: чегаралар даҳлсизлиги, ҳудудий яхлитлик, инсон ҳуқуқларини хурмат қилиш. Сўнгги икки тамойил 1970 йил Декларацияда мустақил тамойил сифатида қайд этилмаган, лекин бошқа тамойиллар мазмунида акс эттирилган эди [6,37]. Шу тариқа қабул қилинган Тамойиллар декларациясида халқаро муносабатларда янги ўзгаришлар даврини бошлаб берган қуйидаги принциплар қайд қилинди:

- суверен тенглик;
- куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан қурқитмаслик;
- чегараларнинг даҳлсизлиги;
- давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;
- низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш;
- ички ишларга аралашмаслик;
- инсон ҳуқуқларини хурмат қилиш;
- халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши;
- давлатлар ўртасида ҳамкорлик;
- халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни адолатли бажариш [7].

1975 йил ЕХХТнинг Якуний ҳужжатида чегараларнинг даҳлсизлиги тамойили халқаро ҳуқуқнинг мустақил тамойили сифатида ажратилган. Бунга кўра, иштирокчи давлатлар ҳар бир иштирокчи давлатнинг ҳудудий яхлитлигини хурмат қилиши лозим; улар БМТ Устави мақсади ва тамойилларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари зарур [6,42]. Бир сўз билан айтганда, Хельсинки якуний Акти янги халқаро муносабатлар тизими қарор топишининг тамал тошини қўйди.

Негаки, мазкур Тамойиллар декларациясида халқаро муносабатлар тизимида янги қарашларни шакллантирган бир қанча муҳим қоидалар келтирилган эди. Жумладан, “Иштирок этувчи давлатлар БМТ Уставининг мақсад ва принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормаларига, шу жумладан давлатларнинг ҳудудий яхлитлигига тааллуқли нормаларига мувофиқ доим ҳаракат қилиб, хал-

қларнинг тенг ҳуқуқлилигини ва ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар. Халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини белгилаш принциpidан келиб чиқиб, барча халқлар тўла эркинлик шароитида доим, қачон бўлмасин ҳамда ўзлари хоҳлаганидек ўз ички ва ташқи сиёсий мақомини ташқаридан аралашувсиз белгилаш ҳамда ўз хоҳишига кўра ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Иштирок этувчи давлатлар халқлар ўртасида шунингдек барча давлатларлар ўртаси дўстона муносабатлар ривожланиши учун халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ҳамда самарали амалга ошириш умумий аҳамиятини тасдиқлайдилар; улар ушбу принцип бузилишининг ҳар қандай шаклини истисно этиш муҳимлиги ҳақида ҳам эслатиб ўтадилар” [8,82]. Бундан ташқари иштирок этувчи давлатлар учун бажаришлари лозим бўлган тамойил ҳам қайд этилган эди: “Иштирок этувчи давлатлар умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ бўйича ўз мажбуриятларини ҳамда халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларидан, шунингдек улар иштирокчилари ҳисобланган битим ёки шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни виждонан бажарадилар. Ўз суверен ҳуқуқларини, шу жумладан ўз қонуни ва маъмурий қоидаларини белгилаш ҳуқуқини амалга оширишда улар халқаро ҳуқуқ бўйича юридик мажбуриятларидан келиб чиқадилар; улар, бундан ташқари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Яқунловчи ҳужжати қоидаларини зарур тарзда ҳисобга оладилар ва бажарадилар” [8,113-114].

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг 1975 йилги Яқуний ҳужжатида глобаллашув шароитида халқаро муносабатларнинг асосий моҳиятини кўрсатиб берувчи қуйидаги тамойил ҳам мавжуд эди. “Улар тенглар сифатида ўз ҳамкорлигини ривожлантириб, ўзаро тушуниш ва ишониш, дўстона ҳамда яхши кўшничилик муносабатлари, халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолат учун кўмаклашишга интиладилар. Улар ўз ҳамкорлигини ривожлантириб, халқларнинг фаровонлигини юксалтиришга ҳамда уларнинг кенгайиб бораётган ўзаро танишиш ҳамда иқтисодий, илмий, техник, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳалардаги тараққиёт ҳамда ютуқлардан келиб чиқадиган афзалликлардан фойдаланиш орқали орзуларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашишга тенг равишда интиладилар. Улар ҳамма ушбу афзалликлардан фойдаланиши учун қулай шартшароитлар яратишга кўмаклашиш бўйича ҳаракат қиладилар; улар ҳамманинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камай-

тиришга бўлган манфаатларини ва, хусусан, бутун дунёда ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини инобатга оладилар” [8,152-153]. Бу эса халқаро муносабатлар тизимида янги қарашларнинг шаклланишини ва янги геосиёсий муносабатларнинг қарор топишини таъминлаб берди. Глобаллашув давридаги халқаро муносабатлар айнан юқорида қайд этганимиз ўнта тамойиллар асосида қарор топди. Хельсинки учрашувлари халқаро муносабатларда янги жараёнларнинг шаклланишини бошлаб берди. Иккига бўлинган Европа давлатларини қайтадан бирлашув жараёнларини юзага келтирди. Совет Иттифоқи томонидан илгари сурилган “УмумЕвропа уй” лойиҳаси билан биргаликда янги Европанинг қарор топишига асос бўлиб, келгусида “совуқ уруш” жараёнига барҳам берилиши омилларидан бири бўлди.

Европанинг бирлашуви қадамларини бошлаб берган Германия Федератив Республикаси ўз ҳаракатларини жадаллик билан олиб борди. Шарқий Германия ерларини ўзига бирлаштириш мақсадида амалга оширган ишлари бевосита Европанинг бирлашув жараёнлари билан боғланиб кетган эди. шу боисдан ҳам Германия Федератив Республикаси Янги Европанинг қарор топишида ҳал қиливчи ролни ўйнади. Г.Коль бошчилигидаги ГФРнинг амалга оширган тадирлари нафақат икки немис давлатини бирлаштирди, шу билан бирга Европанинг Шарқий ва ўарбий қисмларини бирлашуви учун замин яратди.

1991 йил 15 мартда урушдан кейин Германияни босиб олган кучлар – Совет Иттифоқи, Қўшма Штатлар, Буюк Британия ва Франция томонидан Германияни тўлиқ мустақил эканлигини тан олган Шартномани имзолади [9,225]. Шу тариқа Германияни бирлаштирилиши халқаро муносабатлардаги йирик воқеа бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши якунлари асосида шаклланган “биполяр дунё”га нуқта қўйилишида муҳим қадам бўлди.

Хулоса сифатида қуйидаги фикрларни келтириш мумкин, XX асрнинг охири чорагида ягона Европани юзага келтириш борасидаги қарашларнинг ўсиши натижасида 1975 йилда Хельсинки тамойиллари яратилди. Бу эса келгусида Евросиё минтақасида янги халқаро муносабатлар тизмининг қарор топишида муҳим қадамлардан бири бўлди.

Глобаллашув шароитида юзага келган геосиёсий жараёнларни халқлар ва давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида қарор топтириш муҳим масалага айланди. Евросиёда Европа Иттифоқининг шаклланиши ва СССРнинг парчаланиши билан боғ-

лиқ ҳолда кечган янги геосийсий жараёнларда коммунистик ғоялар таъсирида бўлган ҳудудларда демократик тамойиллар негизда юзага келган давлатлар ўртасидаги алоқалар тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ўрнатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Корзенко Г.В., Зенченко В.А., Криворот А.А., Ефимович Е.В. Международные отношения и внешняя политика государств. — Минск: БГПУ, 2013.

2. Юнусов Ҳ. Европа Иттифоқи ҳуқуқи (Европа Иттифоқи ва ҳам-жамиятлари ҳуқуқи): Дарслик. — Тошкент: Янги асравлоди, 2007.

3. Mc Cormick, John. Understanding the European Union. A concise introduction. Fourth edition. — New York. Palgrave Macmillan, 2008.

4. The European Union — A Brief History. SPICe Briefing. 20 May 2016. № 16/37.

5. Новик Ф.И. СССР и проблемы безопасности и сотрудничества в Европе // Советская внешняя политика в годы холодной войны. 1945-1995 гг. — М., 1995.

6. Раҳимова М. Халқаро ҳуқуқ.— Тошкент: Akademiya, 2005.

7. Conference on security and co-operation in Europe final act. Helsinki 1975. P.4-8. (Электрон китоб)//<https://www.osce.org/helsinki-final-act?download=true> Сайтга 2019 йил 3 февраль куни мурожаат қилинди.

8. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар // Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор А. Х. Саидов // Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. — Т., 2012.

9. Coy, Jason Philip. A brief history of Germany. Facts on File, Inc. An imprint of Infobase Publishing, 2010.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

БАҚТРИЯНИНГ ЖАНУБГА – БЕЛУЖИСТОН ВА ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОНГА МАДАНИЙ ТАЪСИРИ

Шайдуллаева Гулжаҳон Шапулатовна,
ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти

For citation: Shaydullaeva Guljaxan. Cultural influence of Baktria to south Beluzhistan and ancient India. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 95-107.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-9-9>

*Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019*

Мақолада Хараппа цивилизацияси ёдгорликларидан топилган Сополли-Даштли маданиятларига хос бўлган моддий маданият ашёлари муҳокама қилинади. Бақтрия ва қадимги Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар доимо ва иккитомонлама бўлганлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: Сополли маданияти, Хараппа маданияти, Бақтрия, Белужистон, Окс цивилизацияси, Кветти, Мехи, Мергар, лазурит, маданий алоқа, маданий таъсир.

КУЛЬТУРНЫЕ ВЛИЯНИЕ БАКТРИИ К ЮГУ – БЕЛУЖИСТАНУ

Шайдуллаева Гулжаҳон Шапулатовна,
Институт археологических исследований
Академии наук Республики Узбекистан

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются археологические артефакты найденные из памятников Хараппской цивилизации, которые характерно для Сапалли-Дашлинской культуры. Автор пришла к выводу, что культурные связи между Бактрией и древней Индией были постоянными и двухстороннему.

Ключевые слова: Культура Сапалли, Культура Хараппа, Бактрия, Белуджистан, Цивилизация Окс, Кветти, Мехи, Мергар, Лазурит, культурное связи, культурное влияние.

CULTURAL INFLUENCE OF BAKTRIA TO SOUTH BELUZHISTAN AND ANCIENT INDIA

Shaydullaeva Guljaxan,

Institute of Archaeological Research,

Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

ANNOTATION

This article discusses the archaeological artifacts found from the sites of the Harappan civilization, which is characteristic of the Sapalli-Dashly culture. The author came to the conclusion that the cultural connections between Bactria and Ancient India were permanent and bilateral.

Key words: Sapalliculture, Harappa culture, Bactria, Baluchistan, Oks civilization, Kvetti, Mekhi, Mergar, lapis lazuli, cultural communication, cultural influence.

Қадимги Ҳинд ва Окс цивилизацияларининг маданий алоқалари жуда кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини тортган. Масала маданий алоқалардан бошланиб [15;19; 20, 244-253], маъданий таъсир даражасигача [11,168-175; 9, 240] ва ҳаттоки, Хараппа ва қадимги Бақтрия аҳолисини ягона этник гуруҳ сифатида қараш керак деган фикргача бориб этган [37, 74; 22, 29-36; 25,137-145].

Тадқиқотнинг аввалида олимларнинг диққат эътибори Бадахшон лапс лазурити, лазуритнинг Қадимги Шарқ шаҳарлари бўйлаб тарқалиши, лазурит йўли ва унинг тармоқлари каби масалаларга қаратилган [15; 24; 3,128]. Мунозараларнинг асосий манбаси Қадимги Шарқнинг деярли барча шаҳарларидан топилаётган лапс лазурит маъдани бўлган [8; 9,240].



1 расм. Месопотамия. Эбле шаҳар харобасидан топилган лазурит тошлар

Амударёнинг юқори оқими, Тўликан водийсида Хараппа маданиятига оид Шўртўқай ёдгорлиги топилганидан сўнг, тадқиқот мавзулари жуда кенгайиб, фанда “Хараппа маданиятининг Бақтрияга оккупацияси”, “Бақтрия Хараппа маданиятининг колонияси”, “Хараппа маданиятининг Бақтрияга экспанцияси” ҳақидаги ёки халқларнинг ассимиляцияси кечганлиги хусусида фикр ва мулоҳазалар пайдо бўлди [27; 30,59-71; 31,21-22; 29,29-60; 9,240].

Вақт ўтиши билан Бақтрия ва Марғиёнаннинг бронза даврига оид деярли барча ёдгорликларидан Хараппа маданиятига оид моддий маданият намуналари топила бошлади. Олтиндепе ёдгорлигидан қадимги Ҳинд пиктографияси туширилган муҳрнинг [10,324], фил суягидан ясалган предметларнинг топилиши [5,216], сўнгги йилларда Жарқўтондан “*piral*” ўсимлиги тасвирланган идишнинг [36, 3-23], фил тасвирланган терракот ҳайкалчанинг [18], Гонур ёдгорлигидан фил ва қадимги Ҳинд пиктографияси тасвирланган муҳрнинг топилиши [41] тадқиқотчиларга Хараппа ва Окс цивилизациясининг маданий алоқалари мавзусининг очилишига сабаб бўлди.


Афсуски, биз учун бироз ноқулай бўлсада айтиш лозимки, Ўрта Осиёнинг бронза даври ёдгорликларидан топилаётган, Хараппа маданиятига тегишли барча топилмалар маданий алоқалар эмас, балки “Хараппа маданиятининг Бақтрия ва Марғиёнага маданий таъсири” мавзусига ҳизмат қилади, албатта Бадахшон табиий маконидан олинган ва Қадимги Шарқ шаҳар-давлатлари ёдгорликларидан топилаётган лапс лазуритлар бундан мустасно. Алоқалар икки томонлама бўлганда маданий алоқалар хусусида, бир томонлама бўлганда эса маданий таъсир тўғрисида ёзиш керак бўлади. Акс таъсир эса Хараппа маданияти моддий манбаларини ўрганиш асосида ўз ечимини топади. Ушбу мақоланинг мақсади Ўрта Осиё археологиясида янги мавзу, Белужистон ва Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилаётган, Бақтрия ва Марғиёнага хос бўлган моддий манбаларни ўрга-

нишга қаратилган. Зеро, танланган мавзу муваффақиятли ҳамда бардавом бўлсагина Окс ва Хараппа цивилизацияларининг ўзаро маданий алоқалари хусусида гапириш мумкин бўлади.

Албатта, бу мавзу илмий асосланган ва тизимли равишда олиб борилиши, жумладан меъморчилик ва бошқа моддий маданият турлари таққосланиб, аниқ аналогиялар бўйича, айнан Бақтрия ва Марғиёна моддий маданиятига хос археологик артефактларнинг Белужистон ва Хараппа маданияти ёдгорликларидан топилган бўлишига асосий эътиборни қаратиш лозим. Агар, Ўрта Осиё халқлари моддий маданиятига ўхшатиб ясалган бўлса, ҳақиқий ва тенг маънодаги маданий алоқалар ўрнатилгани бўлади.

Мақолани худди шундан, Сополли-Даштли моддий маданиятига айнан ўхшаш, аммо жанубдан топилган археологик артефактларга қаратсак. Бу борада диққатимизни археологик ёдгорликларда энг кўп тарқалган моддий маданият намуналаридан бири - кулолчилик ашёлари бўйича муҳокамани бошласак. Бизга аёнки, Сополли-Даштли маданияти кулолчилигининг энг характерли жиҳатларидан бири сопол буюмларнинг кулолчилик чарҳи ёрдамида, бежирим шаклларда ясалганлигидир. Шундай идиш турларидан ваза, қадаҳ, коник шаклли сополлардир [2,248]. Бу идиш турлари Бақтрия ва Марғиёна бронза даври кулолчилигининг энг характерли жиҳатларидан ҳисобланади [26,40-58].


Сополли-Даштли маданиятларига хос бўлган айнан шу шаклли идишлар А. Стейннинг 1927-1928 йилларда Белужистоннинг бронза даврига оид Меҳи ёдгорлигидан топилган (2 расм). Аммо тадқиқотчи асарларида бу топилмаларнинг Ўрта Осиёга хослиги хусусида бирор нарса дейилмаган, негаки Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза даври маданиятлари археологиянинг сўнгги йиллар кашфиёти ҳисобланади (42; 44; 42).



2 расм. Белужистоннинг Меҳи, Мергар ёдгорликларидан топилган, Сополли-Даштли маданиятларига хос сопол буюмлар

Фикримизча, Бақтрия ва Белужистон ўртасида маданий алоқалар доимий ва анъанавий бўлган. Бу фикрга келишимизга асосий сабаб, А. Стейннинг Мехи ёдгорлигидан топган ва ушбу мақоладаги 2 расмда тасвирланган коник ва кубок шаклли идишлар Сополли маданиятининг жарқўтон, вазалар эса молали даври кулолчилигига характерлидир.

Таниқли археолог Ж.Ф. Жаррижнинг машҳур ва кўп қатламли Мергар ёдгорлигида олиб борган тадқиқотлари натижасида ҳам Сополли-Даштли маданиятларига хос кулолчилик ашёлари, яъни коник шаклли идишлар учраган (3 расм). Топилмалар мил.ав. III минг йиллик охири ва II минг йилликка оид Мергар VIII маданий қатламларидан топилган. Тадқиқотчилар бу топилмаларни Бақтрия-Марғиёна кулолчилигига оид деб ҳисоблашган [40; 35].



3 расм. Мергардан топилган, Сополли-Даштли маданиятларига хос сопол буюмлар

Мергар ёдгорлигидан 10 км шимолда жойлашган, машҳур Сибри ёдгорлигидан ҳам айнан Сополли-Даштли маданиятларига хос бўлган жумракли идишнинг топилиши Бақтрия ва Белужистон маданий алоқалари хусусида фикр юритишга ашёвий манба бўлиб ҳизмат қилади (4 расм). Бу идишлар ҳам сўзсиз Сополли маданиятининг жарқўтон даври кулолчилигига хос бўлган археологик артефактлардир.



4 расм. Сибридан топилган, Сополли-Даштли маданиятларига хос сопол буюмлар

Хараппа маданиятига бағишланган адабиётларни ўрганиш борасидаги тадқиқотларимиз шуни тасдиқламоқдаки Бақтрия ва Марғиёнага хос бўлган кулолчилик намуналари Қадимги Ҳиндистоннинг энг ривожланган маданият ва хунармандчилик марказлари Хараппа, Мохенжодоро ва Калибанган шаҳарларигача кириб борганлиги кузатишмоқда [38, 129; 46, 43-95].

Нафақат кулолчилик балки Бақтрия ва Марғиёнага хос бўлган бошқа моддий маданият ашёлари ҳам Белужистон ва Қадимги Ҳиндистоннинг бронза даври ёдгорликларидан топилмоқда. Жумладан, фақат Бақтрия ва Марғиёнага хос бўлган, юмшоқ таркибли оқ тошдан, гипсдан, кўп ҳолларда мрамардан ясалган, археология фанида вазифаси номаълум бўлиб келаётган, адабиётларда “митти колонна” номи билан машҳур археологик артефактнинг Кветти, Кулли ёдгорликларидан топилиши Бақтрия ва Марғиёнанинг Қадимги Шарқ цивилизацияси моддий маданиятига таъсири деб баҳоланиши керак [34, 150-166].

Кветти ва Кулли ёдгорликларидан топилган “митти колонналар” шубҳасиз Ўрта Осиёдан олиб борилган ашёлардир. Уларнинг шакллари, кўламлари, юмшоқ таркибли тошлардан ясалганлиги ва хаттоки, параметри бўйлаб чўкичлаб ишланган чуқурчанинг мавжудлиги шундай хулоса чиқаришга асос бўлади (5а, 5б расмлар). Митти колонналарнинг вазифаси хусусида К.Абдуллаев фикр билдириб, Қадимги Шарқ дунёсида “диний маросимларни ўтказиш давомида хаомаларни қўйиш столи” вазифасини бажарган деган фикрга келган. Албатта, бу фикрга муҳрларда тасвирланган ифодалар асос қилиб олинган [1, 120].



5а




5б

5а расм. Кветти ва Кулли ёдгорликларидан топилган, Бақтрия ва Марғиёнага хос бўлган “митти колонна”лар.

5б расм. Тўғалоқ 21 “митти колонна”лари.

Сополли маданияти моддий маданиятининг ўзига хос, қайтарилмас жиҳатларидан бири унинг бронзадан ясалган ойналаридир. Тўғри, бронзадан ясалган ойналар Қадимги Шарқ цивилизациялари – Ме-

сопотамия, Элам, Хараппа маданиятларига ҳам характерли. Аммо, Сополли маданияти ойналари металлга силлиқлаш технологияси ишлатилиб ясалган бўлиб, думалоқ шакли диск ва қабзадан иборат. Қабзасига ҳар хил безак бериб ишлаш анъанаси характерлидир (2, 248). Худди шундай ойналарнинг Мехи ёдгорлигидан топилиши (6а расм) Сополли маданияти моддий маданияти анъаналарининг жанубга таъсиридан далолат беради [39].



6а расм. Мехи ёдгорлиги. Бронза ойна. 6б расм. Сополлитепа. Бронза ойна

1985 йили Кветти шаҳрида меҳмонхона қурилиши даврида ишчилар бронза даврига оид қабрга дуч келишган. Қабрдан иккита, бир хил шаклда ясалган олтин бузоқ ва олтин ваза топилган. Мутахассислар томонидан қабр милоддан аввалги 2000 йил олдинги даврларга тегишли эканлиги қайд этилган. Қабрдан топилган ашёлар тарихи бўйича умумий хулоса қилиниб, Бақтрия, Марғиёна ёки Эроннинг бронза даври моддий маданиятларига хос эканлиги ҳам айтилган [7, 168].

Вазанинг баландлиги 8,5 см, диаметри 9,5 см, оғирлиги 100 грамм бўлиб, ҳозирги кунда Карачи миллий музейида сақланади [23, 384].

Олтин вазанинг топилганига бир оз вақт ўтган бўлса-да, бронза даври билан шуғулланувчи, ўрта осийлик мутахассисларнинг эътиборига тушмаган. Бунинг сабаби ҳам маълум, чунки улар бутун эътиборларини Хараппа маданиятининг Бақтрияга ёки Марғиёнага маъданий таъсир масалаларига қаратган, акс таъсир бўйича биронта мақола эълон қилинмаганлиги шу фикрга келишга асос бўлади.

Мазкур топилмалар шубҳасиз, Метрополитен музейида сақланаётган “Бақтрия болтаси” сингари санъат асарлари қаторига киради. Қадимги ҳинд цивилизацияси мутахассислари таъкидлаганларидек,

олтиндан ясалган бежирим ваза бутун шакли ва шамоили билан Сополли маданияти моддий маданиятига, аниқ қилиб таъкидлайдиган бўлсак, молали даври вазаларига айнан ўхшайди, чунки олтин вазанинг балясина шаклли оёқлари, коник кўринишдаги идиш косаси ва гардишлари Сополли маданияти анъанасида ясалган [2]. Вазанинг гардиши 9,2 см, оёғи диаметри 3,6 см (6б расм).


Идишнинг ташқи тарафида, бир-бирига айнан ўхшамасада, кетма-кет ифодаланган, тўртта шер галаси тасвирланган. Уларнинг бири оғзини ланг очган, бошқалари юмиқ ёки қия очган ҳолатда тасвирланган. Думларини ифодалашда ҳам ҳар хиллилик сезилади, бириники оёқларига чирмашган, иккинчисиники эса галадаги кейинги шер оёқларига теккан ҳолатда ясалган. Шерларнинг айримлари ўлжага ташланаётган, важоҳатли кўринишда, бошқалари эса оҳиста ва сокин ҳаракатда, ёлинлари тарам-тарам қилиб ишланган. Шерларнинг узунлиги 6 см, баландлиги 2,6 см қилиб ясалган.

Шерлар Қадимги Шарқ халқлари мифологиясида ерни ифодаловчи, вертикал шаклли, параллел чизиқлар билан безатилган бўртма устида ифодаланган [4]. Бўртма ваза сирти бўйлаб, шерлар оёқлари остида ясалган, бўртманинг диаметри 7 см, қалинлиги 7 мм.

Ушбу ифодавий асар, бўртма тагида ифодаланган, параллел жойлашган, зигзак нақш билан яқунланган. Мифология дунёсида зигзак шакли сувни, денгизни ифодалайди. Демак, ҳайвонлар ҳукмдори шерларнинг оёқлари остида ер ва сув, демакки, дунёвий борлиқ ифодаланган.



6а




6б

6а расм. Кветти. Олтин ваза. 6б расм. Жарқўтон вазаси

Бақтрия вазаси билан бирга топилган кейинги топилма ҳўкизлар тасвирланган олтин терракоталардир. Агар терракоталарнинг ўлчамларини келтирмаса, ҳўкизларнинг ҳар хиллигини кўз билан илғамаслик мумкин. Биринчи ҳўкиз тасвирининг узунлиги 7 см, иккин-

чисиники 7,2 см, биринчисининг бўйи 5,4 см, иккинчисиники 5,2 см. Узунлиги ва бўйидаги ҳар хил ўлчам ҳисобига уларнинг оғирлиги бир хил — 30 граммни ташкил этган [33].



7 расм. Кветти. Терракота. Олтин. Ҳўкиз тасвири.

Ж.Ф.Жаррижнинг мақоласида ва Қадимги Ҳиндистон цивилизациясига бағишланган бошқа асарларда бу тасвирга бузоқ сифатида таъриф берилган [33,115]. Аммо, тасвирланган ифодада ҳайвон шоҳларининг узун қилиб, гавда тузилишининг жуда ҳам кўркам ва етук ҳайвон — говмиш тарзида ифодаланганлиги, туёқларининг тўлиқ шаклланган ҳолатда ясалганлиги бу терракотада ҳўкизнинг ифодаланганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳўкизларнинг гавдаси ён кўринишда, оҳиста қадамлаётган ҳолатда тасвирланган, биринчи ҳўкизнинг бўйни бироз гавдаси томон қайрилиб ифодаланганлиги натижасида башараси тўлиқ, иккинчиси эса ярим қайрилган, бурилган кўринишда тасвирланган.

Кветти ва Олтиндепедан топилган олтиндан ясалган ҳўкиз-терракоталарининг генетик бирлиги хусусида фикр юритса бўлади [10,3]. Биринчидан, уларнинг энг қимматбаҳо металл, олтиндан ясалганлиги беихтиёр таққослаш учун энг асосий омилдир, ундан сўнг шоҳларининг сим кўринишида узун қилиб ясалганлиги, учинчидан кўзларининг қобокларида ярим ой шаклдаги чизиқлар билан қошларининг чизилганлиги, тўртинчидан қулоқларининг бир хил услубда ифодаланиши, бешинчидан бронза даврида терракоталар ҳамда глиптик тсвирларда инсон юзи тасвири ва ҳайвонларнинг башараси ён томонидан ифодаланган. Кветти ва Олтиндепе олтин терракоталарида ифодаланган ҳўкизларнинг башаралари олд томондан ифодаланган. Бу ҳолатлар Кветти олтин буюмларини Окс цивилизацияси моддий маданияти туркумига киритиш учун асос бўлади [33,111-123].

Маълумки, Қадимги Шарқда инсонларнинг бош сифиниш жойи ибодатхоналар бўлган ва унда худолар ҳар хил ҳайвонлар кўриниши-

даги ҳайкалчалар тимсолида, масалан Иштар худоси шер, Мардук худоси эса сигир (хўкиз) кўринишида намоён бўлган [3,128; 16]. Демак, Бақтрия ва Белужистон халқларининг диний қарашлари ва туншунчаларида яқинликлар кузатилади ва бу жараён Кветти топилмаларида яққол намоён бўлган.

Келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, Хараппа ва Сополли-Даштли маданиятлари ўртасида жуда яқин маданий алоқалар ўрнатилган. Алоқалар, бир томонлама, яъни Қадимги Ҳиндистон ва Белужистоннинг Бақтрияга ёки Марғиёнага маъданий таъсири доирасида эмас, балки икки томонлама — “таъсир” ва “акс таъсир” характерида бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев К. Культ хаомы в древней Центральной Азии. МИЦАИ. — Самарканд, 2009. 120 с.
2. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. — Ташкент, Фан. 1977. 248 с.
3. Бардески К.Д. Месопотамия: колыбель человечества /Пер. с итал. — Москва: Изд. «Ниола-Пресс», 2008. 128 с.
4. Бидерман Ганс. Энциклопедия символов. — Москва, 1996.
5. Ганялин А.Ф. Раскопки 1959-61 гг. на Алтын-Тепе // Советская археология. 1967, №4. — С. 207-219.
6. Гусева Н.Р. Индия в зеркале веков. — Москва: Вече, 2002. 448 с.
7. Древняя Индия: Страна чудес / Пер. с англ. И. Опимах. — Москва, 1997. 168 с.
8. Косамби Д., Культура цивилизация древней Индии. Исторический очерк. — Москва, 1968.
9. Кузьмина Е.Е. Предистория Великого шелкового пути: Диалог культур Европа-Азия. Отв. ред. Г.М. Бонгард-Левин. — Москва, 2010. 240 с.
10. Массон В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. Л., 1981. 324с.
11. Массон В.М. Печати протоиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культуррасписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. - М., 1977, №4. —С. 168-175.
12. Сариянида В.И. Древние земледельцы Афганистана. — Москва, 1977. 184 с.
13. Сарияниди В.И. Дубова Н.А. Археологические работы на юго-западном холме Гонур Депе (раскоп 16) // Труды Маргианской археологической экспедиции. Т. 2. — Москва, 2008. С. 28-49.

14. Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат, 2002. 279 с.

15. Сарияниди В.И. О великом лазуритовом пути на Древнем Востоке // КСИА, Вып. 14. 1968.

16. Сарияниди В.И., Бороффка Н.Г.О., Дубова Н.А. Культурные контакты Маргианы (Туркменистан) в III тыс. до н.э. Новые данные по Гонур Депе (погребение № 4150) // Труды Маргианской археологической экспедиции. Том 5. – Москва, 2014. 256 с.

17. Шайдуллаев А.Ш. Сополли маданияти глиптикаси ва сфрагистикаси. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2018.

18. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон худудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд, 2009.

19. Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III-II тыс. лет до н.э.) // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО. – Ташкент, 1990.

20. Щетенко Ф.Я. Новое серийное издание по проблематике древнеиндийской цивилизации // Археологические вести. №4. РАН. ИИМК, 1995. – С. 244-253.

21. Щетенко Ф.Я. Первобытный Индостан. Ленинград, «Наука», 1979. – С. 183.

22. Amiet, P., « Art de cour de Margiane-Bactriane », La revue des musées de France. Revue du Louvre 2: Paris, 2005. – P. 29-36.

23. Aruz J. Art of the First cities. The Third Millenium B.C. from Mediterranean to the Indus. The Metropolitan Muzeum of Art. – New York, 2003.

24. Casanova M. La vaisselle d'albatre de Mesopotamie, d'Iran et d'Asia Centrale aux III et II Millenaires avant J.-C. MMAFAC - Memoires de la mission archeologie orientale, T. IV. – Paris, 1991.

25. Casanova M. «Lapis-lazuli beads in Susa and Central Asia: a preliminary study» // South Asian Archaeology 1993, A. Parpola et P. Koskikallio (dir.). – Helsinki, 1994.

26. Dering-Caspers E.C. «The BMAC and the harappan script», Ancient civilizations from Scythia to Siberia L., 1998. – P. 40-58.

27. Francfort H.-P. The Late Periods of Shortughai and the Problem of the Bishkent Culture // South Asian Archaeology. – B., 1979.

28. Francfort H.-P. «Compte-rendu de F. Hiebert, Origins of the Bronze Age Oasis Civilization in Central Asia // «Revue archeologique, 1997. – P. 131-133.

29. Francfort H.-P. «La civilisation de l'Asie centrale a l'age du Bronze et l'age du Fer», De l'Indus a l'Oxus. Archeologie de l'Asie centrale, Catalogue de l'exposition, O. Bopearachchi, C. Landes et C. Sachs (dir.), Lattes, Association IMAGO – musee de Lattes. – Paris, 2003b. – P. 29-60.

30. Francfort H.-P. «Les sceaux de l'Oxus: diversite de formes et variabilite defonctions », Ancient civilizations from Scythia to Siberia 5 (1). – Paris, 1998. – P. 59-71.

31. Francfort H.-P. «La Bactriane: le milieu», De l'Indus a l'Oxus. Archeologie del'Asie centrale, Catalogue de l'exposition, O. Bopearachchi, C. Landes et C. Sachs (dir.), Lattes, Association IMAGO – musee de Lattes. – Paris, 2003a. – P. 21-22.

32. Frangfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. – Paris, 1984. V. I, II.

33. Jarrige J.-F. «Le complexe culturel de Mehrgarh (Periode VIII) et de Sibri. Le “Tresor” de Quetta”, Les cites oubliees de l'Indus. Archeologie du Pakistan, Catalogue del'exposition du Musee National des Arts Asiatiques Guimet J.-F. Jarrige (dir.). – Paris, 1988. Association Francaise d'Action Artistique: - P. 111-128.

34. Jarrige J.-F., Usman Hassan. “Funerary complex in Baluchistan at theend of the third millenium in the light of recent discoveries at Mehrgarh and Quetta”// SouthAsian Archaeology, 1985. - M., 1989. – P. 150-166.

35. Jarrige, C., Jarrige, J.-F., Meadow, R. H. et Quivron G. Mehrgarh fieldsreport 1974-1985. From Neolithic Times to the Indus Civilization: the reports of eleven seasons of excavations in Kachi district, Balochistan by the french archaeological mission in Pakistan, Karachi, Golden Graphics Limited. 1995.

36. Kaniuth. K. Long distance imports in the Bronze Age of Southern Central Asia. Recent finds andtheir implications for chronology and trade/ / Archaeologische Mitteilungenaus Iran und Turan. Band 42. – Berlin, 2010. – P.3-23.

37. Lyonnet B. Prospections archeologiques en Bactriane Orientale. Vol. 2. Ceramique et peuplement du Cholcolithique a la cjnquet arabe. – Paris, 1997. – P. 74.

38. Mackay E. Early Indus civilizations. – London, 1948. – P. 129.

39. Pottier M.-H., Materiel funeraire de la Bactriane meridionale de l'age du Bronze, Paris, 1984. Recherche sur les civilisations, «Memoire» № 36.

40. Santoni M. «Sibri and the South cemetery of Mehrgarh: Third Millenium Connections between the Northern Kachi Plain (Pakistan) and Central Asia», South Asian Archaeology 1981, B. Allchin (dir.). – Cambridge, CUP, 1984. – P. 52-60.

41. Sarianidi V.I. Necropolis of Gonur. – Athens, 2007.
42. Stein A. Archaeological Reconnaissances in North-Western India and South-Eastern Iran, University Press. – Oxford, 1937.
43. Stein A. An archaeological exploration in Waziristan and Northern Baluchistan, Calcutta, Government of India Central Publication Branch, Memoirs of the Archaeological Survey of India, 1929. №37.
44. Stein. A. An archaeological tour in Gedrosia, Calcutta, Government of India Central Publication Branch, Memoirs of the Archaeological Survey of India, 1931. №43.
45. Teofer M. Spatbronyeyetliche grabfunde aus Nordbaktrien und benachbarten regionen // Archaeologie in Iran und Turan. Band 13. – Berlin, 2014. –P.685.
46. Winckelmann, S. «Intercultural Relations between Iran, the Murghabo-Bactrian Archaeological Complex (BMAC), Northwest India and Failaka in the fields of seals», East and West, 2000. vol. 50. – P. 43-95.

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИГА ДОИР

Мирзалиева Шаҳодат Мирзаназаровна,
Тошкент вилояти Қибрай тумани
Чингелди маиший касб-ҳунар коллежи
маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

For citation: Mirzalieva Shahodat. Tourism in the country prospects for development. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 8, pp. 108-114.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-9-10>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019
Эълон қилинган сана 10 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш истиқболларига доир масалалар кўтарилган. Шунингдек, туризм соҳасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, туризм турлари, Ўзбекистонда туризм, туризм соҳасини ривожлантириш босқичлари, Концепция.

О ПЕРСПЕКТИВАХ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ТУРИЗМА СТРАНЫ

Мирзаалиева Шаҳодат Мирзаназаровна,
Заместитель директора
Кибрайского профессионального колледжа бытовых услуг Чингелди

АННОТАЦИЯ

В данной статье подняты проблемы перспективного развития сферы туризма в Узбекистане. А также рассмотрены основные нормативно-правовые акты, касающиеся сферы туризма.

Ключевые слова: туризм, виды туризма, туризм в Узбекистане, этапы развития сферы туризма, Концепция.

ABOUT THE PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF THE SPHERE OF TOURISM OF THE COUNTRY

Mirzaalieva Shakhodat,
Deputy Director of Qibray Professional
College of Domestic Services Chingeldi

ANNOTATION

This article raises the problems of the prospective development of the tourism sector in Uzbekistan. And also considered the main regulatory acts relating to the tourism sector.

Key words: tourism, types of tourism, tourism in Uzbekistan, stages of development of the tourism sector, Concept.

“Туризм учун босқичма-босқич ҳамма шароитларни яратяпмиз, инвесторларга, ишбилармонларга кенг имкониятлар беряпмиз. 2019 йил туризм ривожига туб бурилиш йили бўлади”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Маълумки, туризм соҳаси замонавий дунёда тобора шиддат билан ривожланаётган ҳамда юқори ҳажмда даромад келтириши билан юқори ўринларда турувчи тармоқ ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, жаҳон миқёсида туризмдан кўрилаётган фойда йилига 1 триллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этмоқда. Дунё бўйлаб саёҳатга чиқувчилар — туристлар сони эса 1 миллиарддан ортиқ кўрсаткични ташкил қилмоқда. Қайд этиш жоизки, ушбу кўрсаткичлар йил сайин тобора ошиб бормоқда.

Шу боисдан, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари туризм соҳасини ривожлантириш, ўз ички салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда соҳага оид тегишли инфратузилмани замон талаблари даражасига кўтариш, шу орқали иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга интиломоқда.

Мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун ҳар томонлама қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Тарихий, маънавий-маърифий, геосиёсий аҳамияти жиҳатидан Марказий Осиё минтақасида ўзига хос ўрин тутувчи юртимиз ҳудудларининг туризм йўналишидаги салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристларнинг аксарият қисми юртимизнинг бой маданий-тарихий ёдгорликлари билан танишишга катта қизиқиш билдирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз салоҳиятини янада юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда, Ўзбекистонда туризм соҳасининг истиқболли ривожланишига устувор аҳамият қаратиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари билан туризм соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда, соҳа ривожини учун зарурий бўлган инфратузилмавий асослар шакллантирилмоқда, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорида кенг тарғиб этиш, ушбу соҳага кенг қўламли инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизни яқин истиқболда ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим дастуриламал ҳужжати ҳисобланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи устувор — “III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да юртимиз туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодийда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган [2].

Яна бир муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 5 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бўлиб, у билан туризм соҳасидаги амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар буборадаги амалий саъй-ҳаракатларни янада юқори босқичга кўтарди. Таъкидлаш жоизки, бу борадаги муҳим ташаббуслар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилди.

Маълумки, 2018 йил 28 декабрда давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида туризм соҳасининг истиқболлари ва ривожини бўйича таклифлар[3] билдирилган эди. Президентимиз бу борада туризмни ривожлантириш учун соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўриш; мамлакатимизнинг бетақдор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш; тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш орқали нафақат миллий иқтисодиётимиз, балки ижтимоий соҳалар ривожини салмоқли равишда ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтгани.

Ушбу таклифларни амалда татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги тегишли Фармони-га мувофиқ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди.

Концепцияга мувофиқ, мамлакатимизда қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш кўзда тутилмоқда[3].

Шу билан бирга, 2019 йил 5 январда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан юртимизда меҳмонхоналар ташкил этиш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг туристик имиджини шакллантириш ва жаҳоннинг жозибадор мамлакатлари қаторида ўзининг табиий-географик, тарихий ва маънавий бойликларининг устувор қирраларини тўла-тўқис намоён қила олиши учун зарур бўлган муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш орқали туризм соҳасини янада ривожлантириш мумкин.

Бу борада, туристик ресурслардан унумли фойдаланиш ва хизмат кўрсатадиган инфратузилмани юқори савияга олиб чиқиш устувор аҳамиятга эга. Бугунги замон айнан шуни талаб этмоқда. Мамлакатимизда замонавий меҳмонхоналар қуриш, ташриф буюрувчи сайёҳларга қулай шарт-шароитлар яратиш, туристик шохобчаларни янада кенгайтириш, туроператорликни ривожлантириш, хорижий ҳамда маҳаллий саёҳатчилар оқимини янада кенгайтириш, юртимиз тарихий ёдгорликлари ва обидаларини реконструкция қилиш, туристлар

учун қулай ва осон транспорт, таржимонлик ва экскурсовод хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш туризм соҳаситараққиёти учун ниҳоятда муҳимдир.

Мамлакатимизнинг туризм салоҳиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон жуда катта туризм ва рекреация салоҳиятига эга. Юртимизда жами 7,4 минг маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, улардан 209 таси тўртта музей шаҳарлар – “Хива шаҳридаги Ичан-қалъа”, “Бухоро шаҳрининг тарихий маркази”, “Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази”, “Самарқанд шаҳри” ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Мамлакатимизда туризм соҳасини изчил ривожлантиришнинг қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган мақсадли вазифа ва устуворлардан келиб чиқиб, қуйидаги асосий йўналишлар[5] белгилаб олинди:

– туристик фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни жорий этиш;

– туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларини инобатга олган ҳолда, мамлакатнинг барча ҳудудларида туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани ривожлантириш;

– транспорт логистикасини ривожлантириш, ташқи ва ички йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш;

– туризм бозорининг турли қатламларига мўлжалланган туристик маҳсулотлар ва хизматларни диверсификация қилиш орқали мавсумий омиллар таъсирини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

– республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминлайдиган ички туризмни ривожлантириш;

– миллий туристик маҳсулотни ички ва ташқи туризм бозорларида илгари суриш, унинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз мамлакат сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш;

– туризм соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, хизмат кўрсатувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Охириги ўн йилликда, хусусан, 2010-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг туризм хизматлари экспорти ҳажми икки барабар ошди ва 2017 йилда 546,9 миллион АҚШ доллари, 2018 йилда эса – 1 041 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2016 йилгача хорижий ташриф буюрувчилар сонининг ўсиш суръати ўртача йиллик 8 фоизни,

2017 йилда – 7 фоизни ташкил қилиб, 2,69 миллион нафардан ошди. 2018 йил якунлари бўйича республикага 5,3 миллион хорижий туристлар ташриф буюрди. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида, 2015 йилда 398 тани ташкил қилган туризм ташкилотлари сони 2018 йил якуни бўйича 950 тага, меҳмонхона хўжаликлари сони – 661 тадан 900 тага етди.

Бундан ташқари, туризм соҳаси учун малакали, замонавий кўник-маларга эга кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим саналади.

Агарда статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2017 йилда Ўзбекистонга дунёнинг турли мамлакатларидан қарийб 2 миллион 700 минг, 2018 йилда 5 миллион 300 мингдан ортиқ туристлар ташриф буюрган.

Туризм соҳасида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллионга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш режалаштирилмоқда[6].

Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожини йўлида олиб борилаётган изчил ва барқарор амалий ишларнинг ижобий самарасига яқин истиқболда эришиш кўзда тутилмоқда. Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий босқичлари[7] қуйидагилардан иборат:

2019-2020 йилларда – туризмни ривожлантириш учун мустақкам қонунчилик базани яратишга қаратилган институционал ислохотлар, инфратузилмани модернизациялаш ва мамлакат брендини тарғиб қилиш;

2021–2025 йилларда – мамлакат иқтисодиётида туризм индустрияси улушини кўпайтириш. Ушбу йўналишда зарур инфратузилмани ривожлантириш ва дунё бозорида республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш орқали мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида туризм улушини 5 фоизгача (2017 йил якуни бўйича – 2,3%) етказиш, шунингдек, 2025 йил якунига қадар 9 миллиондан ортиқ туристларни, шу жумладан, узоқ хориждан – 2 миллион туристни жалб қилиш белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш, соҳанинг истиқболли йўналишларидаги амалий чора-тадбирларни такомиллаштириш борасида қатор фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатларда белги-ланган чора-тадбирларнинг изчил ва мукамал тарзда амалга оширилиши юртимизнинг туризм салоҳиятини янада юксалтириш, хо-

рижий инвесторларни фаол жалб этиш, миллий йўналишдаги янги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини кучайтириш, Ўзбекистоннинг туристик имиджини дунёга танитишга, шу орқали, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. 2019 йил туризм ривожда туб бурилиш йили бўлади. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқидан. 2019 й. 8 январь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти — www.president.uz.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”нинг веб-сайти — www.lex.uz.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатнома. 2018 й. 28 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти — www.president.uz.

4. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонига 1-илова // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”нинг веб-сайти — www.lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони. 2019 й. 5 январь // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”нинг веб-сайти — www.lex.uz.

6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатнома. 2018 й. 28 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти — www.president.uz.

7. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонига 1-илова // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”нинг веб-сайти — www.lex.uz.



ISSN 2181-9599
DoiJournal 10.26739/2181-9599

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

ЎТМИШГА НАЗАР

№9 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6,
улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,
Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000